УзССР Давлат матбуот қўмитасининг Давлат кутубхонаси
25 ДЕК 1992

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 20 НОЯБР, № 47 (3203) ЖУМА

• ОЛИМ ҚИЁФАСИДАГИ ЖОСУСЛАР ҚИЛМИШИ

• НОЁБ ЮЗ АСАРНИНГ ДАВРИЙ РЎЙХАТИ

• ҲАРБИЙ ВАЗИРНИНГ МАХСУС ФАРМОЙИШИ

• ОЛТИН ҚАНДИЛЛАР ҚАЙТАРИЛАДИМИ?

7-БЕТ 8-БЕТ

Тошпўлат АҲМАД:

УЙҒОНАЁТГАН ТАФАККУР

Йил ҳам ўзининг адоғига етай деб қолди. Энди қилинган ишларни сарҳисоб этиш, ғалвирни сувдан кўтариш пайти келди. Мустақиллик айёми ичра кечган бир йил ижодкорларга нималар берди? Улар халқимизнинг қандай дардларини, орзу-ўйларини асарлари саҳифаларига олиб чиқдилар? Адибу шоирлар қандай фикрлар, ижодий ниятлар билан яшамоқдалар? Хусусан, бухоролик ижодкорларнинг фаолияти қандай кечмоқда? Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлимининг масъул котиби Тошпўлат Аҳмад билан суҳбатимиз ана шулар ҳақда борди:

— Шу йил ёзда вилоят ижодкорлари иштирокида Халқ демократик партияси вилоят кенгаши биносида «Мустақиллик ва адабиёт» мавзуида давра йиғилиши ўтказдик. Жумҳуриятимиз истиқлолининг бир йиллиги олдидан ўтказилган бу анжуманда қатор ижодий масалалар ҳал этилди. Жумладан, Бухорода нашриёт очиш, «Бухоро мавжлари» ойномасини мунтазам чоп этиб бориш, ниҳоясига етказилмаган Адабиёт музейини мукаммаллаштириш, вилоятда Фитрат номида адабий мукофот таъсис этиш, келаси йили Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига пухта ҳозирлик кўриш, ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатиш каби ишлар кўриб чиқилди. Ушанда вилоят ва шаҳар ҳокимлари — Д. Ёдгоров У. Носиров давра йиғилишида иштирок этиб, баён этилган фикрлар, талаб ва истакларни амалга оширишга кўмаклашиш ниятларини айтдилар.

Ўз-ўзидан аёнки, бу муаммоларни ҳал қилиш жуда зарур. Лекин олдимизда бундан ҳам зарур, бундан ҳам муҳимроқ бошқа бир масала бор: хўш, бундан кейин ижодкорларимиз нимага эътибор беришлари керагу, нима ҳақда ёзишлари лозим? Табиийки, энди бизнинг бошқача ёзишимиз, бошқача тафаккур қилишимизга тўғри келяпти. Узоқ йиллар ўтмишидан, тарихидан ажралган, ислом таълимотидан бенасиб қолган халқимизга бундан буён яссавиёна, бедилона, навоиёна, машрабона шеърлар керак. Инсонийлик, қадру қиммат, мусулмончилик, боғлажонлик, эътиқод, меҳру шафқат, имону инсоф, диёнатни талқин этувчи асарлар ёзишимиз шарт. Ахир Шарқ тафаккури — бошқача олам. Шарқона хулқу одоб, шарқона лафз, шарқона муомала, хуллас, шарқона маданият асарларимизда жилоланиб турса, қандай яхши! Айтайлик, Абдулла Қодирий лафзи, Чўлпон ва Усмон Носир назокати, Фитрат ва Миртемирнинг туркона ёза билиш санъати бизга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши лозим!..

Буларнинг ҳаммаси ижодкорларнинг янгича тафаккури, янгича дунёқарашининг шаклланишига боғлиқ.

Мустақиллик байрами арафасида Олот, Жондор, Ғиждувон, Ромитан туманларида ижодий учрашувлар ўтказилди. Бунда адибларимиздан Самандар Воҳид, Садриддин Салим, Ғулом Шомурод, Музаффар Турсун, Жўра Фозил, Сулаймон Шоди, Розиқ Рўзи, Абдунаби Ҳамроев кабилар иштирок этдилар. Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов юбилейи муносабати билан ҳам қатор ижодий тадбирлар уюштирилди.

Бу йил қоракўллик Амрулла Нуруллаев, жондорлик Остон Акобир, шофирконлик Шаҳобиддин Ўринов сингари ёш шоирларимизнинг илк тўпламларини муҳокамадан ўтказдик. Улар Тошкентда ўтказиладиган ёш ёзувчиларнинг навбатдаги семинар-кенгашида иштирок этадиган бўлишди.

Қоғозни ўзимиз топиб, харажатига баъзи ҳомийларни кўндириб, китоб чиқаришни йўлга қўйдик. Музаффар Турсуннинг «Қалб билан танҳо», Вали Бобомуродовнинг «Сешанбадан чоршанбагача», Сулаймон Шодининг «Кўнглимдасан», Дилмурод Жабборнинг «Чорбоғдаги ҳангома» китобларини «Бухоро» нашриётида босмадан чиқардик. Айни пайтда Аҳад Ҳасаннинг «Бухоройи шариф дерлар», марҳум шоирларимиз — Шариф Нурхон, Сайфи Нажмий ал-Бухорий ва бошқаларнинг мажмуалари ҳам чоп этишга топширилди.

Кекса қаламкаш, турғунлик йилларининг беайб жафокаши, собиқ райком котиби Ҳамро Саидовнинг «Қора кунлар» номли аччиқ қисматли саргузашт қиссасини ҳам босмага тайёрлаб бердик. Тез кунларда эса 40дан ортиқ қаламкашларимиз асарлари ўрин олган «Бухоро мавжлари» адабий тўплами китобхонлар қўлига бориб тегади. Булардан ташқари, бўлимимиз вилоят радиоси ходимлари билан ҳамкорликда «Мерос» адабий-маърифий журналини тайёрлашда ҳамкорлик қилмоқда. Вилоятимиз театрлари билан ҳам ижодий алоқаларни йўлга қўйганмиз. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, адибларимиздан Самандар Воҳид, Ҳожи Музаффар Турсуннинг 50 йиллик юбилейлари ўтказилди.

Бухоро бу йил Туркиянинг Измир ҳамда Малатия шаҳарлари билан биродарлик биз тимларини тузди. Шу муносабат билан қардош турк оғаларимиз билан ижодий алоқаларни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Келаси йилнинг баҳорида бухоролик бир гуруҳ зиёлиларнинг Туркия сафарини уюштириш, амалий тадбирлар ўтказишни вилоят ҳамда шаҳримиз раҳбарлари билан келишиб олдик.

Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича чиқарилган қарор ҳам ижодкорларимиз олдига муҳим вазифаларни қўйди. Бу тўйни ўтказиш хусусида тегишли тадбирлар белгиланмоқда. Хуллас, Бухоройи шарифда қаламкашларнинг ижодкорлик салоҳиятларини намоён этишлари учун амалга оширадиган юмушлар беҳисоб. Энг муҳими, барча адибларимиз бу қаётий масалаларни рўёбга чиқаришга ўзларини масъул деб ҳисобламоқдалар.

Оқилжон ҲУСАН

ҚЎШИҚНИНГ АСЛ НОМИ

1967 йил. «Муштум»дан «Шарқ юлдузи» журналига эндигина ўтган пайтларим эди. Санъат бўлимини бошқараётганим туфайли ўзим ҳам бу борада бир нималар ёзишни ихтиёр этдим. Кимдир айтдими, ёки ўзимнинг хаёлимга келдими, аниқ эсимда йўқ, самарқандлик ҳофиз Ҳожи Абдулазиз ҳақида мақола ёзмоқчи бўлдим. Ўттизинчи йиллардаги газета-журналларни топиб-титкилаб юрганимда изланишимга туртки берадиган яна бир гап эшитдим. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Ҳожи Абдулазиз ҳақида рисола чиқариш режалаштирилган экану китобни ёзадиган муаллиф ҳали ноаниқ эмиш. «Шу йиғаётган материалларингизни китоб тарзида ёза қолинг», деди нашриёт санъат бўлимининг мудири Усмон Шамсимуҳамедов. Бу таклифдан хурсанд бўлиб ишга қаттиқроқ киришдим...

Аниқ эсимда, самарқандлик Исматий деган муаллифнинг Ҳожи Абдулазиз ҳақида газетада босилган кичик мақоласида ҳофизнинг ўзи басталаб ижро этган қўшиқлари санаб ўтилган эди. Улар орасида «Дўст худойим» деб аталадиган қўшиқ ҳам бор эди. Негадир бу қўшиқ Ҳожи Абдулазиз ҳақидаги бошқа мақолаларда учрамасди. Ёзма материалларни анча-мунча ўрганиб, Ҳожи бобонинг шогирдлари, уни кўриб қолган одамлар билан сўзлашишга жазм этдим. Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Риск Ражабий, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов билан учрашдим. Уларнинг ҳар қайсисидан Ҳожи Абдулазиз ҳақида нималарнидир ёзиб олдим.

Айниқса, раҳматли Набижон Ҳасанов билан қилган суҳбатимиз мароқли кечди. Ўша пайтларда Тошкент зилзиласи асорати сабабли Ўзбекистон радиоси қошидаги мусиқа оркестри Хадра атрофидаги қанақадир залда машқ ўтказарди. Шу сабабли биз Набижон ака билан биринчи куни радио қўмитаси ҳовлисида, иккинчи куни тушдан кейин Хадра атрофида учрашдик. Ҳозирги Ҳамза номидаги театрга остона бўлиб турган жойда, курсисимон пастқам девор устида бир неча соат гаплашдик. Набижон ака устози Ҳожи Абдулазиз ҳақида кўрган-билганларини, эшитганларини дилкашлик билан сўзлаб берди. Ҳатто йўлдан ўтиб бораётган қариялардан бирини кўрсатиб:

— Ҳожи бобо худди мана шу кишидек хушқомат, чайир одам эдилар. Бўй-бастлари ҳам худди шундай эди, — деди.

У киши билан қилган суҳбатимдан кейин ўз қаҳрамоним ҳофиз Ҳожи Абдулазизни аниқроқ тасаввуримга келтирдим. Ўша аснода тасодифан эсимга келиб қолиб Набижон акадан сўрадим:

— Ҳожи бобонинг «Дўст худойим» деган ашуласини билмайсизми, Набижон ака?

Набижон ака хиёл кулимсирадию жим қолди. Негадир кўзларида ўйчанлик бор эди.

— Биламан. У ашула ҳозир ҳам бор, айтилиб юрилибди, — деди Набижон ака.

— Мен ҳеч эшитмаганманку? — дедим.

— Эшитгансиз, маза қилгансиз-у ўшалигини билмагансиз... Ахир ҳозир ўзингиз «Гулузорим»ни мақтадингиз-ку, Ҳожи бобо ижодининг чўққиси, дедингизку...

— Хўш? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ўша, сиз мақтаган «Гулузорим»ни Ҳожи бобо дастлаб «Дўст худойим» деб номлаган эдилар. Кейинчалик динга қарши кураш бошланиб, ҳаммаёқда худосизлар союзлари тузилди, диний маросимлар, урф-одатлар тақиқланди. Кўрдингизми, «худо» деган сўз қўшиқларимиздан ҳам олиб ташланди. Ҳожи бободек улуғ одам ўзининг «Дўст худойим» деган қўшиғини «Гулузорим» деб аташга мажбур бўлдилар...

Набижон ака Ҳасанов озгина сукутдан сўнг ўзини хиргойига чоғлади.

— Қўшиқ аслида мана бундай айтилган:

Эй дўст худойим, во-ей,
Раҳм айла илоҳим.
Эй дўст худойим, во-ей,
Кечир гуноҳим,
Қўйма мени зор
йиғлатибо, мадорим...

Шундай қилиб, самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз ҳақидаги рисола ёзилди, «Самарқанд булбули» номи билан чоп этилди. Аммо унда «Дўст худойим» ашуласининг «Гулузорим»га айланиб кетгани ҳақида гап юритолмадим. Бордию ҳар юритгудай бўлсам, ўзимга ғавғо сотиб олишим, кам деганда Ҳожи бобо ҳақидаги китобнинг чоп этилмай қолиши тайин эди.

Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши, дейдилар. Кошки эди, ўша дурдона ашула бундан буён ҳофизлар томонидан ўзининг аввалги номида, мазмунида куйлансаю, бу савоб ишдан Ҳожи бобонинг ҳам пок руҳлари шод бўлиб юрса...

СУРАТДА: таниқли санъаткорлар Юнус Ражабий ва Набижон Ҳасанов

БОЗОРГА...
С. МАҲКАМОВ олган сурат

ЎЗИМИЗНИНГ ПАГАНИНИ: УНИ БИЛАСИЗМИ?

Орамизда қўшиқ, куйни севмайдиган киши бўлмаса керак. Ривоят қилишларича, Инсон деган буюк зот дунёга келаётганда жон танга ёқимли куй орқали киритилган экан. Шундан буён куй инсоннинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, у билан ҳамиша бирга. Ахир дунёга келган гўдак ҳам илк бора алла куйини тинглайди.

Халқимиз санъатсевар халқ. Шу боис «Ўзбекистон халқ артисти» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонлари санъаткорларга халқ номидан берилади.

Шуҳрат Йўлдошевга ҳам ана шу санъатсевар халқимиз «Паганини» дея ном берган. «Ўзбек Паганинси» номи билан дунё кезиб, ўзбекнинг ўзи каби соддагина ғижжагини жаҳонга танитган Шуҳрат Йўлдошевга берилган юксак баҳо бу. У шу кичкинагина ғижжагига 150 дан ортиқ миллат куйларини жамлаган ва жаҳон олқишига сазовор бўлган. Бундай истеъдодлар дунёга бир бора келади. Бироқ минг афсуси, жаҳон олқишлаётган Шуҳрат Йўлдошев шу вақтгача унвонлардан бенасиб келмоқда. Тўғри, гап унвонда эмас. Асосий гап санъатни қадрлашда, санъаткорни ўз вақтида муносиб рағбатлантиришда. Ахир, халқ севган истеъдодларнинг қадрига ҳозир етмасак, қачон етамиз!

Дилдора ОРИПОВА

куюнчак газетхонлардан хатлар

МАКТАБ АЯ НОМИДА

Ўзбек театр ва кино санъатининг йирик намояндаси, халқ севган ажойиб санъаткор Лутфихон ая Саримсоқованинг хотираси абадийлаштирилди. Бу таклифни маданият муассасалари эмас, Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси кўтариб чиқди.

Таклифни кўриб чиққан Тошкент шаҳар ҳокими пойтахтдаги Киров номидаги 86-ўрта мактабга санъаткор номини беришга қарор қилди.

Д. САИДОВ

ПАХТАНИ ЯХШИ ТЕРДИК, АММО ГАЗЕТАНИ СОҒИНДИК

Энди икки оғиз пахтакорлар хусусида. Тўғриси, бу йил вилоятимиз меҳнат аҳлининг омадлари юришди. Пахтакорларимиз йиллик пахта тайёрлаш планларини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Жумҳуриятимиз мустақиллик хирмонига 370 минг тоннадан ошиқ «оқ олтин» топширилди. Пахта тайёрлашда илғорликни қўлдан бермаган — Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл туманларимиз меҳнат аҳли республикамиз турли нашрлари қатори «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлишни ҳам намунали олиб бормоқдалар.

— Биз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги обунаси учун 54 минг сўм пул ажратдик, — дейди Бухоро тўқимачилик комбинати бош директори, Ўзбекистон халқ депутати Абдунаби Фозилов, — демак, келгуси йилдан 600 ишчи-хизматчиларимиз бу газетани ўқиш бахтига муяссар бўладилар.

— Ҳозиргача пахта етиштириш билан банд бўлиб, обунани сал унутиб қўйдик, — дейди биз билан суҳбатда Вобкент тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Шавкат Иброҳимов, — яқинда маррага етдик. 20 ноябргача вобкентликлар севимли газетамизга оммавий обуна бўладилар. Марра бултурги даражадан кам бўлмайди.

Бундай илиқ сўзларни вилоятнинг кўплаб туманларидаги корхоналар ва жамоалар вакилларидан эшитиш мумкин.

Бу йил ҳам талабаларимиз пахта йиғим-теримига чиқишди. Олдиндан айтиш лозимки, уларнинг ғайрат-ҳиммати ва руҳи ҳар йилгидагидан анча баланд. Бунга, менимча, иккита асосий сабаб бор. Аввало, талабаларимиз Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг виждонан меҳнат қилишимиз ва ақл-идрок билан иш тутишимизга боғлиқ эканлигини чуқур тушунадилар. Қолаверса, талабаларимиз илгариги пайтлардагидек, «юқоридан буюрилган» жойга эмас, балки олдиндан ўзаро меҳнат шартномаси асосида келишилган жойга пахта теримига келишди.

Жумладан, А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари 12 октябрдан бошлаб Зарбдор туманидаги «Истиқбол» давлат хўжалигида меҳнат қилишмоқда. Яшаш ва иш шароитимиздан нолимасак бўлади. Ҳозирги иқтисодий тахчиллик пайтида биргина рўзғоримиздаги камчилик ва етишмовчиликларни тўғрилаш қанчалар мушкул бўлаётганлиги катта-кичик ҳаммага яхши маълум.

Шийпонларимизнинг деярли барчасида талабаларимизга каравот, иситгичлар қўйилган, бир неча янги радио ва телевизор уларнинг ихтиёрида. Ҳамма шийпонда тиббиёт хизмати ташкил этилган, Хўжалик ҳаммоми биноийдек хизмат кўрсатяпти. Ишдан кейин вақти-вақти билан кино ва концерт қўйиб берилмоқда.

Бундай ғамхўрликка жавобан талабаларимиз ҳар куни эл хирмонига 13—14 тоннадан «оқ олтин» тўкишмоқда. Талабаларимиз орасида кунига 100—140 килодан пахта териб, ҳар беш кунликда минг сўмлаб пул ишлаётган илғор теримчиларимиз кўп.

Булар ҳаммаси яхши, лекин талабалар — бўлажак мутахассислар, ўқитувчилар пахта йиғим-теримн пайтида нафақат дунё хабарлари, балки жумҳуриятимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва янгиликлардан бехабар қолишяпти. Вақтли матбуот нашрлари онда-сонда, кечикиб келаётир. Демоқчиманки, жумҳуриятимиз тақдири ҳам, фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб шаклланиши ҳам ҳаммадан кўпроқ мана шу талабаларимизга — бўлажак мутахассисларимизга ва халққа илм-маърифат тарқатувчи зиёлиларимизга боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим.

У. ҚОСИМОВ

Жумҳуриятимиз пахта хирмони 4 миллион тоннадан ошди. Ана шу улкан хирмонга Пахтакор туманидаги Ульянов номидаги давлат хўжалиги жамоа аъзолари ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Хўжалик директори Шакарбой Исроилов (ўртада) илғор механизатор Уммат Тўраев ва йириклаштирилган бригада бошлиғи Холбуви Рустамова. Хўжалик далаларида терим давом этмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар

БОШ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Қонун—бурч, ҳуқуқ, масъулият демак

Умумхалқ муҳокамасига тақдим қилинган Асосий қонун лойиҳасининг бош мағзини Ўзбекистон Республикасининг Президенти боби ташкил этади. Бу, бежиз эмас. Чунки жамиятни бошқаришда президентлик тизимлари фаолият олиб борадиган давлатлар тажрибаси бунинг афзал эканини кўрсатди. Лойиҳада айтилганидек, ўзбек давлатчилигининг бош мақсади ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборатдир.

Давлатчилигимизнинг 2500 йиллик тарихий тараққиёт йўли гувоҳлик беришича, бизда доим давлат бошқарувининг яккаҳокимлик шакли устивор бўлиб келган. Подшоҳлар, амирлар, хонлар ҳокимиятни мутлақ равишда ўз қўлларида тутиб келганлар. Қизиғи шундаки, мағзи яккаҳокимчилик бўлмиш марказий ҳокимиятнинг заифлашиши мамлакатнинг сиёсий тарқоқликка, давлатнинг кучсизланишига, бунинг натижасида яхлит ҳудуднинг бўлиниб кетишига, баъзи ҳолларда эса ташқи тажовузлар домига тушиб қолишга олиб келган. Сўнгги мустамлакачилик даври тўғрисида сўз юритмаса ҳам бўлади. Тоталитаризм тартиблари ёдимизда. Демак, истаймизми, йўқми бирданига мукаммал ҳуқуқий давлат мезонларига ўтиб яшашимиз осон эмас. Шу сабабдан ҳам биз учун ўтиш даври заруриятдир. У бизнинг хоҳиш-иродамиздан устундир. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳада президентликнинг аҳамияти ғоят муҳимдир.

Янги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини кафолатлашда ҳам президентликнинг аҳамияти беқиёс. Лойиҳанинг XII бобида бу жиҳатлар ўз аксини топган. Президентликка берилган ҳуқуқ ва ваколатлар жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги яққол кўриниб турибди. Мана шу ҳуқуқ ва ваколатларнинг кундалик, амалий ифодаси натижаларига масъуллик тўғрисидаги қонуний мезон лойиҳада ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўларди. Улкан табиий-иқтисодий, илмий-маданий ва бошқа имкониятларга эга, аҳолиси кўп миллионлик жамият тақдирини ўз қўлида тутиб турган давлат идорасининг масъулияти аниқроқ ифодаланиши зарур.

96-моддада Конституциявий муҳлати тугаши билан истеъфога чиққан президент умрбод Конституциявий суд аъзоси бўлиб қолиши таклиф этилган. 109-моддага кўра Конституциявий суд ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан сайланиши керак. Албатта, президентларнинг ҳуқуқшунос бўлиши шарт эмас. Демак, Бош қонунда бир-бирини инкор этувчи жиҳатларга ўрин бўлмаслиги, у аниқ бўлиши лозим. Шу маънода 5—10 йил халққа ҳалол хизмат қилган шахсга у ёки бу лавозимдан кўра алоҳида эътибор масаласи муҳимдир. Яъни Президент — давлат рамзи, тарихий саҳифанинг ўзига хос унвони. Истеъфога чиққач, у жамиятнинг энг мўътабар, эъзозли кишисига айланиб, алоҳида уйжой, шарт-шароитлар, қўриқчилар, катта нафақа ва бошқа имтиёзлар билан таъминланиши зарур.

Президентнинг сайланиши хусусида: «сурункасига икки муддат» дейилган жумлани «бутун сиёсий фаолияти давомида» деб аниқлаштиришни таклиф этаман.

Фикримизча, лойиҳа қатор қарама-қаршиликлар, тушунмовчиликлардан холи эмас. Масалан, 2-моддада давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, дейилади. Аммо масъулият манбаи тўғрисида сўз йўқ. Бундай манба бўлиб қонун, хусусан конституция тушунилиши керак. Шунга ўхшаш ҳолни 7-моддада ҳам кузатиш мумкин. Бошқа моддаларда ҳам халқ манфаатлари тўғрисида сўз кетишини инобатга олиб, уларнинг асосларини аниқлаб олиш муҳим. Чунки халқ манфаатларини ҳар ким ўзича талқин қилиши, ўзича амалга ошириши ҳоллари ҳаётдан маълум. Таъкид, истаклар бир бўлиб амалий талқинлар турлича бўлиш эҳтимолини 13-моддада ҳам кўриш мумкин. Унда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга таянади, дейилган. Авваламбор, биз ҳануз ўз шароитимиздаги демократия қандай бўлишини аниқлаштириб олганимизча йўқ. Гапнинг қисқаси, биздаги демократиянинг хусусийликлари юқоридаги моддада таъкидланган умумийликка тўғри келмайди. Шу модда таҳрири устида ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди.

19-моддада махфий жамиятлар ва бирлашмалар тақиқланади, дейилади. Фикримизча, қонун асосида тарқатилади, дейилса саводлироқ бўларди. Чунки махфий, яъни йўқ нарсани тақиқлаб бўлмайди.

Хуллас, таҳрир талаб жойлар оз эмас. Телевидение, радио ва бошқа кундалик нашрлар орқали лойиҳа жиддий равишда муҳокама қилиниб, қиёмига етказилсагина мустақилликка эришган халқимиз манфаатларига жавоб бера оладиган ҳужжатга эга бўламиз.

Азамат ЗИЁЕВ,
тарих фанлари номзоди

САБОҚЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Тил тўғрисидаги қонун қабул қилингандан буён уни амалга ошириш борасида маълум ишлар қилинди. Кўпгина муассасалар, ташкилотлар ва ишхоналарда ўзбек тилида иш юритилаяпти, ҳужжатлар ўзбек тилида олиб борилаяпти ёки ўзбекчалаштирилаяпти, муомала ҳам асосан ўзбек тилида бўлаяпти. Шаҳар ва қишлоқлардаги кўпгина жой номлари ўзбекчалаштирилмоқда.

Бироқ бу ишларнинг аксарияти ўлда-жўлда, чала ва тартибсиз ҳолда амалга ошириляпти. Ҳар ким, ҳар бир ташкилот ёки ишхона «Мулла билганини ўқийди» қабилида иш тутяпти. Бир олий билимгоҳда ўзбек гуруҳларининг ҳаммаси учун «Ўзбек тили» ёки «Ўзбек нутқи маданияти» курсларини ўқитиш яхши йўлга қўйилган бўлса, иккинчисида бу масалага деярли эътибор йўқ. Бир ишхонада барча ишлар қонунда кўрсатилганидек йўлга қўйилган бўлса, иккинчисида аксинча. Баъзи раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг тилдэгина ўзбек тилига хайрихоҳ эканликларини сезиб қоласиз. Амалий ишдан гап очсангиз, турли-туман баҳона ва сабабларни қалаштириб ташлашади.

Маълумки, жумҳуриятимизда Атамалар қўмитаси ташкил этилган. Бундан ташқари, кўплаб тилшунослар ҳам шу иш билан машғул. Лекин тасдиқланган атамалар етарли даражада тарғиб қилиниб, оммалаштирилмаяпти.

Ўзбек тилининг мавқеини том маънода кўтариш учун, менимча, қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1. Қонун Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан олдин қабул қилинган эди. Шунга кўра, уни тубдан янгилаш зарур. Қонун лўнда тарзда тахминан шундай тузилгани маъқул: «Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Жумҳурият доирасидаги ҳамма ишлар, ҳамма ҳужжатлар тўла ўзбек тилида олиб борилади. Бошқа давлатлар ва бошқа миллатлар вакиллари билан муомалалар келишилган тилларда юртилади ва ҳужжатлаштирилади. Ишхоналарда, муассаса ва ташкилотларда иш юритувчи ходимлар, Ўзбекистон фуқаролари ўзбек тилини билишлари шарт. Мусофирлар келишилган тилларда муомала қилишлари мумкин. Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар маҳкамаси зиммасига юклатилади. Қонуннинг бажарилишини таъминламаганларга нисбатан жазо чоралари белгиланади».

2. Ўзбек тилининг бой имкониятларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур. Бу иш турли йўналишларда олиб борилиши мумкин. Китоблар чоп этишни яхшилаш, махсус маърузачилар гуруҳлари тузиш, савол-жавоб тарзидаги суҳбатлар уюштириш, рўзномаларда махсус бўлимлар очиш, алоҳида журнал чиқариш, мактаб ва олий билимгоҳларда тил бурчаклари ташкил қилиш, Шарқ нотиқлиги санъатини ўргатиш, нутқ маданияти курсларини очиш шулар жумласидандир.

3. Тил ҳақидаги қонун қатъий режа асосида амалга оширилиши лозим. Ташкилот, муассасалар, билимгоҳлар ўз ички режаларини ана шу мукаммал қоида асосида тузишлари керак.

4. Олий билимгоҳларнинг ўзбек гуруҳларида ўзбек нутқи маданияти курси асосий фан сифатида ўқитилишини йўлга қўйиш зарур.

Юқоридаги таклифлар менинг шахсий мулоҳазаларим. Ўйлайманки, бошқалар уларга ўз муносабатларини билдирадилар.

Ё. ТОЖИЕВ,
филология фанлари доктори

ХОЖА БАҲОУДДИН МУҲАММАД НАҚШБАНД АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАШҒУЛЛИҚ ИЛА ФОРИҒ

ҲАЗРАТИ ҒАВСУЛ АЪЗАМ САЙИИД АБДУЛҚОДИР ГИЛОНИЙ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ ҲАҚИДА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ислом оламида шариат муштарак бўлса-да, тариқатлар хилма-хилдир. «Тариқат» сўзининг туркий маъноси **йўл** демакдир. **Тариқа** ёки **тариқат** мусулмон кишисининг ўзи мансуб бўлган жамият ижтимоий-иқтисодий аҳволи, яшаш тарзи ва табиий шароит имкониятларидан келиб чиқиб шариатга амал қилишини англатади. Муайян бир жамиятда исломий шариатнинг ижобий ёки салбий вазифа бажариши энг мақбул, энг ўнғай, энг фойдали тариқатни топа олиш ёки топа олмасликка боғлиқ бўлади.

Асримиз бошларида Ҳазиний: «Жорий бўлмасдан тариқат, динимиз бўлди хароб» деб бекорга ёзмаган эди. Хўш, Зиёвуддин Ҳазинийнинг ўзи қандай тариқатни танлаган ва бу тариқатнинг асл мазмуни қандай эди? Ҳазиний ва унинг маслакдошлари танлаган ва ҳаётга жорий бўлишини орзу этган тариқатнинг Туркистон халқи учун қандай ўнғайлик ва афзалликлари бор эди? У ёзади:

Сулуким — қодирия, раҳбаримдир пири пироним,
Саҳарлар «зарбулиллоҳ»ни энди одат қилмасам бўлмас.

«Сулук» сўзининг туркий маъноси **йўл тутиш** бўлиб, сўфийларнинг ҳаёт кечириш одатини ифодалайди.

«Қодирия» сулуки тариқатнинг энг илғор йўлларини ўзида мужассамлаштирган йўл бўлиб, унинг асосчиси Ҳазрати Ғавсул Аъзам Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Гилонийдир. Ул табаррук зот ҳижрий 470 йили(мелодий 1079 йили) Эроннинг Гилон вилоятида туғилиб, 561 йили (мелодий 1166 йили) Бағдод шаҳрида 87 ёшида вафот этганлар. Ул Ҳазратнинг муборак куниятлари Абу Муҳаммад, лақаблари Муҳйиддин ва исмлари Абдулқодирдир.

Ғавсул Аъзам ҳазратлари тўғрисида «Туҳфат ул-қодирия», «Маноқиби қодирия», «Рисолаи қодирия», «Баҳжат ул-асрор», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» китобларида ҳикоя қилинади.

Ўн саккизинчи асрда яшаб ижод этган (1706 йили туғилган) улкан ўзбек шоири ва носири Муҳаммад Сиддиқ Рушдий юқорида санаб ўтилган китоблардан саралаб туркий тилда ўзига хос маноқиб яратиб қолдирган. Ушбу китобни ўқир экансиз, Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг насаблари, суврати ва сийратлари, ҳавориқ, одот ва кароматлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

«Билингизларким, ул Ҳазратнинг оталари тарафидан нисбатлари Ҳазрати имом Ҳасан разияллоҳу анҳуга бориб уланади, оналари тарафидан нисбатлари Ҳазрати имом Ҳусайн разияллоҳу анҳуга бориб туташади».

Ул Ҳазратнинг ташқи кўринишлари:

«Бадани латифлари нозик, сийналари очиқ, ўрта бўйлиқ, буғдой рангли, пайваста қош, муборак соқоллари узун ҳаддида эдилар. Уламо либоси кияр эдилар».

Феъл-атворлари:

«Бирор кимарса хизмати шарифларига ҳадя ва назр келтирган вақтида мажлисда ҳозир бўлган ёронларига тақсим қилиб, ўзлари ҳам танаввул қилур эдилар. Шунчалик жоҳи жалолат ва баланд мартаба эгаси бўла туриб, фақрларга дуо-хайрлар бирлан ҳамнишинлик қилиб, уларни эъзоз ва икром қилур эдилар. Бадавлат ва ағниёларга ўринларидан қўпмас, уларга тавозе қилиб, ҳурмат бажо келтирмас эдилар. Ва фақир ёронлардан ҳар қайсиларини хафа, ғамгин кўрсалар, ширин латифалар билан кўнгилларини хуш қилур эдилар. Нафис ва қимматбаҳо матолардан либос кияр эдилар, андоқки, бир газининг баҳоси ўн тиллога арзир эди».

Илм таҳсил қилмоқликлари:

«Ул Ҳазрат илм ўрганмоқ учун ҳижрий тўрт юз саксонинчи йили Бағдодга қадам қўйдилар. Ҳаддан ташқари тиришқоқлик ва буюк меҳр-эътиқод билан билим олишга берилиб, ўз вақтининг устодлари, уламо ва фузалоларидан аввал Каломуллоҳ илмини, кейин Ҳадис илмини, фиқҳ илмини, илми навҳ ва илми сарфни оз фурсатда ўзлаштирдилар ҳамда ўз тенгдошларига пешқадам бўлиб, шуҳрат топтилар. Тарихқа беш юз йигирма бир эди, Ҳазрати Султон ул-анбиё саллоллоҳи алайҳи васалламнинг ишоратлари билан мажлис бунёд қилиб, ваъз айтмоқда маъмур бўлдилар. Ҳазрати Ғавсус сақалайн (**Ғавс**— қўлловчи, дастгир, **сақалайн** инс ва жинслар дегани бўлиб, инсонлар ва жинларга дастгирлик қилувчи маъносини беради — **И. О.**) разияллоҳу анҳу «увайсий»дурлар. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи васалламнинг руҳониятларидан тарбият топмиш эдилар».

Ҳулқларининг баёни:

Шайх Музаффар Мансур шундай деган эканлар:

«Ҳеч кишини Ҳазрати Ғавсус сақалайн разияллоҳу анҳудан хушрўйроқ топмадим. Ҳеч кишида уларнинг шаънларидан улуғроқ шаън кўрмадим. Аҳду паймонга содиқликда, дўстларига вафодорликда, жоҳи жалолат, азимат ва манзалатда ул кишига тенг келадиган сиймони учратмадим, ўхшашини тополмадим. Ожиз-нотавонларга шафқат ва навозишлар қилур эдилар. Улуғ ва қариларни иззат қилиб, ҳурматлар эдилар. Кичикларга илгари салом қилур эдилар. Фақир ва мискинлар билан бирга ўтириб суҳбатлашардилар. Уларга раҳмдиллик изҳор қилмоқ, тавозеда бўлмоқ одатлари эди».

Шайх Абдулқосим Баззоз шундай эслайдилар:

«Толибул илмнинг бадхўйлиқларига сабр қилур эдилар ва уларга сиёсат қилмоқни раво кўрмас эдилар. Асҳоблардан бирортаси ҳозир бўлмаса, илҳақ бўлиб киши жўнатар эдилар. Асҳобларнинг суҳбатларини (сўзларини) бўлмас, илми донишларини махфий тутиб, уларни пастга урмас эдилар. Бирга ўтирганлар ҳар қайсилари ул Ҳазратнинг ҳузурларида мендан азизроқ киши йўқ, деб гумон қилар, ул Ҳазратнинг менга қилган меҳрибонлиги ўзгаларга меникичалик эмас, деб ўйлар эдилар».

Хайрда шоҳи жаҳондир, саховат кони,
Барча ахлоқу жамолда топилмас сони.
Дину дил ғорат этиб, ҳулқи малоҳат бирла
Бори дилсўхтар жони ҳам жонони.

Абу Муҳаммад Ражаб шундай хотирлайдилар:

«Баланд минбар уза ваъз айтур эдилар. Сўзлари маъноли, равон эди. Сўзлари таъсирли ва қабул қилишлик бўлиб, ул Ҳазрат ваъз айтганларида ҳозир бўлганлар хомуш ва таслим бўлиб ўлтирур эдилар. Жума куни Жомеъ масжидига борурларида халқ бозорларда туриб, ул Ҳазратни шафеъ келтириб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан ўз ҳожатларини тилар эдилар».

Муҳаммад Хизр Ҳусайний Мувсулий шундай деган эканлар:

«Пирим Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ўз мадрасаларида ўн учта илмга доир дарс айтар эдилар. Уларнинг асосийлари тафсир илми, илми мазҳаб, илми ахлоқ, илми фиқҳ, илми усул (илми усул фиқҳнинг ҳар тўрт қисмидан баҳс юритади; у биринчи — Қуръон, иккинчи — суннат, учинчи — саҳоблар иттифоқи, тўртинчи — қиёс, яъни ҳалол ва ҳаром тўғрисида ҳукм чиқариш амалидан иборат илмдир. — **И. О.**) ва навҳ илми эди. Ҳар куни пешин намозидан кейин Қуръон тиловат қилур эдилар. Агар бирор толиби илм ул Ҳазратнинг ҳузурларида шариат илмини ўрганишга машғул бўлса, оз фурсатда бошқа мударрисда ўқиган ўз ҳамтенгларидан ўзиб кетар эди».

Ҳазрати Юсуф Сиддиқаллоҳнинг ҳусни малоҳатлари, Ҳазрати Сиддиқи Акбар (Абу Бакр)нинг сидқи ҳаёлари, Ҳазрати Умар Форуқнинг ҳайрат (яхшилик) ва адолатлари, Ҳазрати Усмон Зуннурайннинг ҳукму иффатлари, Ҳазрати Али Муртазонинг илму шижоатлари Ҳазрату Ғавсул Аъзамнинг фитратларида мавжуд эди.

Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу кароматда, башоратда ва фиросатда (кишининг юзига боқиб, дилидагини айтиб бериш илми) ва табиблиқда тенги йўқ бир зот бўлгани учун ҳам «Султон ул-авлиё» деб тан олинган эди. Ул Ҳазрат мароқабага берилиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло билан мулоқот қила олардилар.

Кунлардан бир кун ул Ҳазрат бир оёқларини кўтариб намоз қилаётган эдилар. Нидо келди: «Эй Саййид Абдулқодир, нима боис билан бир оёқда турарсан?»

Ул Ҳазрат «Илоҳо, тамоми Ер юзи авлиёи Оллоҳ билан тўлибди, иккинчи оёғимни сиртдиргали йўл йўқдир», дейдилар.

Яна нидо келади: «Эй, Абдулқодир, қадамингни менинг авлиёларимнинг гарданларига қўйгил». Ул Ҳазрат илоҳий амрни бажо келтирдилар ва барча авлиёи Оллоҳ, аввал ўтганию кейин туғиладиганларигача, гарданларини паст қилиб турдилар. Шу аснода ул Ҳазратнинг тилларидан «Қаддами ҳазаҳало руқбата кулли валлиюллоҳ» («Менинг қадамим жами валиюллоҳларнинг гарданларигадир») деган калима жорий бўлади.

Ажам диёрида бир киши бу амрга саркашлик қилади. Бу зот орифлар султони Боязид Бастомий (қаддаси сирраҳу) эдилар.

Ҳазрати Султон Боязид Ҳақ таоло даргоҳига «Қайси важҳ бирла Шайх Абдулқодирнинг даражасини мендан юқори қўймоққа ҳукм қилурсан?», деб арз қилдилар. Нидо келдики, «Саййид Абдулқодирнинг мартабаси икки важҳ бирла сендан баланддир — биринчидан, Ҳабибим, Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи васалламнинг авлодидир, иккинчидан, сен дунёдан фориғ бўлиб, менинг хизматимга машғулсан, Саййид Абдулқодир эса машғуллиқ бирла (дунёдан) фориғдир».

Бу калималарда Ғавсул Аъзам сулукининг моҳияти таъкидланган.

Ғавсул Аъзам ҳазратларигача яшаган сўфийлар худо хизматига ўзни бағишлаш учун бу дунё ташвишларидан тамом воз кечиш керак, бусиз инсон мўъминлик расмини бажо келтира олмайди, деган тушкун кайфиятга берилган эдилар. Бу аслида аҳли дунёнинг очофатлиги, дунё молига ружу қўйиб, инсонийликни йиғиштириб қўйишига қарши исён эди, оқибатда эса, бу йўл бекорчиларнинг кўпайишига олиб келган эди.

Оллоҳ таоло айтади:

«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва болачақаларингиз фитна-имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса, ёлғиз Оллоҳнинг ҳузурларидадир. Бас, кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглар. (Ўзларингизга қилинадиган панд-насиҳатга) қулоқ тутинглар ва итоат этинглар ҳамда инфоқ—эҳсон қилинглар, (мана шу) ўзларингиз учун яхши бўлур. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топувчидирлар. Агар сизлар Оллоҳга қарзи-ҳасана берсангизлар (яъни унинг мискин-бечора бандаларига инфоқ-эҳсон қилсангизлар), У зот сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур. Оллоҳ ўта шукр қилгувчи (яъни озгина яхши амал учун кўп мукофот ато этувчи) ва ҳалимдир» (Қуръон, Тағобун сураси. 15-, 16-, 17-оятлар).

Қуръони каримнинг ушбу оятларини ўз даври муаммолари нуқтаи назаридан тафсир қилган уламолар жамият аъзоларини фойдали меҳнат билан шуғулланишга даъват этганлар. Фақат моддий неъмат яратиш ва тўплаш охиратни унутиш, бошқалар ҳаётини хавф-хатарга солиш қуролига айланиб кетмаслиги керак, деб уқтирганлар.

Саййид Абдулқодир ана шундай уламоларнинг пешвоси эди. Ўзи бунга амал қилиб яшарди. Демак, дунёни кўзга илмай, дунё иши билан машғул бўлиш машғуллиқ ила фориғлиқдир. Бу сулук жамият учун кўп манфаатлар келтиради, кишиларни бемаъни таркидунёчиликдан халос этади. Айниқса, сўфийлар назарида оми одамнинг таркидунёчилиги текинхўрликдан бошқа нарса эмас. Ориф, олим одамнинг таркидунёчилиги бир нав, чунки у дунё таркини қилса ҳам барибир одамлар уларни тинч қўймайди — масъала сўрайди, маслаҳатга келади, яъни уларни «ишлатади».

Шу сабабли қодирия сулуки бизнинг деҳқон, боғбон, чорвадор ва ҳунарманд бўлган Туркистонимиз халқлари томонидан ғоят қадрланар эди. Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари «Таркидунёчилик Исломда йўқ», деб ёзганларида Ҳазрати Ғавсул Аъзам каби уламоларимизнинг фикрларига суянганига шубҳа йўқдир.

Машғуллик ила фориғлик — очкўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишдир;

машғуллик ила фориғлик—ўзинг яратган моддий-маънавий бойликлардан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлаётганидан севиниб, фахрланиб яшашдир;

машғуллик ила фориғлик — кўпчилик учун фидойилик ва бунинг эвазига аҳли дунёни хурсанд қилиб, Оллоҳ таолодан ажр-савоб кутишдир;

машғуллик ила фориғлик — кўпга берсин, кўпнинг қаторида менга ҳам берсин, дея дуода бўлиб меҳнат қилишдир. Ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олишдир;

машғуллик ила фориғлик:

Ҳақ таоло дейди дўстим тун-саҳар бедорини,
Ваъда қилди онлара жаннат ила дийдорини,
Ҳақ суяр қилса саховат банда ҳарна борини,
Раҳматидан бенасиб этгай шу дилозорини,
Тонгла роҳат истаган эҳсонидан айрилмасин,—

дея ўз виждонига мурожаат қилиб яшашдир.

Бу шиорни Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд «Дил ба ёру даст бакор» — «Кўнгил Эгамдаю қўл иш билан банд бўлсин», дея янада ривожлантирган эдилар. Фикримизни қувватлайдиган далилларни ҳам Муҳаммад Сиддиқ Рушдий китобидан келтиришимиз мумкин.

«Бир куни Ҳазрати Ғавсус сақалайн жами машойихлар билан ўгзада (томда) ўтирган эдилар. Ногоҳ назарлари Бухоро тарафига тушиб шундай амр қилдилар:

— Фалон вақтда Баҳоуддин Нақшбанд отлиг бир зот зуҳурга келгувсидир, бизнинг файз-хосиятимиз бирла мумтоз бўлгувсидир.

Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бухорий (қаддаси сирраҳу) дунёга келиб, Ҳазрати Саййид Амир Кулол (қаддаси сирраҳу)нинг хизмати ва мулозиматларига мушарраф бўлиб, «Исми зот»ни таълим олдилар ва «Зикри хафя»ни битишга машғул бўлиб, бир неча кунни ўтказдилар. Лекин уларнинг хотири шарифларида «Исми зот»нинг нақшини қарор топмади. Бу ҳол уларни диққат қилиб қўйди. Бир кун ғамгин ва маҳзун бўлиб, саҳрога чиққан эдилар Ҳазрати Хизр алайҳиссалом дуч келиб шундай дедилар: «Эй, Баҳоуддин, менга «Исми Аъзам»ни Ҳазрати мажзуби субҳоний Саййид Абдулқодир Гилоний (разияллоҳу анҳу) таълим қилмишлар. Сиз ул Ҳазратнинг жаноби олияларига сиғингайсиз—мақсудлари эшиги уларнинг баракотларидан очилғувсидир».

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин (қаддаси сирраҳу) уйларига келиб, ул кеча Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг жанобларига мутаважжиҳ қилдилар. Воқеда кўрдилар—ул Ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларида «Исми зот»нинг нақши зоҳир ва ҳувайдо эди. Ҳазрати Баҳоуддиннинг тарафларига кўрсатдилар. То шу мартабага еттилар — кимхоб тўқиган маҳалда «Исми зот» гуллар ўрнида нақш бўлмиш эди. Бу воқеадан кейин «Зикри хафя» машҳур бўлди. Ундан халқ кўп баҳра олди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин: «Бу файз бизга Ҳазрати Ғавсус сақалайннинг файзларидан бўлмишдир», дер эдилар.

Бир куни Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбандининг мажлисларида бир киши савол қилди:

— Ҳазрати Ғавсул Аъзам «Қаддами ҳазаҳ ало руқбата кулли валиюллоҳ», деб эрмишлар. Чинданам жами Оллоҳ валийлари гарданларига оёқларини қўйдиридиларми экан?

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин жавоб бердилар:

— Ул вақтда (мажлисда) бизнинг хожамиз Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳозир эдилар. Ул Ҳазратнинг муборак қадамларига гарданларини паст қилиб турдилар. Агар мен ҳам ул вақтда ҳозир бўлсам эдим, муборак қадамларини кўзумга қўйдирган бўлур эдим.

(Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари ҳижрий 718 йили, вафотлари 791 йили жумодул аввал ойининг учинчи куни эди (мелодий—1318—1389. — **И. О.**).

Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг дўсти ва ҳаммаслаги эдилар. Туркистон халқларининг қиблагоҳлари Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Юсуф Ҳамадонийни ўз пирлари деб билган эдилар. Ғавсул Аъзам сулуки муайян маънода Хожа Юсуф Ҳамадоний орқали Мовароуннаҳрга ёйилган десак хато қилмаган бўламиз. Мўътабар манбаларда Саййид Абдулқодир Гилонийнинг ваъзлари бир неча жилддан иборат китоб ҳолида жамланган дейилади. Қодирия сулукининг моҳияти ўша ваъзлар тўпламларида тўла акс топган бўлмоғи керак. Шарқшунос олимларимиз уларни топиб ёки четдан олиб келиб, ўзбек тилига таржима қилсалар, фойдали иш бўлур эди. Хусусан, ҳозирнинг ўзидаёқ мен биргина машғуллик ила фориғлик шиори моҳиятига тан бериб, Ҳазиннийга жўровоз:

«Сулуким—қодирия, раҳбаримдир пири пироним», — дейман.

Икромиддин ОСТОНАҚУЛ ўғли ОҚҚУРҒОНИЙ



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — Бухоролик ҳунармандлар иши

Мозийга саёҳат — С. МАҲКАМОВ олган сурат

Сўз Қаммиз?

КИМ «ТЕМУРЛАНГ» ДЕЙДИ?

БУГУНГИ КУНИМИЗ ҚУВОНЧЛИ ҲОЛ — халқнинг ўз ватани, ўлкасининг узоқ ва яқин тарихига чинакам ялпи қизиқиши кучайиб бораётгани билан ҳам диққатни тортади. Шу боисдан кенг ўқувчилар оммасининг буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид асарларга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Бу қизиқиш, айниқса, Ерўрта денгиздан то Марказий Осиёгача бўлган ҳудудларни ўз ичига қамраб олган буюк салтанат соҳибқирони, тарихнинг улуғ ва кўпқирралари сиймоси Темурга нисбатан кундан-кун кучайиб бормоқда. Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлатнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи Темур номи билан боғлиқлиги бу шахснинг рад этиб бўлмас ташкилотчи, дипломат, ғолиб фотиҳ каби феноменал шахсий хусусиятларига бўлган қизиқишни орттириб юбормоқда. Жаҳон тарихи йилномасида Темур ҳақли равишда Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Наполеон ҳамда ўтмишнинг бошқа йирик саркардалари, сиёсий арбоблари билан бир қаторда туради.

Темур ва унинг даври устида сўз юритилар экан, унинг фаолияти ва қўлга киритган ютуқлари ҳақида фактларга бой манбалардан афсонавий тарздаги адабиётлар, бой илмий ва бадиий адабиёт намуналаригача мавжудлигини қайд этиб ўтишимиз лозим.

Ана шу нуқтаи назардан кенг китобхонлар оммасини кўпгина ҳолларда библиографик нодир асарларга айланган, ҳар бир китобхон истаган пайтида топа олмайдиган, Темурнинг мураккаб, қарама-қаршиликларга бой шахсини тўлиқроқ ва тарихан тўғри тушунишга ёрдам берувчи йирик манбалар, асосий илмий адабиётлар билан таништиришга бўлган ҳаракатни фақат қутлаш керак.

Бизнингча, худди шундай мақсадни яқиндагина Москвадаги «Гураш» нашриётида тайёрланиб, Бишкек шаҳрида босилган «Тамерлан» номли катта китобнинг ноширлари ҳам ўз олдиларига қўйган бўлишлари керак. Китобга баъзи манбаларнинг, масалан, Ғиёсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги», Руи Гонзалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги» ва бошқа тарихчилар, олимларнинг (Арминий Вамбери, Т. Грановский, Л. Лянглэ, В. Бартольд, Л. Зимин, А. Якубовский...) асарлари тўлиқ ёки қисман киритилган.

Турли даврларда яратилган ва турли мазмундаги Темур ҳақидаги маълумотларни тўплаган ўзига хос бу терма китобнинг зарурлигини рад этиб бўлмайди.

Яхши режалаштирилган ушбу китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Бу борада унинг тиражи ҳам гувоҳлик беради. 80000 нусха. Афсус! Китоб билан илк бор танишиб чиқишнинг ўзиёқ у шошилинч равишда, ҳозир китоб бозорида мавжуд ва китобхоннинг қизиқиш ва талаблари жуда кам ҳисобга олинган, Темур ҳақидаги адабиётга ўсаётган эҳтиёж натижасида пайдо бўлаётган нашрлардан бири эканлигини надоматлар билан қайд этишга тўғри келади. Нима ҳам дейиш мумкин, бу қочиб қутулиб бўлмайдиган, лекин аччиқ ҳақиқатдир.

Фактларга мурожаат қиламиз.

Китобдаги материалларнинг жойлаштирилиши оқилона ҳал этилмаган ва ўзини оқламайди. Масалан, Темурга замондош тарихчилар асарларининг матнлари бошқа олимларнинг асарлари матнлари билан, ҳаттоки уларнинг янги нашрлари билан пала-партиш бериб борилади. Бунда ҳеч қандай хронологик изчилликка амал қилинмайди. Шубҳасиз, асосий манбалар матнларини алоҳида ва илмий-тадқиқотлар матнларини алоҳида бўлимларга ажратилса тўғрироқ бўлар эди.

Китобда келтирилган матнлар орасида Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарномаи Темурий», Темурнинг тўлиқ тарихини ёзишга ҳаракат қилган суриялик араб олими Ибн Арабшоҳ асари, Темур билан ўзининг учрашуви ва суҳбати ҳақида ажойиб ҳикоя қолдирган «Бутун дунё тарихи»нинг муаллифи Ибн Халдун асари ва бир қанча бошқа муаллифларнинг муҳим асарларидан кичкина бўлса-да парчалар келтирилмагани ҳам ҳайратимизни оширади.

Китобга киритилган манбалар таржималарини уни тўпловчи талабчанлик билан ажрата олмаган. Масалан, «Темурнинг таржимаи ҳоли» аталмиш матн Н. С. Ликошин томонидан 1894 йили Тошкентда нашр этилган таржима асосида амалга оширилган. Асар ношири бу таржиманинг фанда «эскирган ва оғир» таржима деб топилганини ва ўз ўрнини 1934 йили чиққан мукаммалроқ таржимага бўшатиб берганини эътибордан четда қолдирган.

Худди шу ҳолни Руи Гонзалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги» асаридан келтирилган парчаларга нисбатан ҳам айтиш лозимдир. Бу ҳолда ҳам матн 1881 йили И. И. Срезневский муҳаррирлиги остида амалга оширилган яхши, лекин қадимги испан тилидан рус тилига таржима қилинганда баъзи ноаниқликларга йўл қўйилган эски таржимадан фойдаланилган. Асарнинг ўзга таржимаси бўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Ахир, 1990 йили Клавихо асарининг биринчи нашридан (Севилия, 1582 йил) И. С. Мирокова томонидан қилинган янгигина таржима таржимоннинг сўзбошиси ва бой илмий шарҳлари билан нашр этилди-ку! Қайд этиш лозимки, ушбу таржимадаги шарҳлар ношир томонидан эътиборга олинганда, асар китобхонлар оммасига янада тушунарлироқ бўлур эди. Яна бир жиҳати шуки, тўпловчи саҳифалар остида изоҳлар берса-да, китобдаги мавжуд матнлар таржимонлари ҳақида бирон оғиз ҳам сўз айтмайди.

ФИКР ЮРИТИЛАЁТГАН КИТОБНИНГ ЯНА БИР камчилиги тўпловчи томонидан нашр этилган матнларга ҳеч қандай изоҳларнинг ва, кичкина бўлса-да, китобхонни китоб материалларига йўналтирувчи (муаллиф ҳақида, у яшаган давр ҳақида маълумотлар ва бошқа) кириш сўзининг йўқлигидир. Китобхон ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, мажмуада Ғиёсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги» нашр этилган, лекин кундалик муаллифи ва асар ёзилган давр ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Асар муаллифи Ғиёсиддин Али диний олим бўлганлигини, «Кундалик»ни эса, у 1399—1403 йиллар орасида Темурнинг буйруғига кўра битганлигини китобхонга билдириш қийин эмас эди. Шунингдек, «Кундалик» Темурнинг ҳарбий санъати тўғрисидаги ва бошқа фактик материалларга бойлиги ҳақида маълумот бериш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

Тўпламда И. Шилтбергернинг (аниқроғи, Шилдбергер) Темурга доир маълумотларни қамраган асари чоп этилган. Лекин ҳеч қаерда Шилдбергер ҳақида бир оғиз сўз йўқ. У ким эди, қачон яшаган ва асарни қачон ёзган? Китобхон учун булар катта жумбоқ бўлиб қолади. Бу ҳолда бавар дворяни ва солдати Иоганн Шилдбергер (1381—1440) тўғрисида сўз бораётганини китобхон қаердан ҳам билсин. Турклар томонидан асир олинган Шилдбергер Боязид I саройида яшаган, Анқара яқинидаги жангдан сўнг (1402) Темурнинг асирига айланган, унинг қўшинида хизмат қилиб, Самарқандда яшаган. Ғарбий Европада XV—XVI асрларда кенг тарқалган «Шилдбергернинг Мюнхендан асирликка олиб кетилгани ва (1427) ортга қайтгани ҳақидаги ғаройиб тарих» асари унинг қаламига мансубдир. Асар 60 ҳикоядан иборат бўлиб, улардан ўнтаси Шилдбергернинг Туронда бўлишига бағишланган. Академик В. В. Бартольд қайд этиб ўтган эди: «Шилдбергернинг ҳикояси бу давр сиёсий воқеаларини ўрганиш учун манба сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, ҳаттоки муаллифнинг ўзи шахсан иштирок этган жангларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам, жанглар ҳақидаги ҳикояларда жуда сохта, хаёлий маълумотлар келтирилади... Фақат гувоҳ сифатида у ҳикоя қилган баъзи лавҳаларгина қизиқишга лойиқдир».

Тўпламда «шарқий мамлакатдан... Самарқанд еридан» чиққан «Оқсоқ Темур» ҳақидаги эски рус ривоятларидан иборат қисса ўрин олган. Бу ҳолда ҳам асар ҳақида, унинг хусусиятлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Бу асарнинг Русда «Инжил» унсурларини ўзида мужассамлаштирган (масалан, Темур томонидан «Оссурия ва Бобил подшолигининг» забт этилиши) ярим эртак тарзидаги асар эканини китобхонга эслатиб ўтиш жуда муҳим ва зарур эди.

Мана, олдимизда Мецоплик Фоманинг «Темурланг» асаридан олинган парчалар. Асар Темурга нисбатан катта нафрат ва ғазаб билан тўлиб-тошган, бошидан охиригача унинг шахсига лаънатлар ёғдирилган. Бу ерда ҳам китобхон ўз саволларига жавоб излаб тополмайди: Мецоплик Фома дегани ким эди ўзи, бу қандай муаллиф, қачон яшаган ва нима учун айнан мана шундай руҳ ва услубда ёзган? Ҳақиқатда эса, Фоманинг ватани Арманистон. Темурнинг юришларини ҳикоя қилган арман солномачиси эканлигини китобхонга тушунтириб бериш қийин эмас эди. Фоманинг асари Темурга қарши ёзилган турк, араб, арман, грузин ва бошқа қўлёзмалар жумласига кириб, уларнинг асосий ва муҳим ғоясини Темур юришларининг вайронагарчилик оқибатлари, унга қарши кураш тарихи ташкил этади. Тўпловчи асарнинг бу томонини ҳам кўрсатиб ўтганда, Мецоплик Фома хусусидаги саволларга ўрин қолмасди.

ВАМБЕРИНИНГ «БУХОРО ТАРИХИ» АСАРИ матнига келсак, унда китобхонга қаратилган (китобда ягона) тўпловчининг қисқача тушунтириши берилган.

Шундай қилиб, зарур илмий шарҳларсиз нашр этилган матнлардаги маълумотлар тажрибасиз китобхонни кўплаб ўринларда чалғитади. Бу ҳол Темур шахсини ва унинг номи билан боғлиқ ҳодисаларни тўғри тушунишни қийинлаштиради.

Бу ерда масаланинг бошқа томони ҳам бор. Китобда нашр этилган матнлар тарихий шахслар ва географик номларга бойдир. Уларнинг баъзилари алоҳида тушунтиришларсиз китобхон учун мавҳум бўлиб қолаверади. Ҳар бир китобхон ҳам, масалан, харитадан Кичик Ҳиндистон, Султония, Занжон, Рай, Гилон, Андҳўй, Сейистон, Омул мулкларини қаердан излаш кераклигини аниқ билмайди.

Тўпловчининг олимлар асарларининг матнларига нисбатан ҳеч бир андишасиз, ўзбошимчалик билан муносабатда бўлгани кишини ҳайратлантиради ва норозилик ҳиссини уйғотади. Мисолларнинг бири сифатида В. Бартольднинг «Темурнинг дафн этилиши» мақоласи матнини кўрсатишимиз мумкин. Мақоланинг биринчи боби бутунлай ташлаб юборилган.

И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (Тошкент, 1968) тадқиқотидан келтирилган парча ҳам китобхонни қаттиқ ранжитади.

И. Мўминов тадқиқотининг катта бир қисми ҳеч бир изоҳларсиз тушириб қолдирилган. Хусусан, И. Мўминовнинг Темур шахсига, унинг сиёсати ва фаолиятига берган баҳосини тўғри тушунишга ёрдам берадиган қисмлар келтирилмаган.

Шу билан бирга, китобнинг «Темурланг» деб номлангани мутлақо ножоиз. Бу ўтмишдаги Амир Темурни камситишга уринишларнинг оқавасидан бошқа нарса эмас.

Темурнинг таржимаи ҳолидан олинди, деб унинг сўзи сифатида келтирилган эпиграф ҳам латифага ўхшайди. Ҳар ҳолда бундай сўз Темурники эмаслиги аниқдир.

Хуллас, шундай масъулиятсизликлар оқибатида нашрнинг қиммати сусайган. Тўпловчининг иши манбалар, илмий нашрларни оддий тарихшунослик ва манбашунослик принципларига амал қилмаган ҳолда йиғиш, механик тарзда бир жилд ичига тўплашдан иборат бўлган. Албатта, ҳеч нарса бўлмаганидан кўра бу китобнинг бўлгани ҳам тузук (тан олиш керак, қандайдир, жуда оз даражада бўлса ҳам шундай), деб ўзимизни овутишимиз мумкин.

ХАР ҲОЛДА, БИЗ ТЎПЛОВЧИ ВА «ГУРАШ» НАШРИЁТИНИНГ яхши ниятларини шубҳа остига олишни хоҳламас эдик. Лекин ҳатто улар ўз ўйлаган ишларининг фойдалилигига ишонган бўлганларида ҳам, бу уларни ишнинг илмий савиясига жавобгарликдан қутқармайди, албатта. Бу тўплам кўпроқ катта даромад олиш мақсадида чиқарилган ва у китоб бозорларини тўлдириб бораётган пала-партиш, тезпишар нашрларнинг ягона мисоли эмас. Гапнинг очиғи, бу китобхоннинг тарихий адабиётга бўлган зарурий эҳтиёжидан худбинлик йўлида фойдаланишнинг ўзгинасидир. Шуни ҳам айтишимиз керакки, мутахассислар, тарихчилар, тарихшунослар, манбашуносларга жиддий таъналаримиз бор. Улар китобхонларнинг жуда катта эҳтиёжларини ҳисобга олмаяптилар. Улар Ўрта Осиё, хусусан, Темур, темурийлар ва улар даври тарихи ҳақида юксак замонавий савиядаги асарларни тайёрлаб, нашр этишга бурчлидирлар. Ҳолбуки, илм суст келса, ғайриилмий, жўн ва сохта китоблар тобора кўпаяверади. Китоб бозорини бундай қиммати паст асарларга бериб қўймайлик.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
Ўзбекистон РФА ҳақиқий аъзоси,
Борис ЛУНИН,
профессор, тарих фанлари доктори,
Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

ҲАЗИНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НАЗМ ИПИДАГИ ЖАВОҲИРЛАР

УНИНГ ТОМГА ЧИҚАДИГАН кунларини Кенагас ва Кенагас атрофидаги қишлоқларда яшайдиган аҳли мўмин биларди. У субҳидамда том тепасида кўкка нигоҳ ташлаб, қиблага қараб, Оллоҳ ҳамдини бошлаб, Унга ҳар доим янги бир илтижосини айтар, ўз яратганига сажда қилаётган ва ундан барча мавжудотлар қаторида ўзини ҳам у дунёда лутфидан бенасиб этмаслигидан умидворлигини ёниб-ёниб, бошқаларни ҳам ёндириб-ёндириб баён этарди. Унинг бениҳоя саховатини, карамини, бандасининг бирор эзгу иши ё нурафшон хаёли маъқул келса, тоғдек гуноҳини қуриган бир баргдек шамолда учириб, осмону фалакка олиб чиқиб кетишини, унинг қудратини кўрсатувчи ҳайратли мисолларни келтирарди. У меҳрибон ва раҳмли Парвардигор даргоҳининг кенглигидан сўз очиб, ўзи ва бандалар номидан ёлвориб, гуноҳларидан кечишни, амалдорлару бойларнинг кўнгилларига инсоф ва диёнат нурини сочишини сўрарди. Ирмоқлар қўшилиб-қўшилиб, аввал ариқлар, ундан анҳорлар, кейин дарёлар пайдо бўлганидек, катта-кичик қишлоқлардан тўнни елкага ташлаб муҳаббат ва соғинч билан йўлга чиққан одамларнинг унинг томи атрофига келаётган оқими ҳеч ерга сиғмасди. Унинг баланд ва ширали овози энг орқадагиларга ҳам етиб борар, тингловчилар ўша оромбахш дақиқаларда унинг қўлидаги торга, унинг қўйилиб келаётган сўзларига ҳамоҳанг бўлиб, тебранишиб, гоҳ ичлари нимадандир тўлиб-тўлиб, йиғлаб-йиғлаб енгил тортишар, кўнгиллари дардлардан фориғ бўларди...

Оқ подшонинг темир панжасида инграётган Фарғона водийси халқи учун ул зоти киром сўнги умидларининг биридек эди. У худди тунда милтиллаб турган чироқ саҳрои биёбоннинг қоқ ўртасида ғойибдан яралган булоқ бўлиб кўринарди. Одамларнинг ундан жонларини ҳам аямасликлари сезилиб турарди. Айтишларича, генерал-губернатор уни Фарғонага чақириб, узоқ суҳбатдан кейин махсус тайёргарлик кўрилган базм-балга таклиф этади. Уни ярим яланғоч рус маржалари билан рўбарўма-рўбарў ўтирган христиан ва мусулмон эркаклар қаторига қўшиб қўядилар. Ўрқага қайтишга йўл бермайдилар. Ўтириш тонггача давом этади. У Фарғонада тонг отгунча кўзларини ердан олмай, дўзах азобини тортиб, базм тугашини умиду бардош билан кутади. Бир неча кишилар унинг бу ерда қандай ўтирганини кўради, аммо унинг нигоҳи ҳеч кимга тушмайди. Нега уни бундай шармандали йиғинга олиб киришди, ниятлари нима?! Ирвогарлар уни бадном қилишга улгуролмадилар. Улардан бурун унинг ўша мудҳиш кечадаги аянчли изтироби шеър бўлиб, нола бўлиб, яна ўша томдан янгради, кейин эса ўлмас қўшиққа айланди.

Ана шу йиғинларнинг шоҳиди бўлган, уни эслаб туриб ҳам бутун вужуди беихтиёр силкиниб-силкиниб йиғлаб, ширин-ширин титраб, роҳатланиб, кўзлари умидбахш чарақлаб кетган боболарнинг баъзилари билан учрашишга улгуриб қолганимдан, энг ҳалол боболарим қўл берган пиру комилни кўрган кишиларни кўрганимдан туриб-туриб суюниб кетаман. Хаёлан гоҳ замин, гоҳ арши аълода яшаган, икки ўртада ёнибкуйган, ҳатиф (ғойибдан овоз берувчи) сўзини эшитган, еру само шоири, хайрун нос (одамларнинг энг яхшиси) ким бўлди ўзи? Фарғонада кечган бир азобли кечани ўқиганингиздаёқ, азиз ўқувчим, уни таниб қолдингиз. Ахир, «Фарғона тонг отгунча» қўшиғини тинглаб, вужуди симобдай эриб, маъюс, аммо оромли гулзор бағрида лаззатланмаган борми! Унинг худога мурожаатномалари, «Кийикнома»си, «Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ» ғазаллари, набийлар ва саҳобалар, қанчақанча улуғлар билан мулоқотларим, Ерга, одамларга бўлган меҳру муҳаббати, дин ва имон нури акс этган ўтли байтларини ҳар ўқиганимда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-жониъ ас-Саҳиҳ» китобига киритилган бир ҳадис беихтиёр ёдимга тушади:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир мажлисда ўз қавмларига сўз сўзлаб турган эдилар. Бир аъробий (бадавий) келиб:

«Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларида давом этавердилар. Баъзи саҳобалар: «Расулуллоҳ унинг сўзини эшитдилар-ку, лекин ёқтирмадилар шекилли», — деб ўйладилар. Айримлари эса «Сўзини эшитмадилар» деб ўйладилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларини тугатгач: «Қиёмат тўғрисида сўраган одам қани?» — дедилар. Аъробий: «Мана мен, ё Расулуллоҳ» — деди. «Омонат (халоллик) ўртадан кўтарилганда қиёматни кутавергил», — дедилар. «Буни қандай билса бўлур?» — деди аъробий. «Ишнинг (қуининг) нопок одамларга қолганда қиёматни кутавергил!» — дедилар.

БУ ҲАДИСНИ НЕГА ҲАР САФАР эслайман. Зиёвуддин Ҳазиний ҳазратлари Октябр инқилобидан кейин худди шу ҳадисни бир неча суҳбатларда такрорлаганликларини эшитган эдим. Шоир ўз умрининг охирларида нега нопоклар ҳақида кўп сўз юритадиган бўлиб қолганлар? Ҳатифдан хабар келганми-ди? Ўзининг тоза руҳига ўша нопоклар болта кўтаришини олдиндан сезганмидилар? «Ҳа», дейман. Бунга ҳеч шак келтирмайман.

1923 йил баҳори роса тўлиб, бир ҳафта бурун очилган ўрик гуллари энди тўкилишга келганда ҳаво бирдан совиб, қор ёғди. Боғбонлар ризқи куйиб турган ўша кунларда бошларини ёстиқдан кўтаролмай ётган Зиёвуддин Ҳазиний эрта тонгда, тўғрироғи, дорилбақога рихлат этишларидан бир кун бурун ўз яқинларидан бирини йўқлаб:

— Хайрлашув онларим яқинлашиб қолди. Мана бу ўн икки чирвонни олиб, Янгиқўрғонга бориб, пулни уста Жалолга топшириб, туғмайдиган қора бир ғунажинни олиб берар экансиз, дегин,— деб тайинлабдилар.

Уста Жалол бозорга чиқиб, Қазрат тайинлаганларидай ғунажинни қидириб топиб, харидор бўлди. Эгаси ўн беш чирвонга сотаман, деб оёқ тираб олди. Охири ўн тўрт чирвонга келишилди. Уста Жалол муомаласи қаттиқ сотувчига:

— Ғунажинингизни жуда азиз одам учун олдик-да,— деди.

— Кимга?

— Эшонга!

— Қайси эшонга?

— Пиримизга!

— И-е, Зиёвуддин Ҳазиний, ҳазратларигами?

— Ҳа!

— Ундай бўлса, ғунажининг баҳоси ўн икки чирвон, — дебди сотувчи ва икки чирвонни қайтариб берибди.

Уста Жалол Кенагасга ажабланганича кириб келибди. У кишининг хоҳиши бўйича ғунажин сўйилиб қишлоқдаги бева-бечораларга тақсимлаб берилибди. Ҳазрат эса, яқинларидан бирини чақириб:

— Хонақадагилар ҳам қолмасин, — дебдилар.

Қандай билди экан? Зарурат учун ҳеч кимга айтмай яшириб олиб қўйилган озгина гўшт ҳам нажотсизларга улашилибди. Эртасига тонг ғира-ширасида Зиёвуддин Ҳазиний ҳаёт билан видолашдилар. Кенагасни зир титратган йиғи овози худди кун ботардан кўтарилган қора булутдек бутун Фарғонага ёйилди...

Кўп ўтмай эса, ўз элининг нури бўлган бу муҳтарам зот руҳини чирқиллатиб, дин пешвоси бўлганлиги учун қораланиб, фарзандларини, ака-укаларини қувди-қувди қилиш бошланди. Кутубхонаси пароканда бўлди. Қўлёзмаларини йўқотишди. Э, воҳ, қаерда эдингиз, унинг қабри тепасида йиғлаган-сиқтаган, Кенагас қишлоғига сиғмай кетган ўша катта оломон! Қаерда эдингиз, унинг қавмлари, унинг муридлари?!

Бундай аччиқ қисмат унинг замондошлари, ҳамсуҳбатлари, Қўқон адабий муҳити осмонида пориллаб, дилимизга «Нуран ало нур» (нур устига нур) тўкиб, эзгуликдан дарс, ўқиган боболаримиз — Писандий, Муҳийи, Қорий, Нисбатий, Ёрий, Мавлавий, Йўлдош, Зорий, Муҳаййир, Рожий, Ғурбат, Муҳсиний, Нойиирий, Нусрат, Тамкин, Тоиб, Котибий, Насимий, Мўминжон Мақсад, Шайдойи Мирзои Хўқандий, Ҳожий ва бошқалар руҳини ҳам қақшатгани, бу — халқимиз имон ва эзтиқодини оёқ остига олиб депсаганлари эмасми?!

Зиёвуддин Ҳазинийнинг ғазалларини матбуотда ёритишни, китобларини чоп этишни ман қилган ғаламислар қўшиқларини йўқотишнинг иложини тополмадилар. Зиёвуддин Ҳазиний билан дўст тутинган машҳур Ҳамроқул қори, Эрка қори, Мулла Тўйчи, Садирхон, Саид Умархондек ҳофизлар севиб, севдириб айтган қўшиқларни қатағон йилларида Расул қори, Маъруфхон, Абдуллатиф, Шаброн акадек ўткир нафасли ҳофизлар, шоирнинг кенжа ўғли Сотволдихон ва бошқа устозлар аввал яшириб, кейинча ишончли жойларда очиқ айтиб, шоирнинг ҳам, ўзларининг ҳам икки жаҳонларини (бу дунёлари ва охиратларини) обод этдилар.

Фарғона вилояти ижодкор ёшлар уюшмаси унутилган қадриятларимизни тиклашда бутун жумҳуриятга татийдиган изланишлари билан танилди. Ўша саъй-ҳаракатлар давоми сифатида мўъжаз бир мажмуа тўпланди. Фарғона вилояти меъморларининг бири Абдусалим Ҳакимов, Учкўприк тумани фахрийлари раиси Насрулло Раҳматуллаев бошлиқ ихлосмандлар, қўқонлик адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминов, вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг маданий ишлар бўйича йўриқчиси Абдумутал Маҳмудов сингари фидойилар ёрдамида олиб борилаётган ишлар Зиёвуддин Ҳазиний бисотини мукаммал тўплаш мумкинлигига умид туғдирмоқда.

КЕНАГАС ҚИШЛОҒИНИНГ МОЗОРИга Зуёвуддин Ҳазинийни ёдлаб, бу ёғи Риштону Олтариғу Марғилондан, у ёғи Қўқону Ялпану Бешариғу Хўжанддан келган кишиларнинг сон-саноғи йўқ эди. Худди шоир вафот этган кундагидек ўн мингдан ортиқ одам йиғилди. Ҳазратнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган отахонлар билан учрашдик. Ҳофизлар севинч ёши билан қўшиқ айтишаяпти. Ғамли, ҳазин нола, аммо сўзнинг «лайл ва жавоҳирлари назм ипига» шундай табиий тизилиши, дард аҳлининг кўнглини овлаши, муҳаббатга чорлаши билан ҳаммамизни сархуш этади. Ширин кайфият бағрида китобни варақлаймаи, гўё Зиёвуддин Ҳазиний бизнинг арзимизни Ҳаққа етказиш умидида яна томга кўтарилаётгандек...

Йўлдош СУЛАЙМОН



БОҚИЙ МЕРОС. С. МАҲКАМОВ олган сурат

СУЮНЧИ

Ўзини билган ҳар бир ижодкор, албатта, болалар учун нимадир ёзади. Фикрсиз, ғоясиз, бадиийлиги маҳрум, ғариб мисраларини «Бу нарса болалар учунку, ахир» — дея сурбетлик қилиш, шу билан болаларини боқиш учун эмас, балки фарзандларга айтадиган рост гапи борлиги учун ёзади.

Равшан Файзнинг «Мен щамолни тутволдим» номли янги шеърий тўплами билан танишиб, уни хижолат тортмай ўқиганимни ҳис этдим. Шеърлар атайлаб тўқилмагани, чираниш ва сунъийлик йўқлиги, аксинча, содда, самимий, ўзбекча эканлиги бундай дейишга асос беради.

Равшан табиат ҳодисалари, мева-чевалар, жониворларга бола кўзи билан қараб, болаларча ёзади. Шу боисдан шеърлари қисқа, равон. Уларда турли ўхшатишлар, «қанотли жумлалар» кам учрайди. Лекин оҳанг, сўзлаш услуби, якун диққатни тортиб кетади ва биз кам деб атаган нуқтани гоҳ беркитса, гоҳо сездирмай кетади. «Бойчечагим бойланди», «Бодринг», «Қуёшни уялтирдим», «Ёз», «Акам», «Кетишни билмаган суварак» сингари шеърларни ўқиётиб шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Бундай шеърлар ортида сизга кўриниб турадиган шоир юзига қараш азоб эмас. Равшаннинг келажак авлодга сингдиришни истаган хислатлари, туйғу ва фикрлари борлиги мени қувонтиради.

Китобдан шоирнинг ҳажман каттагина эртаклари ҳам ўрин олган. Ростини айтсам, мен уларнинг чўзилганини сезмадим, лекин айрим ўринларда чайналиш борлиги, янги қофиялар йўқлигини ўқиш давомида ҳеч эсимдан чиқаролмадим. «Тўра», «Синфимизнинг ошпри» деган шеърлар эса ортиқча туюлди.

Талабалик йилларимизда ижодкорларга баҳс беришда ғалати бир ибораниз бўларди: ўзимиз унча хушламаган шоир-ёзувчиларнинг тўпламини кўриб: «Буям китоб чиқарибди», дердик. Севган ижодкорларимизга келганда эса: «Фалончининг китоби чиқибди», деб қўярдик. Бугун ўша «мезон»ни қўллагим келди: Равшан Файзнинг китоби чиқди. Дўстим учун беҳад қувониб, бу янгиликни азиз ўқувчиларга суюнчилагим келди.



БЕЗОВТА ЮРАК СИЙМОСИ

«ЧЎЛПОН» НАШРИЁТИ ЯҚИНДА бир неча янги китоблар чоп этди. Улардан бирини қўлга олдиму ғалати бўлиб кетдим. «Назар Шукур». «Вақт хиёбонида». Алам қиладиган даражада ёш ўлиб кетган шоир сиймоси кўз олдимга келди. Китобни аста варақлайман. Бу ғал олдингидан-да кучлироқ титроқ кирди танимга: «Муҳаррир Чори Аваз». Бу китоб — унинг нашриётдаги сўнгги муҳаррирлик қилган китоби эди. Қанчалар жон куйдирганди бу китобнинг чиқишига. Чори ёзган таништирув хатини ўқишга тутинаман: «Назар Шукурнинг шеърларида тарих, табиат, дилторлар манзаралар, ҳаттоки тун ҳам ўзига хос, шоирона меҳр ила суратланган. Азиз болалар, Сиз бу суратларга боқиб ўнинг, фикрнинг, безовта юракнинг сиймосини кўрасиз. Шоир юраги эса Сизни кўнгил деб аталмиш муқаддас хиёбонга етаклайди».

Ўзбекнинг жонкуяр боласи бўлган Назар Шукур шеърларига берилган энг холис баҳо бу. Назар Шукурнинг «Девони луғатиттурк», «Ўрхун-Энасой қўлёзмалари», «Чўпон таёқ», «Нонвойларга» сингари шеърларини ўқиб, унинг элимиз тарихи, келажаги ҳақида тинмай ўйлагани, қалби мудом безовта бўлиб юрганини ҳис этасиз.

доимий ҳамроҳ

Марҳумлар руҳини шод этишнинг йўл ва усуллари жуда кўп. Биз бир китобини чиқаришни шоир хотираси олдидаги бурчимиз деб ҳисобладик. Бу иш — у ўтиб кетгани учунгина қилинмади. Мазкур тўплам халқимизни ўзининг яхши бир шоири билан учраштириш истагида тайёрланди. Шеърларни қайта-қайта ўқирканман, у ортиқча мурувватга муҳтож бўлмаган шоир эканига яна бир карра ишондим.

Назар Шукур шеърлари ҳали узоқ вақтлар ўқувчиларимиз кўнглини ром этади, уларни эзгуликка ундаб туради, деб ўйлайман. Зеро, унинг ўзи шундай ёзганди:

Армонларнинг кўксин
поралаб
Ҳордиқ олмай йиллар
ошаман.
Гоҳ тун, гоҳо кунни
оралаб
Келажакка яқинлашаман.

Аъзам ЎКТАМ

УМР ЎРТАСИ

Кейинги ўн—ўн беш йил ичида халқ орасида тарихга, аниқроғи ўтмиш тарихимизга қизиқиш бирмунча ортди. Хайрият, шундай замон ҳам келаркан. Бу — коммунистлар ҳукмронлиги даврида бўлиб турадиган мавсумий бир ҳолат эмас, албатта. Бу — қонуний бир жараён. Мустамлакачилик ва қизил империя ҳокими мутлоқ бўлган йилларда бизларни турли йўллар билан улкан маданий меросимиздан ажратиб ташладилар, руслар-нинг тарихи, адабиётини ёд олдирдилар, улуғ ота-боболаримизни эса бадном қилиб, улкан ва кўҳна тарихимизни, маданиятимизни оёқ ости қилдилар. 20—50-йилларни кўз-турайлик. Яқиндагина Эркин Воҳидов, «Ўзбегим» деган шеър ёзиб қўйиб балога қолганди, Абдулла Орипов лайлак келишини қўмсагани учун унга шеър ёзишни манъ этиб, таржимонликка ўтказиб қўйгандилар, Пиримқул Қодировни эса Бобур ҳақида роман ёзгани учун қон йиғлатишганди.

Бугун, яратганга минг бор шукрким, энди Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Султон Ҳусайн, Бобур, Навоийдек жаҳонга донғи кетган улуғ олимларимиз, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Абдуллахон сингари моҳир саркардаларимиз ўтган деб ғурур билан гапириш имконига эга бўлдик.

Ҳурсанд бўладиган тарафи шундаки, бугун ўз ижодида ўтмишга, Туркистон заминининг кўҳна тарихига мурожаат қилаётган шоир ва адиблар сони ортиб бормоқда. Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Евгений Березников, Ҳуршид Даврон, Асад Дилмурод... Буларнинг орасида истеъдодли шоир ва ёзувчи Муҳаммад Али ҳам бор.

Адолат юзасидан айтиш керакки. Муҳаммад Али тарих мавзуига 60-йиллар охиридан бошлаб қизиқиб келади. Мен бу ерда шоирнинг «Боқий дунё» шеърий романини, «Сарбадорлар» романини, унинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ошиқ бўлмай, ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» деган публицистик китобини назарда тутаётибман.

Муҳаммад Али ҳақида гапирганда унинг бир яхши хислатини эсингизга солмоқчиман. Бу — унинг заҳматкаш ва илмга чанқоқлиги. У кўп ўқийди, билмаганини сўраб ўрганишдан орланмайди. Мен бу гапларни яқин — ўн-ўн беш йилдан бери у билан ҳамкорлигим туфайли билганимдан гапираётибман. Шу вақт ичида у Туркистон тарихини, ўзбек халқининг тарихини яхшилаб ўрганиб олди. Муҳаммад Али дурустгина тарихчи олим бўлиб қолди, десам ҳам бўлади.

Чархи кажрафторнинг шевасини қарангки, Муҳаммад Али бугун 50 ёшга кирибди. Бу кўпми, озми? Кўп ҳам, оз ҳам. Кўплиги шундаки 50 дегани — бу умр ўртаси. Озлиги шундаки, бу — инсоннинг жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам тўлишган катта-катта ишларга энди тутинадиган пайти. Муҳаммад Алининг яхши-яхши романлар, шеърий достонлар ёзиб берадиган даври энди келди. Бу йўлда мен қаламкаш иним, истеъдодли шогирдим Муҳаммад Алига, аҳли оиласи билан, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, ижодий фаолиятида янги парвозлар тилайман.

Бўриной АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон республикаси ФАнинг мухбир аъзоси

ФАҚАТ ИЖОД ТИЛАЙМАН

Бундан узоқ йиллар муқаддам, биринчи илк китобларимиз нашр қилинган чоғларда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил кўраётган ёш шоир дўстимиз бизни суриштириб келди ва ўзини Муҳаммад Али деб таништирди. Шеъриятга ниҳоятда берилган пайтларимиз эди. Биз у билан тезда тил топишиб, то тонгга қадар шеърлар ўқишадиган бўлдик. Бир-биримизнинг сатрларимизга сайқал берар, ўрни келганда бир-биримизни роса мақтар ҳам эдик. Мен ўша маҳаллари «Ёш гвардия» нашриётида хизмат қилардим. Бир сафар Муҳаммад Алининг бир даста шеърларини нашриёт директори Сотиболди Йўлдошевга тавсия этдим. Қанғки, рассомларнинг китобга муқова тайёрлашларини кутиб ўтирмасдан аллақандай журнал саҳифасидан муқова ясаб, ёш шоирнинг илк тўпламини нашр қилиб юборганмиз.

Одатда ижодкор учун аввало талант, сўнгра меҳнат зарур дейдилар. Шу ўринда бир гапни қайд этиб ўтмоқчиман. Муҳаммад Алида истеъдод-ку бор, лекин меҳнат ундан ҳам кучлироқ. Шу боисдан Муҳаммад Али адабиётнинг деярли барча жанрларида бетиним меҳнат қилиб келаётир. У ҳам шоир, ҳам таржимон, кейинги маҳалларда у романчига ҳам айланиб қолди. Мен унинг «Сарбадорлар» романини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ўйлайманки, синчков ва ҳафсалали ёзувчимиз тарих қаъридан ҳам кўп ашёларни бизга қайтадан таништиргусидир. Дўстимни ярим асрлик тўйи билан албатта муборакбод этаман. Ҳозирги ғала-ғовур даврда ёзувчи учун энг муҳим иш — бошини буркаб ижод билан шуғулланишдир. Мен Муҳаммад Алига ҳам шуни тилайман.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЮРТИНИ СЕВГАН АДИБ

Муҳаммад Алининг бугунги кун адабиётимизда ўз ўрни бор, ўз овози бор. Ҳар бир истеъдод ўзини намоён этганда эл кўзига юрагининг муҳим қирраси билан ярқ этиб ташланади.

Муҳаммад Алининг «Фазодаги ҳислар» номли илк тўпламида учқун сочган эҳтирос унинг «Сарбадорлар» номли тарихий романида гулхан бўлиб баралла ёнди. Зеро биз бу икки китоб оралиғидаги босиб ўтилган ижодий йўлда миллатсеварликнинг, она юрт учун фидойиликнинг, унинг қадим тарихига бўлган ихлос ва эҳтиромнинг ёрқин тимсолини кўрамиз.

Муҳаммад Али таржимон сифатида салмоқли бисот яратди. У бу борада дуч келган нарсаларни ёҳуд бозори чаққон асарларни эмас, балки халқимиз маънавиятини бойитувчи, унинг руҳиятига суянч бўлувчи асарларни танлаб таржима қилди.

Муҳаммад Али ижтимоий фаол шахс. У бир неча йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, сўнг Республика телевидениесида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима ва адабий алоқалар марказининг раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Мен Муҳаммад Али акани А. Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда кўрсатган жонбозлигини яхши эслайман. Унинг ташаббуси билан Дўрмондаги Ижод боғига турли мамлакатлардан таржимон шоирлар таклиф қилинган ва улар Навоий ғазаллари таржимасига қаноатлантирилган эди.

Унинг елиб-югуришлари туфайли Алишер Навоийнинг 10 ғазали 16 мамлакат тилида «Бақо гули»си номи билан чоп этилди.

Муҳаммад Али бугун 50 ёшда. У «Халқ ёзувчиси» деган мўътабар унвонга сазовор бўлди. У ҳали адабиётимизга кўп хизмат қилади, ихлосмандларини теран асарлари билан хушнуд этади.

Мирпўлат МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг котиби



Дўстона табрик. Таниқли ижодкорлар Муҳаммад Али ва Абдулла Орипов.

С. МАҲКАМОВ олган сурат

ЁН ДАФТАРДАН

ЖОНДАН АЗИЗ НАРСА

ИЖОД... СЕҲРЛАРГА ТЎЛА БУ СЎЗНИНГ маъно-мазмуни содда: яратиш, пайдо этиш, йўқдан бор қилиш демак. Табиатда, коинотда бирор жиҳат йўқки, у фаолият кўрсатмаган бўлсин. Шамол Фарғона боғларидаги олма гули чангини болупарида авайлаб Тошкент боғларида чаман бўлиб очилган олма гулларига тутади. Ижод шундай бошланади. Сақсаққушми, бургутнинг чангалида типирчилаб кетаётган ўлжа — паррандан хокисорнинг қанотларидан тўкилган бир дона уруғ ҳелвагай елиб заранг қоя тошга қўнади, ундан бир гул уна бошлайди ва уни шоир «Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди» (Ойбек) деб атайди. Ваҳший қоя тошлар ҳам ижод қила олади! Бу сўзнинг сеҳрига ваҳший қоялар, тошлар ҳам юмшаб, кўксидан гулга жой беради! Табиатнинг ўзи шу қадар ижодкору бунёдкор! Шундоқ эса, у ҳолда унинг энг онгли ва тафаккурли меваси — Инсоннинг яратувчилиги таъриф ва тавсифга сиғурми? «Биз дунёда камол топиш учун яшаймиз, — деган эди улуғ бастакор Моцарт. — Менинг ягона орзум ижод этишдир!» Моцартнинг ижодини — жўшқин ва қувноқ, нафис ва эркин мусиқасини ифода этишга сўз етурми? Алишер Навоий ижодининг — достонларию рисолаларини қўйиб турайлик, — биргина «Қора кўзим, келу мардумлиг эмди фан қилгил!» ғазалидаги нозик дил тебранишларини қандоқ усулда баён этмоқ мумкину, бунга калом қани? «Кўзим усти — миннатинг бошимга дурра» — дейди Ғафур Ғулом машҳур шеърида. Қандай қилиб жисмсиз сўз «миннат», жисмни билдирадиган сўз «дурра» бўла олади, яна «кўз устига», дейсиз. Бўла олар экан. Буни фақат дилда туясиз холос, тасвирлаб бермоққа имкону ифода қаёқда?..

Адабиётда ижобий қаҳрамон масаласи ҳамиша ҳам долзарб масалалардан бўлиб келган. Ижобий қаҳрамон ўқувчини ўз ортидан эргаштириб кета оладиган, фавқулодда сеҳру жозибага эга бўлмоғи керак. Бу ҳақиқатда ҳам жиддий масала. Адабиёт деган сўзнинг луғавий маъносини олиб кўрайлик. Унинг ўзагида «адаб» сўзи ётади. Адаб — хулқ-ахлоқ деган маънони беради. Одоб — сўзимиз эса, адабнинг кўплиги. Демак, адабиёт — хулқ-одобни, маданиятни ўргатадиган, маънавиятни бойитадиган фан. Бунинг учун у эргаштира олиш қудратига эга бўлиши керак, ундаги шундай қудрат эса албатта ижобий қаҳрамонда жо бўлади.

Адабиёт — инсоннинг қаддини букадиган эмас, балки кўтарадиган фан. Қадимда Аристотель адабиёт — кишини поклайди, деган ғояни тарғиб қилган эди. Буни «Поэтика» китобида «Катарсис» деган ибора билан ифодалаган эди. Бу ибора, термин кейин жуда мунозаралар туғдирган, хусусан, Ҳёте уни қаттиқ ёқлаб чиққан эди.

Дарҳақиқат, адабиёт — кишини ёмон туйғулардан тозалагувчи, руҳини тиниқлаштиргувчидек бир ажойиб вазифани ўтайди. Биз буюк асарларни ўқиб, ундаги ажойиб қаҳрамонларни ёқтириб қоламиз. Баъзан берилиб, уларнинг ҳаётига аралашиб кетамиз, нима биландир уларга ўхшагимиз, уларнинг эзгу ишларидан ибрат олгимиз келади. Ўзимиздаги айрим қусурларни англаб оламиз ва улардан пқлана боришга ҳаракат қиламиз. Буларнинг ҳаммаси, асосан ижобий қаҳрамон туфайли содир бўлади.

Буюк асарларнинг ҳар бирига мурожаат этсак, шу ҳолни кўрамиз. Халқ эпосларидаги ажойиб қаҳрамонлар, айниқса, шундай фазилатларга эга. Эргаштириб кетувчи қаҳрамонлар ҳақида ўйлаганда, Алпомиш, Тоҳир сингари эпос қаҳрамонлари, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идаги Фарҳод ва Ширин, Отабек каби образлар кўз олдимга келади. Бундай образларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Бальзак билан Стендаль ўртасида бўлиб ўтган жуда машҳур баҳс эсимга тушади. Маълумки, Стендаль қаҳрамонлари ҳаётда муросачиликка бормайдиган кишилар, Бальзак қаҳрамонлари эса ҳаётда барча йўл-йўриқларга кўникиб кетадиган кишилар. Бальзак ҳаётни бор ҳолича олиб тасвирлайди — «Инсон комедияси»нинг принципи шу. Ёзувчининг ижодий услуби ҳам шу. Стендаль эса ундай қилолмайди. Унинг қаҳрамонлари Прометей хилидаги кишилар. Улар ҳаётда бош эгмайдилар, ҳалок бўлсалар ҳам, ёруғ идеалларга содиқ қоладилар. Улар ёруғ таассурот қолдириш қудратига эга. далнинг ижобий қаҳрамонлари ана шундай кишилардир. Шу важдан ҳам француз реализми Стендалдан бошланади.

Адабиётнинг бош принципи ҳам шу. Ҳаётда ҳамиша прометейлар керак. Адабиёт эса ҳаётнинг инъикоси! Бир шеъримда бундай сатрлар бор:

Юксакларда, қора осмон остида,
Онда-сонда қўниб ўткаркан булут,
Заҳмат шоҳи Прометей устида
Жигар чўқиб ётар ҳали филбургут.
Бизга аён, бургут кучи ҳад билмас,
Прометей омон қолмоғи душвор.
Лекин, ажаб, бизларнинг-чи, бургутмас,
У инсонга ишончимиз улуғвор!

Муҳаммад АЛИ

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бир калом айтмакка зормен тоза рухсор олдида,
Кўзларим ерга қадалмиш кўзи хуммор олдида.
Баски, минг бор ўлдим иқрор энди инкор олдида:
Ҳар кишини дарди бўлса йиғласин ёр олдида,
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Мен тирикмен бу жаҳонда бир буюк армон била,
Мен нетайким, оҳларим тенг Ер била, Осмон била,
Жон пардасида жон била, дил тўла ниммон била,
Андалиби бенаводек нолаю афғон била,
Айланиб сайраб юрармен айни гулзор олдида.

Бу фано дайрида ҳар чоғ сирдурур завқу сурур,
Истадим, ўлғайму зоҳир тийра шомлар ичра нур,
Нафси амморанди энди, бас, тамом бўлмакка ҳур,
Мансури Халлождек ичиб ким шароби антаҳур,
Чарх уриб йиғлаб турармен ушбу дам дор олдида.

Деб эдим, тарқар булутдек бори қайғу бодадин,
Сачрагай чақмоғ мисоли турфа ёғду бодадин,
Сундиму икки қўлимни, куйди, ёҳу, бодадин,
Ҳар киши бир жураъ нўш айласа бу бодадин,
Ул қнёматда қилур арзини жаббор олдида.

Чархи давзор тиғларидин ёрадур бағри жаҳон,
Ул яродин не замонлар сув бўлиб ким оқди қон,
Оҳларинг сочма фалакка, эй Али, тутгил ниҳон,
Телба Машраб, қилмағил сирринги зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиғлагайсен ошиқ зор олдида...

Ҳа, Инсон ҳамиша Прометейларга ишонади. Адабиёт эса Прометейларни бермоғи керак.

ДУНЁ АДАБИЁТИДА ФАҚАТГИНА ИШҚ мавзуига бағишланган, соф муҳаббатномалар айтарлик кўп эмас... Мен том маънода муҳаббатномаларни назарда тутмоқдаман. Тоҳир ва Зуҳра, Вомиқ ва Узро, Тристан ва Изольда, Руслан ва Людмила, Ромео ва Жульетта, Лайли ва Мажнун...

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони шу хилдаги достонлар ичида олдинги ўринларда туради. Бу, ишқий шеърий роман, ўзини «дахрада бир заиф хас» билган, панд аҳлининг ярасига туз сепаверишидан безор бўлган «девонаи беқарор» зукко шоир, ошиқ дил Қайс билан дилбар қиз Лайлининг, бу, ичида ўт ёниб ётгани билан тутунини ташқарига чиқармасликка мажбур бўлиб, азобда қолган бир маъсуманинг оловли ва фараҳли муҳаббатига бағишланган...

Бир-бирига талпиниб турган икки дил, икки покликда улуғ қалб, аммо муҳаббати йўлида курашмоқдан ожиз кўнгиллар... Бу тўғри.

Чунки Алишер Навоий буюк адиб сифатида замон ҳақиқатига қарши-боролмас эди. Замон эса Лайли ва Мажнунлар замони. VII асрга тўғри келади. Икки дилнинг фарёди, муҳаббати Ислом туғилган асрга рўбарў келди. Ҳали жоҳилият кучли бу асрда ҳар қандай ҳур фикрга — севги эса фақат ҳур фикрни яхши кўради — минг бир тўсиқ мужассам эди. Шунинг учун ҳам қаҳрамонлар пассив кишилар тариқасида кўринади бир қарашда. Лекин ана шу пассивлик, зулмга лоқайдликда буюк исён яшириниб ётибди.

ИЖОДКОР

Ўтган чорак аср давомида у юзлаб шеърлар, ўнлаб достонлар ёзди. «Боқий дунё» деган, озодлик йўлидаги курашларимиз тарихига бағишланган ажойиб бир шеърий роман яратди. Шеъриятимизнинг захматкаш, айни пайтда ёрқин истеъдодга эга вакили сифатида тан олинди. Қардош халқлар адабиётидан бир қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Улар орасида Тагордан Байронгача, Пушкиндан Махтумқулигача бор эди. Қорақалпоқчадан қилган «Шаҳриёр» ва «Маст пошша» таржималари Бердах номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бернснинг ўзбекчаси шеър мухлисларининг тилига тушди. Машҳур ҳинд эпоси «Рамаяна» мутахассислар томонидан жуда юксак баҳоланди. Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов шоирни қабул қилиб, олтин ручка тақдим этди. Шоир мутахассислар таклифи билан ушбу таржима тартиботи, изоҳ ва тафсилотини жамлаб рисола ҳолига келтирди. Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик илмгоҳи ихтисослик кенгаши таржимонга мазкур тадқиқоти учун бир овоздан филология фанлари номзоди илмий даражасини берди.

ЧИНАКАМ ШОИРЛИК БУ ШУНЧАКИ чиройли қофия ёҳуд гапга тўн кийдириш эмас, у муҳим ва зарур гапни айтиш, ўз пайтида айта олиш ҳамдир. Шу маънода шоирлик, муболағасиз, жасоратдир. Биз бугун ҳақли суратда «Абдулла Орипов феномени» ҳақида гапирмоқдамиз ва бу гапнинг асл моҳияти замон зарбаларидан том битган қуйлоқларни, қуллик ва ҳақоратдан ўзлигини унутган дийдаларни очишдан иборат бўлганлигини айтмоқдамиз. Бу шеърларнинг аксарияти 60-йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган. Бу пайтлари «ёвузлик салтанати» деб ном олган империяда ҳамма нарса ҳали жой-жойида эди. Октябр «социалистик турма»га айлантирган эски «халқлар турмаси»да, айрим гап-сўзларни ҳисобга олмаганда, ҳеч нарса ўзгармаган эди. Олайлик, Амир Темур ҳақида бугун гапириш эмас, гапирмаслик айб бўлиб қолди. 60-йилларда уни тилга олишнинг ўзи бўлмаган. И. Мўминовдай ҳар жиҳатдан салмоқли, залворли олимнинг бошига тушган кунлар ҳаммага аён-ку! Ўша 1968 йилда арабшунос У. Уватовнинг ҳам Ибн Арабшоҳ китоби нашрга тайёрланган эди. Қолиб кетди. «Идеаллаштириляпти» деган айбдан қўрқишди. Замонлар ўтиб, ниҳоят шу китоб босилди. Айрим ҳангоматаблаларимиз энди чиққани яхши бўлмапти, ерга урган экан, қабилида гапирмоқдалар. Одамзоднинг табиати қизиқ экан-да, на иссиқ ёқади, на совуқ. Ахир илм учун «идеаллаштирилган»и қанчалик муҳим бўлса, «ерга урган»и ҳам шунчалик қадрли бўлмайдими? (Мабодо, чиндан ҳам ерга урган бўлса).

Олимнинг ишига муносабат шундай. Шоирга-чи?

Шоирга бундан ҳам ёмонроқ бўларди. Лекин шоирнинг имкониятлари кўпроқ эди. У асосий фикрини образга ўради, маънони чуқурроққа кўмди:

Эй тарихчи! — деди қабрдан овоз, —
Бас, бундай гапларга эмасман муҳтож!
Тори узилса ҳам соз аталур соз,
Бошдан тушганда ҳам тож, барибир тож!

Муҳаммад Алининг бу тўртлиги ўша 60-йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган. Бу «овоз»нинг «Гўри Амир»дан чиқаётганига шубҳа йўқ, албатта. Ўша йиллари у «Гумбаздаги нур» деган достон ёзди. У, аслида тарих қатларидан, буюк жаҳонгир қудратидан изланган нур эди.

Муҳаммад Алининг «Боқий дунё»сида шундай бир жой бор. 1916 йил Жиззах қўзғолони. Халқ Қийлига қувилган. Оқ подшо шаҳарни тўпга тутмоқда. Ўрда вайрон бўлмоқда. Жадид Қудрат қайнотаси Суюнбойга дейди:

Боболардан қолган ёдгорлик,
Авлодларга ғурур ва камол.
Фотиҳда бор шундай беорлик
У ғурурни қилади поймол.

Биз синфийлик деган балойи азим измидан бориб тарихни қоралаб келдик. Унга тош эмас, тўп отдик. Лекин бу фақат социализмни улуғлаш учунми эди? «Ким эдик ўтмишда бизлар, номи қул, қашшоқ-гадо», «Замондан кўрмайин заррача шафқат, фарёд деб ўтдилар Муқимий, Фурқат» деган сафсаталар, «аҳолининг 98 фойизи саводсиз эди» деган ўйдирмалар биргина совет салтанатининг «афзал»лигини «исботлаш» учун тўқилдими? Йўқ, бу ғурурни ўлдириш учун ҳам қилинди, токи миллат етим қўзидек бўзлаб, кўзларини жовдиратиб, ҳар қандай меҳрга зор турсин. Шунда, у, биринчидан, қаёққа етакласангиз, шу ёққа кетади, иккинчидан, сизни ўз пушти паноҳидек қабул қилади. Учинчидан, атрофдагилар олдида ҳам юзингизни ёруғ қилиб олдингиз — етимпарварсиз, етимнинг бошини силаяпсиз. Етимпарварлик эса инсонпарварликнинг камолот чўққисидир. Шундан кейин ҳам биров сизни кичик миллатларни камситишда, ирқчилик, миллатчиликда айблаб кўрсин-чи! Ҳолбуки, собиқ СССРдаги социалистик мафкура, аслида, қизил шиорлар билан ўралган буюк рус шовинизми асосига қурилган эди. Собиқ Чор Россияси ҳудудидаги юзлаб миллатлар «совет халқи» деган ясама номи сохта «коммунизм» шиорлари остида, режали асосда, пояма-поя руслаштириб борилди...

Ғурур ҳақидаги биргина шу луқма ҳар қандай ўқувчида тубсиз хаёллар қўзғайди.

Ўтмиш ёди, тарихга саёҳат Муҳаммад Алининг севган машғулотларидан. Биз киммиз, аждодларимиз кимлар эдилар, олис тарих давомида қай ерларни ватан тутдилар, қандай салтанатлар қурдилар, жаҳон тараққиётидаги хизматлари-чи? Булар ҳақда у билан гаплашсангиз, ҳузур қиласиз. Машҳур обидаларимиз, уларнинг «таржимаи ҳол»лари, турк доҳийлари, сулолалар ва буларнинг камоли-ю заволи хусусида унинг ўз фикри, нуқтаи назари бор. Дарвоқе, бундан тўрт-беш йил олдин «Ёш ленинчи» газетаси ўзининг икки сонида унинг «ўз-ўзингни англаб ет...» деган мазмундор бир эссесини босиб чиқарган ва бу матбуот саҳифаларида қизғин баҳсларга сабаб бўлган эди. Ўшанда муаллифнинг айрим кескин, лекин асосли фикрларини баъзи ўртоқларимиз бироз оғир олиб, қизиққонлик қилган эдилар. Ўтган давр, воқеалар шоирнинг кўп масалаларда ҳақ эканлигини исбот этди.

ТАРИХНИ БИЛИШ АСЛИДА ФАРЗ. Чунки у отани танимоқдек гап. Нечораки, у ҳозирда фазилат бўлиб турибди. Майли, шунга ҳам шукр. Муҳаммад Али буни яхши англайди. Деярли ҳар бир тарихий мавзудаги асарига жиддий тайёргарлик кўради. Масалан, «Боқий дунё»даги кўпгина воқеалар тасвиридан синчков тарихчи жуда кўп илм топа олади. «Сарбадорлар»даги айрим лавҳалар тафсили учун машҳур Абдуллахоннинг ҳозирги Туркманистон сарҳадидаги ҳали ҳам «иш бериб келаётган» сардобаси — Чилгумбазгача бориб келди. Кўҳна Касбининг кулолларини топиб узоқ суҳбатлар қилди. Улардан эшитган айрим ривоятларини романга сингдириб юборди.

Дарҳақиқат, у тарихни яхши кўради. Тарихий мавзу унинг биринчи тўпламидан охирги китобигача етакчи мавзу бўлиб келади. Хусусан, халқимизнинг эрк ва мустақиллик учун кураши масалалари тарихий мавзудаги асарларига сарлавҳа бўла олиш даражасига кўтарила олган. Қулликни бўйнига олмай, тақдирга қарши исён қилган Муқанна ҳақидаги шеърини ўша 1967 йилги илк тўпламида учратамиз. Сўнг «Қадимги қўшиқлар» туркумини яратди. «Кечмишнинг гирдобли тубига» боқишга, «ўтмишнинг бекик дарчасини» очишга ҳаракат қилди. Спитамендан сўзлади. Дарвоқе, у ердаги айрим шеърларга бугун изоҳ берса бўлар. Кўпгина шоирларимиз сингари у ҳам рус истибдодини пардалаб айтишга, воқеа-ҳодисаларни олис тарихга кўчиришга мажбур қеаси» ва «1916 йил қўзғолони» қилиб белгилайди. Иккинчидан, асардаги «бойлар» ҳам, «жадидлар» ҳам бошқачароқ эдилар...

Бугун, дунёга қўшилиб, кўзимиз очила бошлаганидан кейин, маълум бўляптики, ҳар икки тарихий ҳодисани, хусусан, 1916 йил Туркистон қўзғолонини жаҳон тарих фани аҳамияти ҳали етарли англанмаган, аммо ўз оқибати билан жаҳон тарихига таъсир кўрсатган оламшумул бир ҳодиса сифатида баҳолар экан. «Бой» ва «жадид» ҳақидаги қарашларимизнинг ўзгарганига, ростдан ҳам уларнинг «бошқачароқ» бўлганликларига ишона бошлаганимизга тўрт йилдан ошди. (Жадидчиликни қайта баҳолашни бошлаб берган йирик регионал кенгаш 1988 йил октябрда Тошкентда ўтган эди).

Сўнгги йирик асари «Сарбадорлар» муаллифнинг «ўз-ўзини англаш» йўлидаги жиддий, салмоқли қадамларидан бўлди. Сарбадор ким эди? Бизга аён-ноаён», тўғрироғи жаҳон алқаб, биз тонган Темур ва ҳар иккиси келиб боғланадиган яна ўша халқдаги эркинлик, мустақиллик учун кураш ғояси. Олти юз йил олдинги тарих, аждодлар ҳаёти, тўйтантаналар, қатл-қирғинлар, севгилар, фожиалар... Маълум-номаълум тақдирлар...

Роман таниқли шоирнинг насрдаги биринчи тажрибаси бўлишига қарамасдан, муваффақиятли чиқди. Ўқувчилар яхши кутиб олдилар. Танқидчилик юксак баҳолади. «Шарқ юлдузи» 1990 йилги йиллик Сурхон мукофотини берди. Ниҳоят, муаллиф «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлдики, бу ҳам маълум даражада унинг мазкур романи эътирофи сифатида қаралмоғи керак.

ИЖОДКОР ҲАМ, БАРЧА КИШИЛАР сингари, биринчи навбатда, ўз юртининг фарзанди. У туғилиб ўсган жой дунёдаги барча манзиллардан азиз, муқаддас. Лекин бошқалардан фарқи шундаки, бу туйғулар унинг кўнглидагина қолмайди. Воқеа-тақдирларга, кечинма-тасвирларга ўтади, улар орқали ўқувчида қутлуғ Ватан туйғусини тарбия қилади. Айни пайтда у туғилган юрт ижодкор салмоғига қараб адабий-ижтимоий жуғрофияга кириб боради. Муҳаммад Али Андижоннинг Бўзида Бешгул қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни Бекободда тугатди. Ёшлик ғайрати билан металлургия комбинатида ишлади. Москвада Адабиёт институтида ўқиди. 1966 йилдан дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида, сўнг Ғафур Ғулом нашриётида ишлади. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима маркази бошлиғи. (Асарлари чет тилларга таржима қилинган. Дарвоқе, ўзи ҳам яқинда Америкага бориб Сиэтлда университет талабалари ва муаллимларга ўзбек адабиётидан дарс бериб қайтди...)

Бу манзиллар, уларда кечган шоирнинг умри, қувончу ташвишлари орттиргану йўқотганлари асарларида.

Бегали ҚОСИМОВ

ЯРИМ АСРЛИК САРҲИСОБ

Муҳаммад Али адабиётимизда самарали ижод қилаётган ва асарлари билан халқимизга манзур бўлаётган ижодкорлардан биридир. Унинг шу пайтгача «Фазодаги ҳислар», «Оталар юрти», «Алвон чечаклар», «Оқ нур», «Достонлар», «Илҳом парпси», «Боқий дунё», «Севсам, севилсам», «Сен бир гулсан» каби шеърий асарлари, «Ошиқ бўлмай, ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» эссе, мақолалардан иборат китоблари нашр этилган. «Сарбадорлар» романи эса «Шарқ юлдузи» ойномасида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Шу билан бирга шоирнинг асарлари бошқа қардош тилларга ҳам ўгирилган. Жумладан, унинг шеърлари достонлари, шеърий романларини ўз ичига олган «Ҳаёт саси», «Боқий дунё», «Бешгул», «Соз» тўпламлари рус тилида Тошкент ва Москва нашриётларида, «Қўшиқлар ва поэмалар» тўплами «Қорақалпоғистон» нашриётида қорақалпоқ тилида, «Дўстлик йўли» китоби Олмаотадаги «Жазуши» нашриётида қозоқ тилида чоп этилган.

Айни пайтда М. Али китобхонлар ўртасида таржимон сифатида ҳам танилган. Унинг таржимасида Роберт Бёрснинг «Қўшиқ ва балладалар»и, қорақалпоқ халқ эпоси ва достони «Маспошша», «Шаҳриёр», қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна» китоблар ҳолида босмадан чиқарилди.

ҚОРАКЎЗЛАР ЗИЁСИ

БУ ЕРУҒ ОЛАМГА КЕЛИБ ҳар ким ўз тақдирини ўзи қуради. Бу тўғри. Лекин ҳар тақдир бошқа миллионларча тақдирлар билан неча ўнлаб, юзлаб кўзга кўринмас азал ришталари билан боғланади. Тақдир бошқа тақдирлар билан мосланади. Одамлар тақдирларининг жаъмидан мамлакат ва халқ тақдири вужудга келади.

Тақдирларнинг бир-бирларига ўзаро бахтиёрлик билан созланишлари. ҳам ҳар бир шахс тақдири учун, ҳам жамият ва ҳам алоҳида олинган бир мамлакат тақдири учун иқбол белгисидир. Тақдирлар бир-бирларига бахтиёр тарзда созланмаган мамлакатлар ғоятда ночор ва ўз қатъиятларидан айрилиб қолгандирлар. Қатъиятсизлик эса бахтсизликнинг илк ва бош белгиси бўлади.

Кўкдан иноят бўлса, шундай инсон тақдирлари ҳам бўладики, улар ўз тақдирларинигина эмас, ўзга миллионларча тақдирларни ҳам саодат зиёси билан созлашга ҳисса қўшадилар. Ўзида юксак ахлоқий-маънавий, ақлий-азалий салоҳий сифатларни жамлаган йўлбошчиларгагина шундай тақдирсозлик белгиси муяссар бўлади.

Социализм энг олижаноб инсоний идеалларни шиор қилиб олган эди. Инсон фаровонлиги, дўстлик, тинчлик, нурафшонлик, халқ бахт-саодати ҳақида тинмай бонг уриларди. Неча-неча мурғак бўғинлар муттасил интизом билан шу ғоялар остида таълим оларди. Аслида эса шиорлар бошқа эдию амаллар бошқа эди. Аслида бу эртакларга ишонмаганлар тўхтовсиз шиддат ва шафқатсизлик билан маҳв этилар, халқлар ўз азалий ерларидан қувғин қилинар, оммавий қирғинга дучор бўлар, мамлакатлар босиб олинар ва қулга айлантирилар, уларнинг бор бойлиги тортиб олинар, мисли кўрилмаган ҳарбий машина қурилар, дунёга инсон қонидан заррача қўрқмайдиган, шиорларнинг қулига айлантирилган террорчилар тўхтовсиз жўнатилар, таланган бойликлар шу тубсиз машъум қора чоҳга тинимсиз тўкиларди.

Социал адолатни шиор қилиб олиб, социал адолатга риоя қилмаслик, ҳатто унинг яқинига ,ҳам йўламаслик ўтмиш тузумнинг мағзи-мағзигача сингдирилган, унинг яшаш ва фаолият кўрсатиш тарзига айланган эди.

Ҳолбуки, тузум қандай аталишидан қатъи назар, унда бош нарса — социал адолат реал бўлмас экан, у тузумда келажак йўқ.

Кейинги беш йил ичида бу ҳақиқатлар алданган халқлар ва алданган мамлакатларга маълум бўляпти.

Атрофи олижаноб шиорлар билан безалган ёвузлик машинаси тинимсиз ва мукаммал ишлаб турарди.

Тарих ва замоннинг ўйинини қарангки, тинимсиз уқториш — йилларча, ўн йилларча тўхтовсиз зўрлик билан уқториш оқибатида социализмнинг умуминсоний адолатига, тўғрироғи, шундай адолат ҳақидаги шиорларига ишонган ва тугал эътиқод қўйган авлод ҳам етишиб чиқди. Бу эътиқодли авлоднинг энг ақлли ва энг талантли сиймолари, Дубчек ибораси билан айтганда, социализмга инсоний тус бериш учун қаттиқ кураш олиб бордилар. Улар коммунистик тузумнинг ичдан мутлақо чириб бўлганлигини теран англар, шунинг учун ҳам, уни фақат инсонийлаштириш йўли билангина сақлаб қолиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Улар ўзлари эътиқод қўйган ғояларни ҳаётга сингдиришга, социалистик ғояларнинг қудратини амалда кўрсатишга зўр бериб уриндилар.

Социализмни инсонийлаштириш, унинг замиридаги социал адолатни тўла рўёбга чиқариш учун Шарқда курашганларнинг бири — Нуриддин Акрам ўғли Муҳиддинов эди. Социалистик тузум ўз бағридан шундай одамларни етиштириб чиқаргани — унинг ўзига хос бахти эди. Шундай одамларнинг беқиёс саъй-ҳаракатлари туфайлигина социалистик тузум Иккинчи жаҳон урушидан кейин яна узоқ йиллар ўзини сақлаб қололди.

Урушдан кейин Ўзбекистон жумҳурияти тепасига урушдан чиниқиб чиққанлар кела бошладилар. Улар урушдан кейинги илк йиллардаёқ халқ учун жуда катта ишларни қила олишларини кўрсатдилар. Улар урушдан ҳаётга беҳад ташна бўлиб қайтдилар, жойларда ишлаб, халқ ҳаётини тубини кўриб, билиб, унинг аҳволини яхшилаш, ўзгартириш учун бел боғладилар. Улар социализмнинг адолатига мутлақо ишонган ва унинг амалиётига тугал берилган кишилар эдилар.

Нуриддин Акрам ўғли Муҳиддинов мана шундай кайфиятда турли шаҳарларда партия мактабларида таҳсил олди. Теран билимлар унинг табиий йўлбошчилик салоҳиятини чархлади. Қорақалпоқда, Бухоро, Наманганда бир эмас, бир йўла бир неча ғоятда жиддий лавозимларда ишлади. У ғайрати, шижоати жўш урган йўлбошчи бўлиб етилди.

Раҳбарлар халқ ичидан кўплаб етилиб туради. Лекин йўлбошчи худди даҳо шоир ёки файласуф каби неча ўн йилликларда бир келади. Йўлбошчи халқни ўз юксак маънавий-ахлоқий, маданий-инсоний, маърифий даражасига кўтаради. Халқнинг ғурурини уйғотади. Халқни ўзига ишонтиради. Халқни бир ишга бел боғлашда қатъиятли қилади.

Ўтмишда туркийлар ичида Билга ҳоқон, Алп Тегин, Султон Маҳмуд, Чингизхон, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, унинг фарзандлари, Шайбонийхон, Абдуллахон ва энг янги замонларда Амир Умархон шундай йўлбошчи подшоҳ бўлган эдилар. Улар даврида мамлакатлар обод бўлди, илм-фан, маданият беқиёс ривож топди, туркий давлатлар жаҳоний шукуҳларига эга бўлдилар. Албатта, узоқ ўтмишда халққа йўлбошчилик қилган улуғ зотлар билан йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида коммунистик тузум бағридан етишиб чиққан раҳбарлар ўртасига тенглиг белгиси қўйишга ҳожат йўқ. Даврлар бошқа, одамлар бошқа. Мақсадлар бошқа. Омоллар бошқа. У мисолларни йўлбошчининг табиати ва моҳияти қандай бўлишини тушуниш учунгина келтиряпмиз. Раҳбар кўрсатиб ва раҳбарлик қилиб ўтиради. Йўлбошчи эса эргаштириб боради ва, боя айтганимдай, ўз юксак инсоний мавқеи даражасига халқни кўтаради. Шунда халқ, айтайлик, бир неча ўн йиллик йўлни жуда қисқа муддатда босиб ўтади.

ЛЕКИН УРУШДАН КЕЙИНГИ йилларда жумҳуриятларда етишган юксак иқтидорли кишиларга ҳақиқий маънода йўлбошчи бўлиш имконияти бормиди? — деган савол туғилади. Йўлбошчи бўлиш учун, одам ҳар қандай иқтидорга эга бўлмасин, у аввало ҳур бўлиши шарт. У иқтидор эгаларида шундай ҳурлик бор эдими? Улар ўз ихтиёрларига эга эдиларми?

Уларга мустақил фикрлаш, мустақил иш юритиш ҳуқуқи берилганмиди? Агар шу саволларга ижобий тасдиқ жавоби беролсаккина йўлбошчи раҳбар ҳақида гапиришимиз мумкин. Лекин ижобий жавоб бериш тарихчи учун жуда қийин. Ўзбекистонлик барча раҳбарларни амалда Москва танлар ва тайинларди. Ҳар бир миллий раҳбар атрофига Москва бир неча ўнлаб, балки минглаб турли назоратчилари ва кузатувчиларини жойлаштирарди. Кузатувчилар ҳар бир қадамни ҳисобга олар ва маълумотлар марказга зудлик билан оқиб борарди. Эллигинчи йилларнинг бошида Нуриддин Муҳиддинов Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг Раиси бўлди. Уни кўп ўтмай бу лавозимдан олдилар. Яна кўп ўтмай яна шу лавозимга тайинладилар. Нега бундай? У бирдан Берияга ёқмай қолди. Кузатувчилардан Берия қўлига тўхтовсиз маълумотлар бора бошлади. Раис маслаҳатлашмай иш қилмоқда. Ўз билганидан қолмаяпти. Миллий кадрларни атрофига тортяпти. Миллатчиларни ўз қаноти остига оляпти, ҳимоя қиляпти... Берия қанчалар дарғазаб бўлганини англаш мумкин. У Нуриддин Муҳиддиновни отишга қарор қилди. Бу ҳақда ҳужжат ҳам сақланиб қолган... Лекин кўп ўтмай Сталин ўлди. 53-йили Берия ҳам ишдан олинди, суд қилинди ва отилди. Хрушчевнинг эркинлик баҳори Нуриддин Муҳиддинов учун ҳам чинакам янгиланиш баҳори бўлди.

Нуриддин Муҳиддинов серфазилат инсон. Лекин барча фазилатлари ичида уч фазилати айниқса бўртиб туради: у ўта адолатли инсон, иккинчидан, у мустақил фикр кишиси, учинчидан, табиати, зуваласи том ғайратдан қорилган...

Нуриддин Муҳиддинов эллигинчи йилларнинг бошида Наманган партия ташкилотига етакчилик қилди. Шу пайтда жумҳурият фирқаси бюросига аъзо бўлди. Биринчи маротаба шунда махсус тузилган рўйхатларга дуч келди. У рўйхатларга ўша пайтдаги сара ўзбек зиёлиларининг исм-шарифлари қайд этилган эди. Уларни тамомила йўқотиш мўлжалланар эди. Жданов, Ильичевларнинг кўрсатмалари қутурар эди. Миллий маданиятга қарши аёвсиз ҳужум бошланган эди. Шундай рўйхатларнинг бирида олтмиш зиёлининг номи кўрсатилган, улар орасида Ойдин, Ҳабиб Абдулла, Абдулла Қаҳҳорларнинг номлари бор эди. Ўшанда балки илк бора урушдан қайтган жанговар инсон кўнглида социализмни инсоний қиёфага келтириш фикри қай бир тарздадир туғилгандир. Ҳар қалай Нуриддин Муҳиддинов миллий зиёлиларни сақлаш, миллий маданиятни асраб қолиш учун бутун етакчилик иқтидорини сафарбар қилди.

— Ўша пайтда зиёлилар учга бўлиниб кетдилар, — деб ҳикоя қилади Нуриддин Муҳиддинов (мен эса шу асно ичимда «бундай бўлиниш ҳозир ҳам давом этяпти ва у қандай бўлмасин, яхшилик оқибати эмас», деб кўнглимдан ўтказдим). — Бир гуруҳ Европа санъатини — опера, симфоник музика, хор қўшиқчилигини ёқлар, иккинчи гуруҳ миллий санъатгина яшашга ҳақли деб чиқар, учинчи гуруҳ эса, ўртада туриб, гоҳ у томонни, гоҳ бу томонни тезлар эди...

Назаримда, Европа санъат турларини миллий санъатга қарама-қарши қўйиш нотўғри йўл эди ва умуман, беҳосил эди бу йўл. Жаҳон санъатини ўрганмай, билмай сира иложи йўқ. Шу билан бирга миллий санъатни ҳам жаҳонга олиб чиқиш керак. Ўша пайтда мени миллий санъатни ҳимоя қиляпти деб, кескин ва оғир тортишувлар бўлди. Лекин барибир кадрларни сақлаб қолдик. Европа санъати билан миллий классик санъатимизнинг уйғун ўсиши йўлини танладик. Санъатда фақат миллий фолклор қобиғида қолиб кетиш жуда ҳам ёмон оқибатларга олиб келади. Мен ўзим ўша пайтларни ўйлаб, тўғри қилган эканмиз дейман. Биринчидан, янги қамашларнинг олдини олдик. Иккинчидан, янги санъатларга муносабатлар ўзгарди. Миллий санъатимиз бойиб борди.

Классик адабий меросимиз, классик музика санъатимизга муносабатнинг кескин ижобий томонга ўзгаришида, «Ўзбек адабиёти антологияси», «Шашмақом», «Бобурнома»ларнинг ва пича кейинроқ Қодирий, Усмон Носир, Фитрат асарларининг нашр этилиши, бошқа яна кўп ўша даврнинг йирик маданий ҳодисаларида Нуриддин Муҳиддинов ўз олижаноб улушини қўшди.

Биз бу ерда фақат қирқинчи йилларнинг охири ва эллигинчи йилларнинг бошини эслаяпмиз. Нуриддин Муҳиддиновнинг етакчи сифатидаги дастлабки қадамлари... Мен Нуриддин ака Наманганда раҳбар бўлиб турганда амалга оширилган ишлар билан қизиқаман. Жангдан тинч ҳаётга ташна бўлиб чиққан ўттиз яшар жўшқин йигит нималар қилди экан дейман... Ўша йиллари Наманганда Ўрта Осиёда ягона Ўрта Тўқай сув омбори қуриб тугалланди. Ажойиб Чуст канали ишга туширилди. Нуриддин ака мутахассислар билан отда Қамчи довонидан ўтди. Тошкентдан Фарғона водийсига энг қисқа Қамчи довони йўли очилди. Намангандан Тошкентга машинада бу йўлдан биринчи бўлиб ўтган ҳам Муҳиддинов бўлди. Наманганда хотин-қизлар учун фабрикалар, болалар учун анчагина янги мактаблар қурилди. Ўшанда Нуриддин Муҳиддинов Яҳё Ғулом, Иброҳим Мўмин, Манделштам сингари йирик олимлар билан маслаҳатлашиб, Машраб, Бобур, Нодим сингари адиб ва шоирларнинг меросини ўрганиш ва нашр этишга катта тайёргарлик бошланди.

— Биринчи маротаба «Бобурнома»ни ҳам Наманганда ўқидим, — деб табассум билан ҳикоя қилади Нуриддин Муҳиддинов. — Наманган, Бухоро, Қорақалпоқ кишилари менга устоз бўлганлар. Мен улардан бир умрга миннатдорман...

Шунда Нуриддин ака эллигинчи йил бошида Сталин ҳузурида бўлгани ва у билан ўрталарида Мирзачўл ҳақида гап очилганини эслади. Ўшанда у Марказ учун Мирзачўл ҳақида батафсил маълумотнома тайёрлаб киритган, бу улуғ сарзаминнинг урушдан кейинги истиқболи учун замин ҳозирланган эди.

— Сиз мана шу ерда тўхтанг, — дедилар Нуриддин ака бу суҳбатимизга якун ясаб.— Хиванинг 2500 йиллиғини байрам қилмоқчимиз. Тайёргарлик кўряпмиз. Эртага Хивага жўнашим керак. Суҳбатни келгач, давом эттирамиз...

НУРИДДИН МУҲИДДИНОВ тақдирига мингларча турфа одамларнинг тақдир иплари, мамлакат ва чет элларда рўй берган юзларча воқеаларнинг тарихи келиб туташган. Бу жуда катта тарих. Ёзаверган билан адо қилиб бўлмайди. Қорақўзларнинг тарихи — туганмас тарих...

Иброҳим ҒАФУР

СУРАТДА: Нуриддин Муҳиддинов ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида.
С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ

УРУШНИ ТУГАТГАН ЙИГИТ

1992 ЙИЛНИНГ ЖАЗИРАМА кунларидан бири эди. Тошкент марказида жойлашган Федорович деб аталадиган шифохона дарвозасидан кириб бордим. Шинамгина ҳовлидан кичкина йўлак орқали асосий иморат сари қадам ташлар эканман, устига тахта беркитилган чўян ўтиргичда суҳбатлашиб ўтирган оқ кийимли икки кишига кўзим тушди. Кўзим яхши англайвермагани учун мен истаган одам шулардан бири эмасмикан, деб юришимни секинлаштирдим. Дарҳақиқат бироз яқинлашганимдан кейин улардан бири ҳиёл ўрнидан қўзғалиб, не келинг, деб мени ўтиргич томон таклиф қилди. Биз қалин кўришиб сўрашгандан кейин, ҳали гаплашамиз маъносида менга бир назар ташлаб олди-да, бўлаётган суҳбатни давом эттиражагини билдирди. Мен бунга рози эдим, албатта. Бу одам Нуриддин Акрамович Муҳиддинов бўлиб, ёнидаги ўрта ёшлардаги тўладан келган қорамағиз ва пишиқ йигит, уни кўришга келган қариндошларидан бири бўлса керак, деб чамаладим. Йигит унинг сўзларини қизиқиш билан эшитишга тайёр ўтирарди. Нуриддин Акрамович бир оёғининг тиззасидан пастини силагандек бўлиб ўнг қўлини пастга туширди ва менга яна бир назар ташлади. Гап шу оёқ тўғрисида бораётганини билдирмоқчи бўлганини англадим.

— Биз суҳбатни энди бошлаган эдик, сиз ҳам эшитиб олинг, менинг танамдаги уруш тамғаларидан бири, — деди-да, сиз ҳам жангчисиз биласиз бу хил воқеаларни, деб қўшиб ҳам қўйди.

Мен ҳам бу суҳбатга қизиқаётганимни билиб, Нуриддин Акрамович қўли билан бир оёғининг тизза атрофларини силашда давом этиб, суҳбатни бошлади.

— Биз 4—5 нафар офицерлар дивизия штабига чақирилган эдик. Дивизия штаби эса Сталинграднинг марказидаги мустаҳкам иморатларнинг ер тагидаги қатламида жойлашган эди. Бизни навбатма-навбат ичкарига чақиришарди. Ниҳоят навбат менга етди. Бетон зина орқали мен пастга тушдим. Таклиф билан хонага кирдим. Мен кириб борган хона анча кенг бўлиб, унинг шарқи, яъни душманга тескари томонидан кичкина даричадан ёруғлик тушиб турарди. Бўлаётган гапларни ёзиб ўтирган мирза олдига қўйилган гилза чироқдан фойдаланарди. Дивизия сиёсий раҳбари бошқараётган комитет мажлиси партияга янги аъзоларини шу ерда қабул қилаётган эди. Биз, офицерлар, партиянинг устав ва программаларини обдон ўрганган эдик. Бироқ савол ҳам кўп бўлмади. Ҳаммамизнинг жавобимиз битта эди: урушни қойил қиламиз, душманни йўқ қиламиз!

Мен кўрикдан ўтиб чиқканимда эшик олдида мендан олдин кириб чиққан офицер дўстларим бир-бирларига нималарнидир гапириб, шўх чақ-чақлашиб турган эдилар. Мен уларга бориб қўшилган ҳам эдимки, қандайдир кучли зарб, чангтўзон кўтарилиб қулоқларим тиқилганини сездим. Кўзларим ҳеч нарса кўрмас, ўзим ҳам нима бўлганини англамасдим. Бир маҳал ўзимни бошқа бир ҳолатда эканимни англагандек бўлдим. Ётган ҳолатда қаёққадир силжийман, гоҳ қандайдир текисликдан кетаётгандек бўлсам, гоҳ мени элтаётган куч устимга тушиб кетади мен ҳавода қалқийман, кейин пастга тушиб нимагадир урилгандек бўламан-да, яна ҳушимни йўқотаман. Бироздан кейин яна кўзим очилгандек бўлади-да, қандайдир икки девор орасида ётиб йўл босаётганимни англайман. Бу ҳол ҳам кўпга бормайди. Қанча вақт ўтганини билмайман, яна ўзимни икки девор орасида ҳаракатланаётгандек ҳис қиламан. Яна бир кўзимни очганимда юк машинасида кетаётганимни сездим. Икки девор бўлиб кўринган нарса юк машинасининг икки ён тахталари эканини англадим. Бир маҳал ёнимда ўтирган одамга кўзим тушди. Қарасам, ўзимизнинг старшина. У нималарнидир дер, аммо гапларини тўла англай олмасдим. Бора-бора ёта бер, тез етиб оламиз, деган сўзлари қулоғимга чалинди. У менинг юз-кўзларимда савол ишорасини сезди, шекилли:

— Ўртоқларинг нобуд бўлишди... Сен ярадорсан, — деган сўзларни эшитдим.

Аъзоларимни текшириб кўрмоқчи бўлдим. Қўлларим жойида эканини англадим. Бошим ҳам омон. Оёқларимни қимирлатдим. Бир оёғим жойида экан, деган хулосага келдим. Иккинчи оёғимни ҳаракатга келтира олмадим, ҳар бир уринишим чидаб бўлмайдиган даражадаги оғриққа сабаб бўларди.

Машина ғалт-ғулт қилиб йўл босар, ердаги ҳар бир нотекислик бутун баданимга оғриқ бериб яна ҳеч нарса эшитмаган ва кўрмаган ҳолатга тушар эдим.

Кўзимни бир очиб ўзимни ҳаракатда эмас тинч, нотаниш жойда ётганимни англадим. Катта чодир ичи кўз олдимда гавдаланди. Атрофдан оҳ-воҳ ва инграган овозлар эшитилди. Толиққан бошимни бироз бурган эдим оқ халатлик кишиларга кўзим тушди. Улар чодир ўртасига ўрнатилган буржуйка олдида калта ғўла ўтиргичда бафуржа жойлашиб олган одамга мурожаат қилиб нималарнидир маслаҳатлашаётгандек кўринди. Буржуйка олдида ўтирган гавдадор одам елкасига шинелини ташлаб олган бўлиб, унинг ёқаларида полковник белгилари кўриниб турарди, бошида эса кулранг олд томонига беш юлдуз қадалган барра терисидан тикилган чўзиқ папахи яна ҳам савлатдор қилиб кўрсатар эди.

— Янги келган ярадорларни кўриб қўйинг, ўртоқ полковник, — деб мурожаат қилди унга оқ халат кийганлардан бири.

Полковник бир нима демасдан ёқар-ёқмас ўрнидан турди. Тўрроқда жойлашган ярадорлардан иккитаучтасини кўрди-да, менинг олдимга келди. Бунгача оқ халатлилардан бири қотиб улгурган оқ латталарни оёғимдан ечган эди. Полковник олдимга келди-да, менга назар ҳам ташламасдан ярадор оёғимни пайпаслади. Унинг чайир қўллари оёғимга текканда оғриқ кучайиб терига ўралган суяклар бир-бирларига тегиб ғижирлагандек бўлди. Кейин менга бепарво нигоҳини ташлади-да:

— Йигитча урушни тугатибди, кесиладн! — деди. У бу ҳукмни шу даражада бамайлихотир гапирдики, гўё кимгадир фалон дарахтнинг у ёки бу шохини кесиб ташлаш керак, деяётгандек эди.

Шу заҳоти чақмоқ тезлигида бир фикр хаёлимдан ўтди: бу оғриқлардан кўра бир оёқ билан қолганим ҳам маъқул, амаллаб куним ўтар... Аммо бу фикр қандай тез келган бўлса, шундайига тез ўтиб кетди. Унинг ўрнига бошқа ваҳимали ўйлар кела бошлади.

Чўнтиқ — тиззадан кесилган бир оёғимни осилтириб қўлтиқ таёқда элимга қайтаман. Кўча болалари ана Нуриддин акам келаяпти деб қий-чув бўлиб олдимга чопиб чиқишади. Улар ўзимдан кўра қўлтиқ таёғимга қараб ҳайратланишади. Улар албатта қўлтиқ таёқли бошқа ногиронларни ҳам кўришган. Бироқ мени бу аҳволда биринчи гал кўраётган бўлишади. Болалар ичидан кимлардир уйга чопиб кетишади. Отам, онам чопиб кўчага чиқишади. Биринчи бўлиб онам «вой, болагинамай» деб, менга ташланади. У дарров мени бағрига босади. Мен эса йиқилиб-уч ойдан кейин юриб кетасан, сени эртага орқа томондаги госпиталга жўнатишади, — деди.

Оиласини эслаб профессорнинг дарди қўзғалганини англадим, мен ўшанда. Дардни яна қўзғамаслик учун бўлса керак эртасига жўнаб кетиш олдида у менга кўринмади. Фақат бошқа шифокорлар орқали мен ундан бениҳоя миннатдор бўлиб кетаётганимни билдирдим. Санчаст ходимларидан унинг исми-шарифини билиб олдим.

— Мана сизларга бу оёқнинг тарихи, — деди-да қўлини тиззасидан пастга туширди ва гапини давом эттирди, — эллик йил бўляптики, бу оёқ яхши хизмат қилди. Фақат кейинги йилларда оғрийди, хусусан об-ҳаво нам кунлари шундай оғрийдики, замбарак ўқининг учмаси билан парчаланган суякларим яна қайта парчаланаётгандек сезилади менга. Мана, ўша оғриқларни бироз камайтирармиканман деб шу жойларга келиб ўтирибман, — деб олдимиздаги уч қаватли иморатга ишора қилди.

Шу билан гап ниҳоясига етган эди. Бироқ Нуриддин Акрамовичнинг оқибатли одам эканлигини яхши билсам ҳам бир нарсани сўраб олиш истаги пайдо бўлди менда.

— У одам билан қайта учрашмадингизми? — дедим профессорни назарда тутиб.

— Йўқ! — деб жавоб қилди Нуриддин Муҳиддинов. — Кейин, юртга келиб лекторликни астойдил бўйнимга олдим. Марказкомда лектор бўлиб ишладим, кўп раҳбарий ишларга сайландим... Бир гал Усмон Юсуповдан махсус рухсат олиб Қаршига бордим. Кўп изланишлар натижасида профессорнинг оиласини топдим, кўлимдан келган ёрдамни бердим, — деди-да, э, буларнинг кўп ҳам аҳамияти йўқ, дегандек ўтирғичнинг орқа суянчиғига осилиб турган ўнг қўлини сезилар-сезилмас силтаб қўйи.

СУҲБАТ ҲАР ҚАНЧА МАРОҚЛИ бўлмасин, унинг ниҳояси бор. Анча вақтдан кейин мен хайр-маъзур қилдим. Нуриддин Акрамович мени бироз кузатиб қўйди. Ўшанда англадимки, у ярадор оёғини қийналиброқ босарди. Мен у кишига қараб, фронт майдонларида ўзимнинг бошимга тушган оғир машаққатли кунларни эсладим. Ва шифохонадан ўзимни унга яна-да яқинроқ ҳис қилган ҳолда чиқиб кетдим.

Профессорнинг ҳукми мени қувонтирган бўлса ҳам оғриқ азобидан яна мажолсизландим. Қисқа муддат ўзимдан кетдим.

Нуриддин Акрамовичнинг тўхтамасдан соатлаб маъруза қилганларини, бу жиҳатдан уни тенги йўқ нотиқ эканлигини яхши билардим. Аммо шахсий суҳбатларда ҳам гапнинг керак жойига урғу бериб, тутилмасдан, сўзлар оқимида адашмасдан фикр баён қилишига яна бир гал қойил қолиб унинг сўзларини берилиб эшитардим.

— Нуриддин Акрамович, — деб уни бир лаҳза гаплдан тўхтатдим. — Кечирасиз, мен ҳам урушда ярадор бўлганман, ярадор бўлганларни ҳам кўп кўрганман. Аммо бу тафсилотлар 50 йилдан кейин ҳам худди кечаги воқеалардек эсингизда сақланганига ҳайратланяпман.

У менинг сўзларимни эътибор билан эшитди-да:

— Аввало, ёдни менга худо берган, қолаверса, ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уларнинг тафсилоти бир умр ёддан чиқмайди. Ҳикоя қилаётган воқеа эса шу хилдаги ҳодисалардан биридир, — деди.

Мен ҳикоянинг давомини эшитишни истаганимни билдирдим. У менга кўз ташлаб олди-да, ҳикояни давом қилдирди.

— Ён томонимда терилган жарроҳ асбоблари йиғиб олинди. Профессор ишга тушди. У икки қўли билан яраланган оёғимни бир қатор пайпаслаб чиқди. Оғриқ натижасида онгим тўла ўзимда бўлмаса ҳам, қўлларнинг суяк нуқталарини моҳирона топаётганини сезардим. Энди ўйласам, унинг ҳаракатлари дутор пардалари узра қўл югуртаётган созанданинг ишига ўхшаркан. Ҳатто у замбарак ўқининг учмаси зарби билан бўлиниб, жойини ўзгартирган суяк бўлакларини ҳам излаб топарди. Қандайдир ўзига хос бир йўллар билан уларни жойига келтирар эди. Мен оғриққа чидаш бера олмасдан ингрардим. Профессор эса бирор нарса демас, фақат унинг ёнида турган шифокор: чида болам, чида, деган сўзларни тез-тез такрорларди. Кимдир оқ дока билан юзларимдан бодраб чиқаётган терларни артар, менга далда бўлсин, деб бўлса керак, бошимни қўллари билан оҳиста ушлаб турарди.

Анча вақтлардан кейин профессор:

— Бўлди! — деди. Бу сўзларни ҳам оғриқ натижасида ғира-шира эшитдим.

Шу заҳоти ёнимда турган дўхтиру ҳамширалар оёғимга ҳар хил дори-дармонларни ёпиб, қандайдир темир ва ёғочлардан ясалган мосламаларни маҳкам боғладилар. Кўп ўтмай мен ўзимни жарроҳликдан чиққан касаллар ётадиган чодирда кўрдим.

Иккинчи кун бўлса керак, бир неча оқ халатли шифокорларни бошлаб профессор кириб келди. Баъзи беморларни кўздан ўтказгач, менинг олдимда тўхтади.

— Қалай, лектор йигит? — деди ва гапини давом қилдириб, — сен ўзбек бўлсанг керак-а, — деб қолди. Мадорсизликданми ё тортинганимданми, ҳа деб жавоб бера олмадим-да бошимни қимирлатиб қўяқолдим.

— Булар пахта етиштиришади. Кўп пахта беради мамлакатга. Мана шу устимиздаги оқ халатлар ҳам пахтадан бўлади, — деб атрофдаги ҳамшира ва дўхтирларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Улар ҳам гўё бу гапни энди англаб олаётгандек: шундай ўртоқ профессор, шундай , дейишди қарийб ҳаммаси баробарига.

Бу ҳол менда катта ички ғурур уйғотди. Бўйи ўсиб қолишини орзу қилган бола кунларнинг бирида бир неча сантиметр ўсганини англаб хурсанд бўлгани ҳолатида эдим мен ўша пайт.

Яна бир-икки кундан кейин профессор Ўзбекистонга тегишли яна нимадир деди. Бу одамнинг Ўзбекистонга қандайдир алоқаси бўлса керак дедим-да, таваккал қилиб:

— Мабодо, сиз ҳам ўзбекистонлик эмасмисиз? — деб сўраганимни билмай қолдим.

— Йўқ, — қатъий жавоб берди у. Бироқ унинг кайфиятида қандайдир ўзгариш бўлаётганини сездим. У кўзларини бефарқлик билан гоҳ менга ташлар, гоҳ чодирнинг бир томонига қараб ниманидир излаётган одам ҳолатида кўринди менга. Назаримда, у бир тўхтамга келди шекилли.

— Ўзбекистонда менинг болаларим бор. Хотиним болаларим билан ўша ёққа кўчирилган. Қарши деган шаҳар бор экан. Улар ўша шаҳарда туради. Мен Киев университети жарроҳлар кафедрасининг мудири эдим. Энди эса оёқ-қўл кесиш, суяк тўғрилаш билан банд бўлиб юрибман. Ҳа, бунинг ҳам кўп аҳамияти йўқ, — деди-да эшик томон бурилди. Бурила туриб: иккиқатлар. Масалан, анализ — таҳлил, анализ; аппликация — қоплаш, аппликация; аритмия — ритмнинг бузилиши, аритмия. Шифохоналардаги барча ишлар ўзбек тилига ўтказила бошлаган ҳозирги кунда бу терминларнинг юқоридагидек берилиши мақсадга мувофиқдир.

Айрим терминларнинг ўзбекча муқобили луғатшуносликда биринчи марта дадил ишлатилган. Мисол учун, «аптечка» сўзи илгари чоп этилган луғатларда айнан шундай бериларди. Тузувчилар аптечка сўзини «дори қути» тарзида олиб тўғри қилишган. Луғатдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тиббий атамалар русча-ўзбекча мўъжаз луғати нашр этилиши муносабати билан бошқа бир масалага эътиборни тортмоқчиман. Жумҳуриятимиздаги тиббиёт муассасаларида рус тилида сўзлашувчи кўпгина ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Улар учун бу мўъжаз луғат ўзбек тилини ўрганишда ўзига хос рол ўйнайди. Бунинг устига жумҳуриятда тўрт юз мингга яқин тиббиёт ходимлари, эллик мингдан ортиқ тиббиёт илм-толиблари мавжудлиги ҳисобга олинса, жуда кам (50 минг) нусхада нашр этилган.

К. УМАРОВ

* Луғатни тузувчилар: А. Усмонхўжаев, О. Нажмиддинов, М. Муродова, Ўзбекистон ФА академиги Е. Тўрақулов таҳрири остида. «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент, 1992 йил

ТИББИЙ ЛУҒАТ

«Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси яна бир саваб ишга қўл урди: тиббиёт ходимлари учун «Тиббий атамалар русча-ўзбекча луғатини»* чоп этди. Луғатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитаси тасдиқлаган. Шу боисдан кўпгина терминларнинг халқ орасида кенг тарқалган, эски табобатимизда мавжуд бўлган энг мақбул муқобиллари келтирилган. Луғат тузувчилар кўпгина касалликларнинг, одам танаси аъзоларининг, баъзи дори-дармон ўсимликларининг номларини буюк ҳаким Ибн Сино ишлатган терминлар асосида олганлар.

Маълумки, тиббиётда байналмилал сўзлар ниҳоятда кўп. Уларнинг эски ўзбек тилидаги муқобиллари берилиши жуда тўғри иш бўлган. Чунки тилимизга, сўзлашув маданиятимизга ниҳоятда сингиб кетган сўзларни зўрлаб чиқариб ташлаб бўлмайди.

Шунингдек, тузувчилар маълум терминларни бир ёки икки сўз билан олиб тўғри йўл тутганлар.



КУЛОЛ РИВОЯТИНИ ТИНГЛАБ...

Ғурумсаройлик кулол Мақсудали Туробов билан кулолчилик ҳақида суҳбатлашганимда, у гапни ривоятдан бошлади:

— Қадим замонда, Бухорои шарифда Баҳовуддин исмли бир кулол яшаркан. Унинг ўзи қурган хумдони бўлиб, лойдан идишлар ясаб, пиширишга ҳаракат қилибди. Хумдони қизишига оз қолганда ўтини тугаб қолибди. Шунда у иссиқ пасайиб кетмасин деб, дарров бошидаги дўпписини ташлабди. У ҳам ёниб бўлгач, сира ўйланиб ўтирмай, эгнидаги тўнини ўтга қалабди. Ловуллаб ёнаётган тўн алангасидан хумдони росмана қизибди. Лой идишлари сополга айланиб, нақшлари кўринриб, кўзни қамаштиргудек, чертса ёқимли садо берадиган даражада ниҳоятда нафис, киши томоша қилиб тўймайдиган буюмлар пайдо бўлибди. Шундай ажойиб рўзғорбоп сопол идишлардан мамнун бўлган халқ унинг сир-асрорларини билиб, санъатига тан бериб: «Девонаи пири Баҳовуддин Меҳри Кулол» деб атайдиган бўлибди. Шогирдлари ҳам кунданкунга кўпайибди. Шу-шу қайси кулол бўлмасин, ишни бошлашдан олдин «Ё, пири Баҳовуддин Меҳри Кулол» деб, уни ёдга олса, иши юришиб кетаркан. Ҳа, ука, бир касбга меҳр билан ёндашилмас экан, иш кўнгилдагидек чиқмайди, бошқаларга ҳам ёқмайди. Кимда меҳр, сабр, ҳаракат бўлса, омад шуники.

— Кулолчиликка қандай қизиқиб қолгансиз?

— Лўндагина жавоб беришга қўяқолсам тушуниш қийинроқ бўлса керак. Инсон пайдо бўлибдики, кулолчилик касбини ардоқлаб, лойдан турмушга керакли буюмларни ясаб келган. Одам заминдан яралиб, шунга меҳр қўйиб келгани учун асрлардан бери беминнат тупроғимиз бир коримизга яраб, кўнглимизни хотиржам, тўқ тутаётганига шукр дейлик. Қаерни қазиманг, албатта, сопол идишлар қолдиқлари чиқаверади. Файласуф шоир Умар Хайём биз кулоллар ишини кузатиб, рубоийлар ёзгани бежиз эмас. Парвардигор гуноҳимизни кечирсин. Лойдан чиқмаймиз: қориштирамиз, оёқ билан тепамиз, қўл билан муштлаймиз, пишитамиз. Идишлар ясаб, ҳатто хумдон яллиғида қиздириб, сополга айлантирамиз. Эҳ-ҳе, нафақат тупроқнинг ўзи, барча нарса, инсонлар хоки ҳам шунга аралашиб кетгани рост. Шунинг учун сопол буюмда таом емоқликни савоб дейдилар, ука.

Энди саволнинг ўзига жавоб берсам, кулолчилик ота-боболаримиздан қолган мерос. Боболаримиз Отажон товоқчи, Сотим товоқчи, отам Туроб товоқчи, укалари Ҳакимбой товоқчи, бизга қариндошлиги бор Кенжа товоқчи эса фарзандларидан кулол чиқмагач, Ғурумсарой қишлоғимиздан Маҳмуджон товоқчи Раҳимовни тарбиялаган экан. Отамдан машҳур кулоллар Сотти товоқчи, Райим товоқчилар кулолчилик сир-асрорларини ўрганишган. Попда машҳур Умар товоқчи бор эдию, унинг фарзандлари ота касбига қизиқишмади. Эл-юртга танилган Ҳаким товоқчининг ўғли Ҳайитбойга келсак, ота касбини тузуккина эгаллаб олганда, кўз тегдими ё шароит оғирлигиданми, кулолчиликни ташлаб юборди.

Ўзим ҳақимда гапирсам, эсимни таниганимдан кулолчиликни кўриб, қўлимдан келганча отамнинг ишларига қарашиб юриб, шу касбга қизиқиб қолдим. Айниқса, 1941—1945 йиллардаги оғир кунларда отам менинг кўмагимдан ҳурсанд бўлгандилар. Ўн-ўн икки ёшимда боболаримизнинг севимли касбларини тўла ўрганиб олгандим. Шу билан тириқчилик қилардик. У пайтлари пахта билан ўйнашиб бўлмасди. Миршаблар қимирлаган жонни хўжалик бошлиқлари иштирокида уймаўй юриб ишга ҳайдашарди. Лекин оладиган ҳақимиз жуда оз бўлганидан ҳужрадаги кичик устахонамда оёқ билан айлантирадиган чархда лойдан идишлар ясаб, ярим тунда, ҳамма ухлаган палласи хумдонда пиширардим. Пишиб етилгач, буюртмачиларга тарқатиб, қолганини бозорда сотардим. Ўша кезлари сополдан ясалган рўзғор идишларига талаб кучли эди. Ҳаётимдан бир шингилини айтиб бера қолай.

— Марҳамат.

— Шундай бир воқеа бўлганди.

Тунда, ҳар эҳтимолга кўра, кулолчилик устахонаси эшигини ичидан тамбалаб, иш билан банд бўлиб ўтирсам, ташқаридан оёқ товушлари эшитилди. Эшикни кимдир тортиб, қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. Очсам, қишлоқ совети раиси, миршаб, жамоа хўжалиги раҳбарлари хонамга кириб келишиб, «Ўҳ-ўҳ, Туроб товоқчининг ўғли Мақсудали ёш бўлсаям бало-ку. Ясаган идишларини қарзнглар», деб лой идишларимни томоша қилишар, ҳайратдан бошларини чайқаб қўйишарди. Бироздан сўнг: «Ҳа, майли. Далада ишлаяпсан. Бу касбни ҳам давом эттиравер, ҳали ёшсан. Бу касбинг ишларимизга халақит берадиган бўлса... Тушунарлидир буёғи», — деди раис хўмрайиб кетиш олдидан.

Улар ёшлигимни ўйлашганди. Йигит бўлиб кучга тўлганимда, мени қурилиш ишларига бошлиқ қилиб тайинлаб, йигирма йилча тинмай ишлатишди. Ҳатто тунларимдаям ором йўқ эди. Дам олиш куни бўлмасди. Кулолчиликка қизиқиб қолганимданми, кўп бўлмаса-да, оз-оздан буюртмачиларга сопол идишлар ясаб беришга вақт топардим. Чарчаш қайда, кулоллик касби билан шуғулласам, бошқа юмушларда чарчаганларим тарқалиб, тобора бардам, яхши кайфиятда юрардим.

Инсон қадр-қиммати ва миллий маданият учун кураш йиллари мустақиллик шабадаси кулолчиликка ҳам эсиши руҳимизни енгил тортқизди. Янги кулолчилик корхонамизга анча ёш, ғайратли йигит Муҳиддин Жўраев бошчилик қилмоқда. Мен эса шу касбга ихлос қўйиб келган ўттиз чоғли ёшларга кулолчилик сирларини ўргатаяпман. Деярли ҳаммаларининг қўлидан бемалол сопол идишлар ясаш, пиширишни келиб қолди. Етти фарзандим — тўрт ўғил, уч қизим бор. Уйли-жойли бўлишган. Ўттиздан ошиқ неварам орасида кулолчиликка қизиқадиганлари топилади.

— Кулолчиликнинг ҳали кўпчилик билмаган сир-асрорлари бор. Мумкин бўлса шу ҳақда сўзласангиз.

— Ҳар жойнинг ўзига хос кулолчилиги бор. Тупроғи бир бўлгани билан лойи, нақши, ишлаш услуби фарқ қилади. Ҳозирча узоқни қўя турайлик. Кўплар Риштон лойини мақташади. Ёмонмас-у, лекин тузи, оҳаги кўп, шулар идиш сифатини бузади. Ғурумсаройники эса асл. Кулолчилик санъатига мос. Ювилиб тозаланган, соз тупроқ. Лойни тепадан эмас, пастликдан, сув тинмай оққан, ювган, уюм-уюм тупроқ ҳосил қилган жойдан оламиз. Безатиш учун асосан оқ тош билан ишқор ишлатилади. Самарқанд, Бухоро ёдгорликларидаги гумбаз бўёқлари ана шунақа рангли ишқор. Ишқор — бу ўсимлик. Сентябр, октябр ойларида пишади. Куйдириб кулини лой идишларига қўшилса, ранг ҳосил бўлади. Тегирмонда тортиб, унидан идишларга берилса кўм-кўк, ҳаво ранг чиқади. Кейин майдаланган оқ тош қўшилиб, ишқор рангли лой идишлар сувга чайилиб, хумдонга таглик қўйиб, иссиқ ўтадиган даражада тахлаб чиқилади. Хумдон секин-аста қиздирилади. Ўн соатча ўтин-чўп ёқилади. Шу ранглар суюлиб, пишиб ялтираб минг даража иссиқда сопол буюм тайёр бўлади. Мис, мағал қора бўёқ, лойжува (сапсар бўёқ) — мана шу уч хил бўёқ юқори ҳароратга чидайди.

Тошкентга борганимда кулолчилик корхонаси усталари билан суҳбатлашиб, раҳматлик Муҳиддин Раҳимов ва бошқаларни ғурумсаройликлар кулолчилиги сирларидан хабардор этиб, оқ тош, ишқордан фойдаланишни маслаҳат бериб, амалда кўрсатгандим. Бу услубимиз пухта бўлиб, ранглар иссиқ ва совуқда сира ўзгармайди. Айтишларига қараганда, шарқимизнинг машҳур мусаввири, наққоши, меъмори Моний ижод қилишда мен айтган қўлбола ранглардан унумли лойдаланган экан.

— Биз доим хумдонлар ҳақида гапирамиз-у, кўплар уни кўрмаган. Борлари ҳам замонавий, газга мосланган. Кейин чарх ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Чархдан бошлай қолай. Бу босқични оёқ билан айлантириб, лойни чархга қўйиб идиш ясаш жараёнидир. Энг қийини шу ҳисобланади. Идишлар шундоқ қина қўлда ҳосил бўлмай, турли хил қолиплардан фойдаланилади. Қишда бошқа ишлар билан банд бўлиб, кўпроқ ёзда ишласак, зах деганидан қутуламиз. Энди хумдон ҳақида гапирсам, у жуда оддий. Бир эмас, кулолнинг бир нечта хумдони бўлади. Гоҳ баравар, гоҳ галма-галдан ишлатаверади. Бир ярим метрлик чуқурликда, тўрт тарафи бирдек ўлчамда ер кавланиб, тепасининг тўрт бурчагида тутун чиқадиган мўркони бўлади. Паст тарафида ўт ёқадиган, ҳаво кириб турадиган жойлари ишлаб чиқилади. Ўтни тутун чиқишига қараб (илгарилари янтоқ, туяқорин, эвалак, қибрай каби дала ўтлари, саксовул ўтинигача) ёқилган. Хумдон тез қизиб кетса бўлмайди. Секин-аста қиздириб борилса, худди тандир оқаргандай оппоқ бўлиб, унинг айланасидаги идишларнинг нақшлари кўзга ташланиб, кишига завқ беради. Ҳозирги хумдонлар бошқачароқ. Чарх электр токида айлантирилиб, хумдон газда қиздирилаяпти. Булар кулолчилик ишини енгиллатгани билан, сопол буюмлар олдингиларидек пухта, жарангдор эмас. Шунинг учун тез-тез синиб, камайиб, нархи ошиб бораяпти. Кўпгина кулолчилик корхоналарида майдаланган оқ тош, ишқор ишлатилмай, оддийгина, ташқи томони нақшланган чиройли идишлар ясалаяпти...

Ғурумсаройликларда кулол эмас, «товоқчи» деб аташ одат тусига кирган экан. Товоқни таом учун муқаддас ҳисоблаб, шунинг учун кулолни ҳурмат қилиб «товоқчи» дейишларининг боиси шундан экан. Туроб товоқчининг ўғли кулол Мақсудалининг ишлари собиқ совет даврида иттифоқдош республикалар ва Польша, Ҳиндистон, Япония каби ўндан ошиқ чет эл мамлакатларида намойиш этилган.

Кулол Мақсудали Туробов суҳбат сўнгида ўзбек кулолчилигига эътибор ҳамон сустлиги ҳақида куюниб, кулоллар пири Баҳовуддин Меҳри Кулолни яна эслаб: «Миллий маданиятимиз тараққиётига қайғурмоқ, касбимизга шу кулолдек меҳр билан ёндашмоқ керак», деб қўйди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Санъатшунослик институти илмий ходими



Уста Шокир ишларидан намуналар.

Қундуз МИРКАРИМОВА

УСТОЗ КЎРГАН РАҚҚОС

БИЗНИ АЖОЙИБ РАҚҚОС АЗИМ АЗИЗОВ ҳақида ёзишга ундаган нарса Ҳамза номидаги театр биносида «Чаман» ўзбек болалар фольклор ансамблининг рақсимиз маликаси Мукаррам Турғунбоева таваллудига бағишлаб намойиш этган концерт дастури бўлди. Бироз олдиндан бўлса ҳам айтишимиз керакки, А. Азизов раҳбарлигидаги бу ансамбл концерти йиғилганларга бирдек маъқул бўлди.

Азим Азизов, аввало, устоз кўрган раққос. Эсимда, 1965—1975 йиллари М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида бирга ишлаб юрган кезларимизда, Азимжон кундалик иш машғулотига ҳамма артистларга қараганда эрта келар, ўзи ижро этиши керак бўлган ҳар бир ўйин ҳаракатлари устида эринмай ишлар, қайта-қайта машқ қилар, кўп изланар эди. Саҳнада эса, ўзи саҳналаштирган ўзбекча «Рақсга йўл» ва «Помир ўйини» дейсизми, тожикча «Ўғлони шўхи»ми, кавказча «Сувчи рақси»ми, ҳиндча «Бхарат Натьям», афғонча «Озодлик» рақс-поэмасими, Австралиянинг «Макумба» ўйини дейсизми, борингки, дастуридаги бор ўйинларни ўта чаққонлик билан қойилмақом қилиб ижро этарди. Шунинг учун ҳам, минглаб томошабинлар Азизовни «ўзбекистонлик Маҳмуд Эсамбоев» дейишади. Ҳақиқатан ҳам, бу раққос ўша йиллари «Жаҳон халқлари рақслари ижрочиси» деб тан олинган, ҳатто «Ўзбектелефильм» студиясида «Азим Азизов рақсга тушади» деб номланган фильм-концерт ишланган эди.

Мана, бугун Азимжоннинг ўзи устоз: режиссёр, балетмейстер ва мураббий. 1968 йили у ташкил этган «Баёт» халқ ансамблидан Муҳриддин Холиқов, Наргиза Олимова, Маҳбуба Ҳасанова каби кўплаб истеъдодлар етишиб чиққан бўлса, 1990 йилларга келиб Азимжон асос солган яна бир ажойиб чашма — «Чаман» дастаси шўх; ўйноқи хиромлари билан санъат ихлосмандларига чинакам завқ бағишламоқда.

Ансамбл концерти номига монанд «Чаманда гул» оммавий қўшиқ ва рақс билан бошланади. Уч қисмдан иборат ушбу оммавий рақс ҳаракатларининг ўта чаққон ва мураккаблиги, рақс чизиқларининг кўплиги сабабли ёш раққосалардан катта маҳорат талаб этади. Аммо «Чаман» раққосалари ушбу ўйинни завқ-шавқ билан, тўлиб-тошиб ижро этадилар. Айтишимиз керакки, мутахассис А. Азизов бу рақсни табиатимизнинг гўзал ва бой манзараларига уйғун ҳолда усталик билан саҳналаштирган.

Концерт давомида саҳнада Дони Зокировнинг шоир Пўлат Мўмин шеъри асосидаги «Наврўз бинафшаси» рақси, «Чархпалак», «Муқаддам», «Маҳлиё», «Синфдошлар», «Қари наво», «Куй ноласига нозланиб» рақслари, «Тантана» рақс-сюитаси, шунингдек, Нодим Норхўжаевнинг «Чамандаги гуллармиз» қўшиғи, «Саройимиз йўлида», «Гуллола», «Боғистон кўча» каби қатор ўзбек халқ қўшиқлари, созандалар ижросида бастакор Тўхтасин Жалиловнинг «Отмагай тонг», Маҳмуджон Муҳамедовнинг «Най ялласи» ва «Фарғона рубоийси» номли ўзбек халқ куйларидан иборат ранг-баранг катта дастури ижро этилиб, томошабинни ҳайратга солади. Шу ўринда «Чаман» дастаси яккахон раққосалари Матлуба Исаева, Санобар Аҳмедова, Муқаддам Ҳакимова, Муҳаёё Ҳожимуродова, Зулхумор Қадабоева, Феруза Одилова ҳамда истеъдодли доирачилар Дониёр Жабборов, Ғофиржон Сулаймонов, Равшан Умаров, Отабек Ғафуровнинг ҳиссаларини алоҳида таъкидлашни истардик. Айниқса, ёш раққосалар саҳна маданияти ички сир-асрорларини яхши ўзлаштира олганлигидан таъсирланасан киши.

Ҳеч иккиланмасдан айтишимиз керакки, «Чаман»нинг профессионал ижро маҳорати юқори савияда. Айниқса, «Доира рақсга чорлайди» деб аталган оммавий ўйинда қизлар чунонам тез айланадиларки, кўз ўнгимизда гўё кучли профессионал санъат жамоаси ўйнаётгандек туюлади.

АЗИМ АЗИЗОВНИНГ ЯНА БИР ИНСОНИЙ хислатига тўхталишни истардим. Бу унинг барчани ҳурмат қилиши, қарияларни қадрлаши, айниқса, устоз санъаткорлар рақсларини ўз ансамблига пухталик билан ўргата олишида кўринади. Жумладан, ўзимнинг севимли рақсларимдан бири бўлган «Гулноз» ўйинини 42 та ёш раққосалар

маҳорат билан ижро этганларида қанчалик ҳаяжонланганимни сўз билан ифода этолмайман. Бугина эмас. Ҳаммамиз учун азиз бўлган Мукаррам опамизнинг «Тановар» рақсларини томоша қилганимизда, нафақат биз, профессионаллар, балки залда ўтирган Мукаррамхонимнинг кўплаб сафдошлари, шаҳар ва республика жамоатчилиги, хуллас, барча томошабинлар кўзларида ёш қалқиганига гувоҳ бўлдик. Бу уларнинг севинч ёшлари эди. Аниқроғи, санъатнинг чинакам сеҳрини биз ўша куни Азим Азизов ансамблида яна бир бор ҳис этдик.

Бундан ташқари, 120 кишидан иборат ансамбл иштирокчилари концерт намойиш этилган куни тонг саҳарда Чиғатой қабристонига бориб, Мукаррам Турғунбоева қабрини зиёрат қилганлар. Бир қарашда бу оддий бир ҳолат туюлади. Лекин ҳаётга эндигина қадам қўяётган жажжи қизалоқларни ана шундай инсоний хислатларга ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта.

Азимжон Азизов ҳақида ёзганда, унинг ёш истеъдодларни тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. 1972—1980 йиллари республикамизда «Чашма», «Зеҳн», «Марҳабо, талантлар» телевизион кўрик-конкурслари катта муваффақият билан ўтган. Ўша йиллари у Фарғона водийсининг Қува тумани маданият уйида «Анор» халқ ансамблини ташкил этиб, «Чашма» телеконкурсига олиб келган. Қарангки, «Баҳор» концерт залида ҳакам аъзолари қаторида ўтирган Мукаррам опамиз Азимжон саҳналаштирган «Чашма бўйида», «Қува йигитлари» ва «Биз водийданмиз» каби оммавий рақсларни кўриб жуда қувонганлар. Ўшанда улар «Бадиий ҳаваскорликда ўзбек халқи дилини қуйловчи яна битта фидойи балетмейстер пайдо бўпти. Бу — Азизов. Унинг ҳамма ўйинларига 10 баллдан бериш керак», — деган эдилар.

Сўнгра А. Азизов Навоий вилоятида «Чўли ироқ» халқ ансамблини, Кармана қишлоғида «Гули», Жиззахнинг Дўстлик туманида «Дўстлик чамани», Андижоннинг Марҳамат туманида «Марҳамат гуллари», Фарғонанинг кўҳна Рапқон қишлоғида «Баҳор» халқ ансамбларини ташкил этиб, республикамизнинг қишлоқ ўлкаларида бадиий ҳаваскорликнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, у 1978 дан 1988 йилларга қадар Жиззах вилоятида халқ истеъдодларини тайёрлаш ва тарбиялашда режиссёр, балетмейстер ва бадиий раҳбар сифатида катта амалий ёрдам бериб келди. Лекин унинг чинакам истеъдоди 1968 йили ўзи ташкил этиб, 20 йилдан зиёд директор ва бадиий раҳбарлик қилган «Баёт» студиясида яхши намоён бўлди. Унинг бошчилигидаги ансамбл 12 марта хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўлди.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, Азимжон «Баёт» студиясига бутун қалб қўрини бағишлади. Шунинг учун ҳам, «Баёт» 1968—1988 йиллари жуда машҳур бўлган. Лекин 1987 йилга келиб, шундай ишчан маданият ходими маданият соҳасида юқори лавозимларда ўтирган кимларгадир ёқмай қолди.

Лекин Азимжон тазйиқ ва фитналардан тушкунликка берилмади. 1988 йилнинг охиридаёқ Республика ўқувчилар саройига ишга келди ва «Чаман» номи билан ажойиб фольклор-этнографик ансамблини ташкил этди. Ўтган қисқа вақт ичида катта дастурда концерт тайёрлаб Москва, Ленинград, Киев, Екатеринбург, Бишкек, Душанбе шаҳарларида ва машҳур «Артек» дам олиш оромгоҳида ижодий сафарларда бўлди. Фахрий дипломларга сазовор бўлиб, ғолибликларни қўлга киритди.

Бундан ташқари, А. Азизовга дўстона маслаҳатимиз бор. Биз томоша қилган 30 дан ортиқ рақсларнинг деярли ҳаммаси кўп сонли ва оммалашган ҳаваскорлар ижросида бўлди. Албатта, бу катта меҳнат, куч-ғайрат талаб этади. Лекин яккахонларга, шунингдек, икки, уч ёки тўрт раққосаларга ҳам алоҳида ўйинлар ўргатилиши мақсадга мувофиқ. Агар Азим Азизов ансамблга 20—30 нафар ўғил болаларни танлаб олиб, ўзининг шўх ўйинларидан ўргатса, яна ҳам яхши бўларди. Шунингдек, раққосаларнинг саҳнада чирпирак бўлиб тез айланишларига тан бериб билан бирга, айрим рақсларда шуни бироз камайтиришни маслаҳат берардик. Яна созандалар ансамблида бироз олов етишмаётгандек туюлди.

Истакларимиздан яна бири — «Чаман» ўзининг концерт бошқарувчисига эга бўлса.

Бизнингча, ансамбл саҳна либослари бой ва ранг-баранглиги, юксак дид билан тайёрланганлиги сабабли диққатга сазовор. Лекин, назаримизда, чиройли либосларни асраш, авайлаш ва раққосаларни ўз вақтида кийинтириш учун костюмлар билан шуғулланувчи алоҳида либослар ходимаси керак.

ХУЛОСА ҚИЛИБ АЙТГАНДА, режиссёр, балетмейстер ва бадиий раҳбар Азим Азизов профессионал санъаткорлар ҳаётида кам учрайдиган ҳолат, яъни «Рақслар байрами»дан иборат катта дастурда концерт намойиш қилиб, марҳумлар руҳини шод этди.

Бу гулдаста ҳеч қачон сўлмасин, ҳамиша гуллаб-яшнаб, инсонларга маънавий озуқа бераверсин.

ЯХШИ НИЯТ

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигига қарашли Ю. Ражабий номидаги мусиқа муаллимлари билим юрти 1967 йили ташкил топган бўлиб, ўша вақтда фақат мактабгача тарбия билан шуғулланувчи кичик мутахассислар тайёрланар эди. Кейинчалик, 1973 йилдан бошлаб мусиқа муаллимлиги бўлими ҳам қўшилди. Айни кунларда билим юртн янада кенгайди. Бу ерда мингга яқин талаба таҳсил кўрмоқда. Ҳар йили икки юз ўғил-қиз ўз вилоятларига мутахассис сифатида йўл олмоқдалар. Аниқроғи, талабаларнинг ҳаммаси келишув асосида ўқитиб келинмоқда. Билим юртининг етук ва талабчан ўқитувчилари касб излаб келган илми толибларга пухта билим беришга ҳаракат қилишади. Ҳозирча иқтисодий базанинг аҳволи ҳам ёмон эмас.

Биз шу билим юртн директори Ўктам ТАВАККАЛОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Ўктам ака, бу даргоҳ миллатимиз ҳамда халқимизнинг улуғ санъаткорларидан бири Юнус Ражабий номи билан аталаркан. Бинобарин, бу ном сизлар учун янада қадрлироқ бўлиши табиий. Айтинг-чи, билим юртида мақом гуруҳлари борми?

— Албатта, биз у сиймони устоз сифатида жуда қадрлаймиз. Аммо ҳалигача билим юртимизда мақом гуруҳини ташкил қилолмаган эдик. Эндиликда Ўзбекистон телерадиокомпаниясидан иккита мақом устасини ишга таклиф қилдик. Умуман, мақом гуруҳини бир йўла ансамбл шаклида ташкил этиб, унга ҳам Юнус Ражабий номини бериш ниятидамиз.

— Сизларда ўқитиш услуби қандай? Ўқитувчи-устозлар орасида етук санъаткорлар ҳам бўлса керак...

— Афсуски, ўқитувчиларимизнинг деярли етмиш фоизи рус тилида дарс ўтадилар. Педагогик муҳитимиз давр талабига мос савияда деб айтолмаймиз. Улар икки йилдан буён давлат тилини астойдил ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Биз яқин келажакда бу педагоглар ўзбек тилида бемалол дарс берадиган бўлишларига ишонамиз.

Ўқитувчиларимизнинг бари санъаткор. Ўзимизнинг ёш бастакорлардан Нодим Норхўжаевдай, Ўткир Аминжонов ва қўшиқчи устоз Ферузахон Толиповадай яхши санъаткорларнинг талабаларга бераётган билимлари ўқув юртимизнинг асосий мавқеини белгилайди.

— Ўқитиш жараёнидаги муаммоларга тўхталсангиз...

— Инсон ўз миллатининг тили, маданияти ва санъатидан бехабар бўла туриб, шу миллатнинг фарзандиман дейишга ҳақсиз. Шу маънода ҳар биримиз ўзбек миллий мусиқасини тушунмоғимиз, идрок қилмоғимиз ва севмоғимиз лозим. Бунинг учун биринчи галда ўзбек миллий оҳангларини биладиган ўқитувчиларни кўпроқ ишга жалб қилишимиз керак. Шунингдек, миллий мусиқа асарларимизни талаб даражасида чоп қилиш ҳалигача кун тартибидаги асосий масала бўлиб турибди.

— Ўқув юртидаги бугунги янгиликлар ва режаларингиз ҳақида гапириб бersangиз.

— Сир эмаски, яқин-яқингача санъатнинг деярли барча турларини ўқитиш жараёнида Оврупо санъати асосий ўрин тутарди. Бизда ҳам асосан чет эл мусиқаси ва унинг намояндаларини ўргатиш йўлга қўйилганди. Энди давр ўзгарди, республикамиз мустақил бўлди. Бундан буёнги асосий эътибор ўзбек миллий санъати илдизларини талабаларимиз онгига сингдиришга қаратилади. Бу масалада қатъий тадбирлар белгилаб қўйганмиз. Масалан, бундан буён талабаликка қабул қилинаётганлар ўзимизнинг ўзбек бастакорларимиз яратган куй ёки қўшиқлардан ижро этиб беришлари шарт. Ўқув йили давомида ҳам шу йўналишда иш олиб борилади. Шунингдек, бу даргоҳни коллежга айлантиришни ният қилганмиз. Чунки коллежда талабаларга кўпроқ назарий билим билан бирга, амалий сабоқ ҳам пухта ўргатилади. Дарслар кўлами бирмунча кенгайиб, ўқиш муддати беш йил давом этади. Битирувчилар қўлига тўлиқсиз маълумот ҳақидаги шаҳодатнома берилади. Коллеж ташкил қилиш фақат янгилик бўлиб қолмай, бунда бир йўла кўпгина ижодий изланишларга йўл очилади, деб ўйлайман.

— Яхши ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз.

Суҳбатдош:
Беруний СУЛТОНЗОДА

УСТОЗ ВА ШОГИРД МУЛОҚОТИ. Очилхон Отахонов (ўнгда) ҳамда Маҳмуд Тожибоев.
С. МАҲКАМОВ суратга олган

КУЗДА БАҲОР ХАЁЛИ

Қутлайсиз!

Дунё ташвишлари одамзотни ҳеч қачон тарк этмаган, тарк этмайди ҳам. Инсон ҳаёти ана шу ташвишлар билан мазмунли. Ишдан чарчаб келиб бироз дам олиш учун ёнбошлар экансан, бутун шуурингда роҳат сезасан. Мана шу пайтда хаёлинг ўтмишга айланган йилларингни бир-бир санайди. Хотирангни титкилайсан. Шунча умрим давомида айтишга арзигулик нималар қилдим?

Раҳим ака Тешабоевнинг чоракам бир асрлик ҳаётида ана шундай айтишга арзигулик ишларнинг кўпини санаш мумкин. У икки марта уруш кўрди. 1938 йили Совет Армияси сафига чақирилди. Ҳарбий хизматни Украинанинг Житомир вилоятида бошлади. 1939 йилнинг ёзида Ғарбий Украинада бўлди. Икки йиллик хизматни ўтаб, уйига қайтди. Аммо 1941 йил 21 июн куни бошланган машъум уруш Раҳим акани яна армия сафига чорлайди. 1946 йилнинг феврал ойида лейтенант Раҳим Тешабоев ўз юртига қайтди. Урушдан кейинги йилларда эса ишдан ажралмаган ҳолда Белинский номидаги кечки педагогика институтида ўқишни давом эттирди.

Раҳим ака меҳнат фаолиятини 17 ёшида бошлаган. 1934 йили фабрика-завод ўқув юрти (ФЗУ)ни тугатиб, ёғоч устаси касбини эгаллади. Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишида ишлади.

Р. Тешабоев етмиш беш йиллик умри давомида бир қанча лавозимларда ишлади. 1958 йилдан бошлаб 18 йил муттасил маданият ва истироҳат боғига (ҳозирги Миллий боғ) раҳбарлик қилди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги кинотеатр директори, шаҳар спорт бошқармасида бошлиқ ўринбосари, «Қибрай» спорт комбинати директори, Пахтакор стадионида хўжалик ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари,

Ўзбекистон халқ усталари бошқармасининг директори ўринбосари вазифасини бажарди. Қаерда ишламасин Раҳим ака ўзидан яхши ном қолдиришга интилди. Эллик беш йиллик меҳнат фаолияти давомида бир қанча мукофот ва ёрлиқлар билан тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди.

Раҳим ака Тешабоев мана салкам 10 йилдан буён Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғининг директори вазифасида ҳалол ишлаб келмоқда. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда ушбу боғ таниф буюрганларнинг кўнгилдагидек дам олиб кетадиган масканига айланган.

Ҳозир куз. Кузни кўрмоқчи бўлсанг боғларга юр дейишади. У ердан сиз шоир бўлиб қайтасиз. Тилларанг манзаралар ўзининг бор гўзаллигини дилингизга кўчиради. Узун хаёллар тизимидан орқангизга, яшаб қўйган умрингизга қайтасиз. Ушбу дамларда Раҳим ака ҳам ўзининг кузги боғида пойга поёндоз бўлаётган ниҳолларни кўриб, умрининг сарҳисобини қилаётган бўлса ажаб эмас.

Бугун куз, сарҳисоблар даври. Аммо қиш ўтиб яна баҳор келади. Новдалар яна барг ёзади. Боғлар яна латофатли либос кияди. Ҳаёт давом этади. Раҳим аканинг қалби бугун баҳорий туйғулар билан банд десам муболаға бўлмас.

Азамат САФАР

Ҳар бир қаламкашнинг «ўз мавзуси» бўлади. Умрини вилоят ва жумҳурият рўзномалари мухбири сифатида кенг далаларда, кўз етмас яйловлар, тоғ ва адирликларда ўтказаётган Обиджон Жуманазаровнинг ижодига назар солсангиз, она-заминга муҳаббат, табиатни авайлаб-асраш, унинг бошқалар пайқамаган қирраларини кашф этишга интилиш каби хислатларни пайқайсиз. Зероки, ўқувчилар ихтиёрига ҳикоя этилган ўндан ортиқ қиссалари, ҳужжатли асарлари, эсселари ва очерклар тўпламларининг кўпчилиги бугунги кунимиз учун долзарб саналган ана шу мавзуларга бағишланган. Бу йил эллик ёшини нишонлаган Обиджон Жуманазаровнинг «Овчи ҳангомалари» туркумига кирган ҳикояларидан бирини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, унга соғлиқ, бундан кейинги ижодий ишларига омад тилаймиз.



Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ

АЙИҚ ҚУШ

ЖЎРИ ҚУШНИ КЎРГАНМИСИЗ? Тоғда яшовчилар ва овчилар уни «қанотли айиқ» ёки «айиқ қуш» дейишади. Вазни эллик-олтмиш кило тош босадиган бу қанотли махлуқ ниҳоятда ҳайбатли. Қанотларини кенг ёзиб жойидан қўзғалганида борми, атрофида чанг-тўзон кўтарилади, жонли вертолётнинг нақд ўзи. Бу қуш ҳақида турли афсоналар тўқилган... Бу қуш тўғрисида мен дастлаб Наманганнинг энг олис Чаноч қишлоғида эшитганман. Чаноч Чотқол тизмаларига тирмашган боғлар қуршовидаги гўша. Тегирмонтош адирлигидан назар солсангиз, Чаноч теварагида юксалган тоғларни кўрасиз. Кун чиқар ёқда Ўнғор, жануб томонда Бўспу, ундан сал нарида Чотқол тизмаларига кирувчи Катта серка ва Кичик серка. Қишлоқни иккига бўлиб оқаётган сой ҳам Чаноч номи билан юритилади. Суви биллурдек тиниқ. Тошдан-тошга урилиб қимиздек пишган сой суви минг бир дардга даво эмиш. Бўлса, бордир. Ана шу об-ҳаёт тармоғи қирғоғида ёнбошлаганимизда бу ерлик овчи, қотмадан келган, одамга синчков боқадиган Аҳмад қушчи сўзларини тинглаймиз.

— «Айиқ қуш»ни ҳамма ҳам кўра бермайди, унга кўпинча овчиларгина дуч келишади, — ҳикоя қилади Аҳмад. — Сабаби, бу паррандa кўздан йироқда, хилват гўшаларда, тоғ дараларида ҳаёт кечиради. Жўри қуш кўринишининг ўзи ҳайвонлар ва паррандаларга даҳшат солади. Биринчи бор дуч келганимда мен ҳам тарракдек қотиб қолганман.

Аҳмад қушчи ўша воқеани эсларкан, озғин, қорамтир, ёноқлари қизғиш тусга кирди.

— Отам билан кўп марта овга чиқиб милтиқ ушлашга қўлим келиб қолганди. Бир сафар отам йўқлигида онамга билдирмадим-да, уйдан секингина сирғалиб чиқдим. Милтиқни елкамга осиб Чаноч сой ёқалаб юқорига ўрмаладим.

Гоҳо истаганингизнинг акси бўлади, атайлаб овга чиқсангиз, жиғингизга тегмоқчидай чумчуқ ҳам учрамайди. Бунинг устига тушга бориб кўк юзини булут қоплади. Бўспуда булут ўрмаладими, одати шу, бўшанмасдан қўймайди. Қоя панасига етмасимдан челакдан сув тўкаётгандек бўлиб ёмғир шаррос қуйиб берди.

Ниҳоят, «мироб ота» дулдулини ҳайдади. Тоғ тепаси ёришиб, офтоб кўринди. Энди момоқалдироқ анча пастликда, булутлар хирмондаги пахта мисол ёйилган водий узра гумбурлади. Қоя панасидан чиқдим. Жунжиккан баданимга қуёш ёғдуси мойдек ёқарди. Қўлларимни кенг ёзганимча керишганимни биламан, шундоқ ёнгинамда, мен турган қоя чеккасида, қулоқларим таггинасида «ғақ» деган даҳшатли овоз келди. Бундай ғағиллаш қанотли жонзотларгагина хос, албатта. Ишонасизми, қандайдир қуш уй мўрконига яшириниб олиб ёки бўлмасам, ёввойи махлуқ паррандаларга тақлидан шу тариқа ғағиллаши мумкиндир балки! Сесканганимча ёнимга ўгирилдим. Шу заҳоти баданимдан минглаб чумоли ўрмалагандек туюлди. Мендан атиги уч-тарт газ нарида, ҳатто тушда кўрсангиз ҳам этингиз жимирлашадиган баҳайбат махлуқ ғайкалдек тик қотганди. Кўзлари олдинга туртиб чиққан, бойўғлиникидек юм-юмалоқ. Қиёфаси қушга ўхшашлигини айтмасангиз, ўрта миёна бузоқ билан тенглашарди. Болдирининг йўғонлиги чақалоқникидан кам эмас. Тумшуғи бургутникидан калтароқ. Думи қарғаникига ўхшаб кетади. Имоним комилки, устига эмаклайдиган икки гўдакни миндириб қўйсангиз, «миқ» этмасдан кўтариб учишга қодир. Енламасига турганидан мени пайқамас, пастдаги жарлик тубига қаттиқ тикилганди. Ҳар замонда қарғага тақлид қилгандай ваҳимали қағиллаб қўярди.

Қушга тикиламану бутун умри овчилик билан ўтган бобомнинг болалигимда айтган ҳикояларини эслайман ва Жўра қушга дуч келганимни сезиб панжаларига эҳтиёткорлик билан назар ташлайман. Бу қушга оид турли-туман олди-қочди мишмишларга ана шу панжалари сабаб. Ажабо, лочин ва ўзга паррандаларда панжа учидаги тирноқлар ўткир, пичоқдек кескир бўлади. Кекса овчилар таъкидлаганларидек, чопаётган бўри устига ташланган бургут ҳужум чоғида темир чангакка айланадиган тирноқлари билан бу ваҳший жонзотнинг белини синдириб юборар экан. Бунинг оёқлари эса худди ўрдакларникидек сингари тузилган эди. Тирноқдан асар йўқ. Шу боисдан келбати ҳайбатли кўрингани билан барибир ҳужумга ноқобил эди. Қушга тикиламану бобомнинг қўшиғи ёдимга тушади. Гўёки, Жўри шундай нола қилармиш:

Мен Жўриман, Жўрнман,
Қушларнинг энг зўриман.
Тирноқларим йўқ учун
Улар ичра хориман.

●

МАШИНАМИЗ ЎЙДИМ-ЧУҚУР дала йўллари, қўй подасидек сочилган харсанглар оралаб, остидаги ранго-ранг тошлари аниқ кўриниб оқаётган ариқ ва сойлар кечиб, ямяшил тоғ сайхонлигига келиб тўхтади. Носиржон адламаган экан. Чиндан ҳам, Фарғона водийсининг қоқ биқинида Россия ўрмонларида кўрганларим адл қоматли оқ қайинлар, япроғи бахмалсимон арчалар ўз гўзаллигини намойиш этаётгандек савлат тўкиб турарди.

Тоғнинг шошқин дарёсида сазан балиғи борлигини хаёлимга келтирмагандим. Омадни қарангки, ҳаш-паш дегунча тўрттасини қармоққа илинтирдим. Овга бутун вужудим билан берилиб кетибман. Кутилмаганда анча наридан дўстимнинг ҳаяжонли овози келди:

— Тез келинг, бу ёққа!

Қармоқ калтагини тупроққа санчдим-да, Носиржон томонга қараб чопдим. Носиржон кўрсаткич бармоғини осмони фалакка ниқтаганича имлади. Юқорига қарадим. Баланд-баландда ғалати қуш учарди. У водий тарафдан биз турган сайҳонлик тепасига яқинлашиб келаётганди.

— Оёқ панжараларига қаранг, — деди Носиржон қўлини силкитиб. — Кўраяпсизми, ҳув ана, ручка ушлаб олибди.

Кафтимни пешонамга қўйиб астойдил тикилдим. Дарҳақиқат, тик тушаётган қуёш нурида қуш кафтда тургандек кўринар, чангалидаги оппоқ нарса гоҳ-гоҳ ялтираб қўярди.

— Ҳозир бу ўғрининг адабини берамиз. Биз каби ҳордиқ чиқараётган қайсидир бечоранинг ручкасини ўмарган. — Носиржон машинасига қараб югурди ва қўлига милтиқ ушлаб қайтди.

— Беозор жониворларни отиш яхшимас.

— Ўлдирмаймиз. Чўчитамиз, холос. — Носиржон бепарвогина қўл силтади. Ниятимиздан бехабар қуш атайлаб биз турган майдонни мўлжалга олгандек эди. Носиржон ўқ узди. Гумбурлацдан тоғ-тош ларзага келди. Дара ва жарликлар акс-садо қайтарди.

Милтиқ гумбурлашидан қуш қаттиқ чўчиди чоғи, бор овозда қағиллади-ю шу заҳоти чангали ёзилди. «Ручка» ерга туша бошлади. Сўнг ерга яқинлашган сайин йириклашиб борди. Охири, биздан ўн-ўн беш қадам наридаги ўтлар орасига тарақлаб тушди. Борсак... ручка қаёқда дейсиз! Сигирнинг қандайдир емишхўр томонидан эти хўп тозаланган суяги.

Носиржон суякни қўлига олиб салмоқлади.

— Камида ўн кило тош босади. — Кейин кулимсиради. — Биласизми, бу паррандaнинг қайси турга мансублигини? У тоғ-тошлар султони Жўри қуш бўлади. Ғоят юксакликда парвоз қилганлигидан кўзимизга кичик кўринган. Ахир, шундай йирик суяк ручкадек туюлгач, ўзингиз ҳисоб-китобини қила беринг. Қуш баландда парвоз қилганлигининг боиси суякни қоғга ташлаб, майдалаб емоқчи эди. Ҳалақит берибмиз. Энди бирон панада кетишимизни пойлайди. Ҳали ўлжасини излаб топади ҳам...

ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида «Тилимиз истиқлоли ва истиқболи» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт ректори Комил Юсупов қисқача кириш сўзи билан очди. Тилимизга давлат мақоми берилиши маънавий бойлигимиз бўлган она тилимизни бутун бўй-басти билан намоён этиш учун катта имконият яратди. Бинобарин, ўтган уч йил ичида тилимизни зоҳиран қашшоқлаштириб, камситиб келаётган иллатларни бартараф этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин тилни ботинан поклашга эришиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳали етарли эмас. Тил софлиги — қалб поклиги, тил бутлиги — имон басломатлиги. Илмий анжуман ўтказилишидан бош мақсад жамоатчилик эътиборини тил учун кураш маънавият учун кураш эканлигига қаратишдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тилшунослик институти директори, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, Азим Ҳожиев «Ўзбек тили: истиқлол ва истиқбол» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи мустақиллик шарофати билан Давлат тили тўғрисидаги Қонун қайта ишлаб чиқилганлигини алоҳида таъкидлади ва ўзбек алифбосини яратиш юзасидан қизғин ишлар олиб борилаётганини маълум қилди. Шу билан бирга тилимизнинг кўзгуси вазифасини ўташи лозим бўлган вақтли матбуот нашрларида имло қоидаларининг бузиб истифода қилиниши одамларни чалғитиб юборaётганлиги хусусида аниқ мисоллар асосида ташвишланиб гапирди. Адабий тил бойлигимизни оширишда шевалар имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлигини уқтирди.

Филология фанлари доктори Самиғ Ашурбоев ана шу фикрларни давом эттириб, «Давлат тили ва сўз танлаш масаласи» хусусида маъруза қилди. Бу борада ўзининг фойдали кузатишлари ва таклифларини ўртага ташлади.

Ўзбекистон Республикаси Атамашунослик қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ўзбек тили атамашунослигининг ҳозирги тамойиллари хусусида фикр юритди. Атамалар барча соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида жорий этилаётир. Ҳозирнинг ўзида турли ихтисосликлар бўйича 20 дан зиёд ихчам луғат тахт қилиб қўйилди. Бироқ қоғоз танқислиги боис ушбу ғоят муҳим луғатларни нашр этиш кечикиб кетаётир.

Давлат тили тўғрисидаги Қонунни жорий этишда маданият ташкилотлари, хусусан, таълим-тарбия даргоҳлари ходимлари фаолияти катта аҳамиятга эга. Филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш бўйича мазкур институт тил комиссияси амалга ошираётган ишлар хусусида маъруза қилди. Институт тил комиссияси ҳар иккй ойда йиғилиб, факультетлар фаолиятини назорат қилиб бормоқда. Барча йиғинлар давлат тилида ўтказиляпти. Пешлавҳалар тўлиқ ўзбекчалаштирилган. Атамаларни тартибга солиш йўлга қўйилган. Талабалар оғзаки нутқига эътибор кучайтириляпти.

Филология фанлари доктори, профессор Мазлума Асқарова Қонунни ҳаётга татбиқ этиш муаммолари, Республика тил жамияти фаолиятини кучайтириш, институтлар учун ўқув қўлланмалари тайёрлашни жадаллаштириш, устида тўхталиб ўтди.

Анжуман қатнашчиларида рус тили ва адабиёти кафедраси мудири Капитолина Лаврентьеванинг тил ва адабиёт факультетида рус адабиётини ўрганиш жараёнида ўзбек тилининг аҳамиятига бағишланган чиқиши яхши таассурот қолдирди. Капитолина Лаврентьева ўзбекча маъруза қилди.

Бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг ўрни ҳақида маъруза қилган шу факультет декани Сирожия Валиева тил ва услуб масалаларига тўхталди. Бадиий графика факультети декани Раҳматулла Исматуллаев эса факультетда Қонунни жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Маърузалардан хулоса шу бўлдики, тилимизни тиклаш нафақат умумдавлат, балки умумхалқ аҳамиятига ҳам эга улкан вазифа. Анжуманнинг таълим-тарбия ўчоғи бўлган Низомий номидаги давлат педагогика институтида ўтказилганлиги бир жиҳатдан ана шу сабаб билан изоҳланса, иккинчи жиҳатдан институт зиёлилари қонун ижроси билан боғлиқ ишларда мунтазам фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб келишмоқда. Институтда ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ташкил этилганлиги бунинг ёрқин далили. Кафедра ўз олдига барча факультет талабалари тил маданиятини янада ошириш билан бирга адабиёт орқали улар қалбида инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялашни ҳам мақсад қилиб қўйган. Ибратли ва оммалаштиришга муносиб янгилик.

Илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Республика Вазирлар маҳкамасининг шўъба мудири Анвар Жабборов қатнашди.

С. ҲАКИМОВ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди ва маданий маърифий ишлар маркази қуйидаги соҳалар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Истироҳат боғлари бўйича беш йиллик меҳнат муддатига эга бўлган мутахассислар;

— миллий урф-одат ва анъаналар бўйича тилчи, мутахассис, журналистика соҳаси ёки маданият институтини тугатган шахслар;

— халқ амалий ва тасвирий санъати бўйича санъатшунос мутахассислар

Маош келишилган асосда тўланади.

МАНЗИЛГОҲ: Чилонзор кўчаси, 2-А уй

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри жамоаси яқинда Қозоғистоннинг Туркистон ва Чимкент шаҳарлари аҳолисига драматурглар Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Пуч» ва Муҳаммад Хайруллаевнинг «Биллурдаги доғ» асарлари асосидаги спектаклларни намойиш этиб қайтди.

УзАО АХБОРОТИ

Бундан ташқари, санъаткорлар Зикир Муҳаммаджонов, Яйра Абдуллаева, Турғун Хонтўраев, Пўлат Сандқосимов, Ҳасан Юнусов. Малика Иброҳимова, Ёдгор Саъднев билан бўлган қизиқарли учрашувлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

К. МУҲАММАДЖОНОВ

Шу йилнинг 13 ноябр куни «Фан ва турмуш» ойномаси жамоаси билан 1-Тошкент табобат институти домлалари ва талабалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда «Фан ва турмуш» ойномаси ходимлари ойнома жалари ҳақида йиғилганларга фаолияти, унинг келгуси реахборот беришди. «Сирли ҳодисалар» бўлими мудири Рустам Обид халқ табобати, унутилиб кетаёзган урф-одатларимиз, шарқ табобтининг саломатликка боғлиқ томонлари хусусида суҳбат ўтказди. Йиғилганларга институтнинг собиқ талабаси, шифокор ва табиб Малика Азимова ўзининг халқ табобати йўли билан даволаш усулларини намойиш қилди.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Мурод Мирзо АҲМАДҚОРИ ўғли

ИСТИЛО ВА ҚУМУШ ҚАДАҲЧА

Бир неча асрлардан бўён ўлкамиз тарихий-маданий бойликлари Оврупо, Русия амалдорлари ва олимлари томонидан талангани ҳаммага маълум. Қимматбаҳо тошлар, олтин буюмлар ер остидан ва қадим меъморий ёдгорликлардан қўпориб олинган. Ёзма меросимиз эса ёқиб юборилган ёки кўмиб ташланган эди. М. М. Аҳмадқори ўғлининг ушбу тадқиқоти шундай талон-тарожларга донр муҳим манбаларнинг келтирилиши билан эътиборга моликдир. Ҳужжатхоналар ва бошқа ноёб манбалардан игна билан қудуқ қазигандек қилиб топилган ушбу маълумотлар ва унинг пухта талқини ҳар бир ватанпарвар кишини ўтмиш ва бугун ҳақида теран мушоҳада юритишга ундайди.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси,
Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, хонақолар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Амир ТЕМУР

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТИНИНГ жаҳон тараққиётидаги ўрни салмоқлидир. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афросиёб, Сўғдиёна, Марокант, Турон, Туркистон... каби тарихий жойлар бутун дунёга машҳур. Бу табаррук заминда Аҳмад Яссавий, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий каби буюк алломалар; Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва Маҳмуд Торобий, соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалардек жасур ўғлонлар дунёга келиб улғайдилар. Улар ўз халқларининг бахт-саодати учун жисман ва маънан курашдилар. Аҳли жаҳон эрса уларнинг эзгу амалларини олқишлаб, ҳануз табаррук зотлар дея ўз қалбларида муқаддас тутмоқдалар.

Афсуски, узоқ йиллар шундайин заҳматкаш эл хўрланди. Манфаат исканжасидаги «илм» Шарқ дунёсининг улкан маданиятини тўғри тушуниб етишни истамай, туркий тараққиётга зид ҳолатда, Ғарб маданиятининг аҳамияти ва ўрнини илоҳийлаштирди. Буюк Шарқ эса маданиятдан маҳрум бўлган ўлка сифатида талқин этилди.

Кўҳна Турон заминида яратилган моддий ва маънавий ёдгорликлар узоқ асрлардан Оврупа ва ўрис олимлари ва амалдорларининг диққатини жалб этган. Чунки, худди шу заминда санъат ва маданият бобида дунё миқёсида шуҳрат қозонган асарлар ва обидалар вужудга келганди. Қадимий маданият марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хева, Тошкент, Фарғона, Шаҳрисабз каби шаҳарлар ҳануз умумбашарият маданий хазинасидаги ўз ўрнини йўқотмаган.

Шарқнинг табиий бойликлари билан бир қаторда унинг тарихига оид ёдгорликларга қизиқиш Оврупа мамлакатларида, кўпроқ Русияда кучли эди. Академик В. В. Бартольд эътирофига кўра, Пётр I давридан Русиянинг қадим Турон юртига қизиқиши амалий заминга кўчди. Русия Фанлар Академияси профессори Георг-Якоб Кер (1692—1740) Бухоро ва Самарқандда жуда кўп шарқ қўлёзмаларини топиш мумкинлигини башорат қилди. Араб тилининг билимдони бўлган бу олим XVIII асрнинг 30-йилларида Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асари таржимаси билан шуғулланган. У ёш шарқшуносларни Шарқ ва Оврупа элларидаги ўрис миссия (ваколатхона — М. М.)ларида ишлаб, ўша жойларда шарқ қўлёзмаларини излаш ва тўплашга чақирган эди. Худди шу XVIII асрда Русияда Қуръон таржимаси ва бошқа шарқ қўлёзмаларининг таржималари пайдо бўлди. Ўлка алломалари, хусусан Абу Райҳон Беруний ҳақида ўрис жамоатчилигида маълум тасаввур ҳосил бўлди.

Русиянинг биздаги хонликлар билан иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатларида ёдгорликларни аниқлаш, йиғиш ишлари муҳим ўрин эгаллади. Русия Академияси ажойибхонаси — Кунсткамераси қошида «Шарқ хонаси» тузилиб, унга Х. Д. Френ бошчилик қила бошлади. Бу хона кейинчалик Осиё музейи номини олиб, унда XIX аср ўрталарида 4 мингдан зиёд шарқ қўлёзмалари тўпланди. 1819 йилда Петербург доирилфунуни асосий кутубхонаси Шарқ бўлими очилиб, у Император оммавий кутубхонаси қатори Ўрта Осиё қўлёзмаларининг улкан хазинасига айланди. 1823 йили ташкил этилган Ташқи ишлар вазирлигининг шарқ тиллари Ўқув бўлими ҳам бой қўлёзмалар маконига айланган бўлиб, у қўлёзмалар бўйича рўйхатлар чиқарган эди. Академик Х. Д. Френ 1834 йили узоқ изланишлардан сўнг, Шарқ олимларининг фақат номларигина маълум, аммо ўзи топилмаган асарлари ўлка бозорларида, кутубхоналарида ё айрим шахслар қўлида бўлиши мумкин, деган хулосага келди ва шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарнинг даврий рўйхати»ни тузиб чиқди. Русия империяси молия вазирлиги Оренбургдаги божхонага Френ рўйхатида кўрсатилган қўлёзмаларни Ўрта Осиё шаҳарларида савдогарлар орқали сотиб олиш ва уларни кутубхоналарга топширишга эътиборни қаратиш ҳақида фармойиш берди. Ташқи ишлар ва ҳарбий вазирлар ҳам ўз ходимларига ана шундай кўрсатма беришган эди.

Шундай қилиб, ўлкани босиб олиш учун бошланган ҳарбий ҳаракатлар давомида (1853—1884) ўрис армияси раҳбариятида қўлёзмалар тўплаш бўйича аниқ ишланган режалар мавжуд эди ва шу мақсадда изчил иш олиб борувчи мутахассислар ҳам шай эди. Русиялик очкўз босқинчилар қўлида ўлкамиз хонликларида мавжуд моддий ва маънавий ёдгорликлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўлиқ қидирув маълумотлари ҳам бўлган. Уларни XIX асрнинг биринчи ярмида Хева ва Бухорода дипломатик вазифаларни адо этган офицерлар берган эди. Хевада бўлган капитан Н. Н. Муравьев (1819—1821), муҳандис К. Бутенев миссиясида Бухорода иш кўрган Н. В. Хаников (1841—1842) шулар жумласидандир. Н. В. Хаников Бухорода анчагина қўлёзмаларни қўлга киритиб Петербургга, Оммавий кутубхонага жўнатади. Улар орасида Муҳаммад Наршахий қўлёзмаларининг турли таҳрирларидан намуналар бўлган.

Полковник граф Н. П. Игнатьев бошчилигидаги ўрис дипломатик ваколатхонасида Бухоро ва Хевада иш кўрган шарқшунос П. И. Лерх 1859 йилда Осиё музейига 32 қўлёзма топширганн маълумотларда мавжуд.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ўлкамиз Русия босқинчилари томонидан босиб олингач, халқимиз бошидан бир умр машаққату зулм аримади. Улар энг аввало минг йиллардан буён ардоқланиб келинган маданий меросимизни талон-тарож қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ўрис олимлари ўлкани «ўрганишга» келиб, фақат Русия манфаати учун хизмат қилдилар. Ҳатто, шарқшунос Н. И. Веселовский ва В. В. Радлов каби олимлар табиатан бой бўлган ўлка ҳақида асоссиз равишда: «Туркистоннинг қўшилишидан (Туркистон Русияга ихтиёрий қўшилмай, аксинча юқорида айтилганидек, босқинчилар томонидан босиб олинган. Демак, бу ерда ҳам чалғитиш содир этилмоқда — М. М.) Русия ҳеч қандай иқтисодий манфаат кўра олмайди», — дейишди.

Туркистон генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман (1867—1882) императорга ёзган мактубларининг бирида истило халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилча орқага суриб юборганлигини мақтаниб ёзган эди.

Давоми саккизинчи бетда

ШОИР ЮРТИДА

Фарғона водийсининг бир қанча туман ва шаҳарларида ўтган ҳафтада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг эллик йиллик. тўйига бағишланган ҳаяжонли учрашувлар бўлиб ўтди. Жума куни Охунбобоев номидаги Андижон вилоят театрига шоирнинг мухлислари, олим ва адиблар, жамоатчилик намояндалари йиғилдилар. Тантанали кечани вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев табрик сўзи билан очиб, «Андижон халқи М. Али ижодини беиҳоя қадрлайди, ўз фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаб шеърий асарлари, достон ва романлари, гўзал таржималари, публицистик чиқишлари билан қатта адабиётимизда ўз сози ва овозига эга бўлган таниқли ижодкор даражасига етганлиги қалбимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради», деди.

Таниқли адабиётшунос олимлар Бегали Қосимов, Наим Каримов, Пирмат Шермуҳамедов, шоирлар Йўлдош Сулаймон, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа адибнинг ижодий йўли, бадиий маҳоратининг турли қирралари, тарихий мавзудаги асарларининг мазмунмоҳияти хусусида сўзладилар. Андижон давлат дорилфунуни ва Тиллар институтининг ректорлари Қ. Парпиев ва М. Умарҳўжаев, Андижон шаҳар ҳокими ўринбосари М. Шамсиева, Қўрғонтепа тумани халқ маориф бўлими мудири А. Мақсудов ва бошқалар шоирни жамоалари номидан қутлаб дил сўзларини изҳор қилдилар. Кечада шоирнинг шеър ва қўшиқлари янгради, андижонлик санъаткорлар куй ва рақслари билан табриклардилар.

Андижон адабий ҳаётида муҳим воқеа сифатида ўтган тантанали кечани шоира Турсуной Содиқова олиб борди. Кеча ниҳоясида шоирнинг ўзига сўз берилганида у камтарин ижодини юксак қадрлаганликлари, бу билан юртдош адибгагина эмас, адабиётимизга катта эҳтиром кўрсатганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Бундай қизғин учрашувлар Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида, Наманган абрли газламалар корхонаси, Марғилондаги «Атлас» фирмаси, Қувасой чинни заводи, Қува ва Асака туманларидаги корхоналар, «Наврўз» жамоа хўжалигида ҳам бўлиб ўтди. Наманган вилояти ҳокими Б. Рафиқалиев ва Фарғона вилояти ҳокими М. Исломовлар ҳузуридаги мулоқотлар чоғида ижодкорлар меҳнат аҳлининг кайфияти, иқтисодий аҳволи билан таништирилди. Уларда наманганлик ва фарғоналик шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок этишди. Айниқса, Шаҳрихон шойи тўқиш корхонаси билан танишув ва учрашув унутилмас бўлди. Атлас тўқувчи қизғинтилар ўз корхоналарининг ютуқ ва муаммолари хусусида сўзладилар, адибларга ижод меҳнат, мустақиллик, ҳозирги ижтимоий-маънавий жараёнга доир турли саволлар бердилар, ўз шеърларидан ўқидилар. Бу ижодий мулоқот чоғида Марҳабо Жиянова сингари ёш шоиралар кашф этилди. Шоир туғилиб ўсган Бўз тумани марказидаги тантанали кеча эса шеърият байрамига айланиб кетди. Пахтакорлар, меҳнат жамоалари вакиллари йиғилган залда ижодкорлар қизғин кутиб олинди. Кечани тумандаги 6-мактаб ўқувчилари Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи асосида тайёрлаган ажойиб саҳна билан бошлаб бердилар.* Шундан сўнг сўз олган олимлар ва адиблар «тарих қатаган қилинган даврда ўтмиш саҳифаларидан нур қидирган» шоир ижодининг муҳим йўналишлари, адабий қаҳрамонлари хусусида сўзладилар, шеърларидан намуналар ўқидилар. Ғоят ҳаяжонли ўтган кечани олиб борган Бўз тумани ҳокими Ҳабибулла Янгибоев, тумандаги хўжаликлар ва жамоаларнинг раҳбарлари, меҳнаткашлар, мактаб ўқувчилари, санъаткорлар шоирни навқирон ёши ва адабиётимизда ўз ўрнига эга асарлари билан қизғин қутладилар, унга ижодий зафарлар тиладилар.

М. АБДУЛЛА

«Ёшлик» журнали таҳририяти журналнинг бўлим мудири, ёзувчи Шодиқул Ҳамроевга акаси

Юнус ҲАМРОЕВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ИСТИЛО ВА КУМУШ ҚАДАҲЧА

Боши еттинчи бетда

Босқинчи губернаторнинг қароқчилик фаолиятига оид қуйидаги маълумотларни билиш нақадар муҳимдир. Маълумки, 1873 йили Қўқон хонлигида бошланган қўзғолон кейинчалик умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Бунинг оқибатида 1875 йил 22 июлда Худоёрхон Қўқон хонлигидан Хўжанд орқали Тошкентга қочишга мажбур бўлди. У бунга пухта тайёргарлик кўриб, Қўқон хонлигининг хазинасини олиб кетишга муваффақ бўлди. Аммо, бу хазинанинг тақдири ҳанузгача номаълум эди.

Бу ҳақда архив ҳужжатларида шундай дейилган: **«Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернаторига, 1875 йил. 24 июль. Мутлақо махфий.**

...Шу куни (24 июл) кеч соат 6 00 да Қўқон хони Худоёрхон ўз онласи, 70 кишилик аёллар жамоаси, 500 га яқин ҳамроҳлари ва 40 арава хазина билан бирга Хўжандга келди...

Хўжанд уезди бошлиғи (имзо) Подполковник Барон Нольде».

ХУДОЁРХОН ТОШКЕНТГА КЕЛГАНИДАН КЕЙИН Туркистон генерал-губернатори Фон К. П. Кауфман билан учрашиб, ундан ҳарбий ёрдам сўради. Аммо Кауфман ёрдам беришнинг ўрнига росмана қароқчидек, бу хазинани қўлга киритиб, хонни Оренбургга сургун қилди.

Ўрис армияси 1864 йилдан изчил ҳарбий операцияларни бошлаганда ҳар бир офицер ва аскарларга босиб олинган жойларда қандай китоб, қўлёзма ва бошқа буюмларни қўмондонлик ихтиёрига топшириш ҳақида аниқ буйруқ-йўлланма топширган эди. Бу соҳада олий офицерлардан генерал Абрамов шахсан намуна кўрсатди. У Самарқандда мусулмон дунёсининг муқаддас ёдгорлиги — «Усмон Қуръони»ни қўлга киритиб, бевосита бошлиғи генерал-адъютант Кауфман ихтиёрига жўнатди. Фон Кауфман эса VII асрнинг бу бебаҳо ёдгорлигини фахрий ўлжа сифатида Петербургга юборди. Шарқ қўлёзмалари, антиқа ёдгорликлар ва санъат асарларини йиғиш ва уларни баҳолаш бўйича Туркистон генерал-губернатори ихтиёрида ниҳоят билимдон ва малакали «заршунос» мутахассислар бўлган. Ана шуларнинг бири А. Л. Кун (1840—1888) бўлиб, у Ўрта Осиё ёдгорликларини Петербургга жўнатиш ишларига бошқош бўлди. Ўрис қўшинлари Самарқандни босиб олганда у биринчи бўлиб. «Усмон Қуръони»ни экспертизадан ўтказиб, унинг нодир ёдгорлик эканлигини аниқлади. Бу ёдгорлик машҳур Темур қутубхонасидан намуна эканлигини билиб, Кун бедарак йўқолган қутубхона изига тушди. Узоқ изланишлардан натижа чиқмаган бўлса ҳам Кун Темур кутубхонаси ҳақидаги афсоналарда жон борлигини таъкидлаб, ана шу қутубхонадаги китоблар маҳаллий аҳоли қўлида бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сурди, ҳамда излаш ишларини давом эттирди. Кун бу ишга генерал-губернаторни ҳам жалб қилди ва унга энг нодир қўлёзмалар рўйхатини тутқазди. Фон Кауфман 1869 йил 23 октябрда Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамовга изланаётган нодир шарқ қўлёзмалар рўйхатидан беш нусха юбориб, қуйидаги номани ҳам илова қилди: **«Бухоро ва Самарқанд доимо мусулмон дунёсида илм ва маърифат ўчоғи бўлиб келган ва ҳамон шундай бўлиб келмоқда. Бу шаҳарлар тарихи уларда жуда кўп муҳим шарқий қўлёзмалар мажмуалари доимо бўлганлигини кўрсатади. Бу қўлёзмаларни излаб топиш, жуда бўлмаса, маълум қисмини қўлга киритиш фан учун ниҳоят қимматлидир, шунинг учун Бухоро амири билан дўстона алоқамиз воситасида, самарқандликларнинг хонлик шаҳарлари аҳолиси билан доимий мулоқотидан фойдаланиб, мен ўйлайманки, Ўрта Осиё бозорларининг нуфузли савдогарларининг келди-кетдиси, элчилар, олим муллалар воситачилигида ана шу рўйхатдаги қўлёзмаларни Бухоро ва бошқа шаҳарлардан топиш мумкин».**

Генерал Абрамов бу номага амал қилди ва 1870 йил 6 апрелда Тошкентга генерал-губернатор маҳкамасига кўҳна ва ноёб шарқ қўлёзмаларидан еттитасини юборди. Ўша йили Китоб шаҳрини эгаллаган ўрис қўшини китобсеварлиги билан танилган Жўрабек Қаландарқорининг 97 қўлёзмасини мусодара қилиб Петербургга жўнатди.

Маданий ва маънавий ёдгорликларни илмий асосда қўлга киритиш 1873 йили Хева хонлигини босиб олишда, 1875—1876 йилларда эса Қўқон хонлигидаги халқ қўзғолонини бостириш ҳамда Туркистонни эгаллашдаги (1880—1884) ҳарбий операциялар давомида изчил амалга оширилди. Натижада Москва ва Петербург музейлари, кутубхоналари Ўрта Осиёда асрлар давомида тўпланган бебаҳо ва нодир ёдгорликлар, қимматбаҳо заргарлик ҳамда нафис санъат асарлари билан бойиди.

Маълумки, **1875 йили Фарғона водийси (Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш вилоятлари)да 182 та мадраса, 1709 мактаб, 235 қорихона, 6154 масжид мавжуд эди. Амир Темурнинг ватани кўҳна Кеш шаҳрида XIX асрнинг иккинчи ярмида 64 та гузар масжиди, 6 та мадраса, 7 та карвонсарой ва иккита ҳаммом бўлган. 1911 йили Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 333 та, янги шаҳар қисмида 16 та масжид, шунингдек, 1 7 та мадраса бўлган. 1917 йилга қадар Туркистонда 20 минг масжид (шулардан 35 таси Сайрамда) бўлган.**

Тошкентдаги 17 та мадрасадан ҳозирда учтаси қолган: Кўкалдош, Барақхон ва Абулқосим. Шулардан Абулқосим мадрасаси (1850 йилда қурилган — М. М.) 1919 йилгача мадраса сифатида ишлаган, сўнг мамлакатда кечган ғаройиб воқеалар туфайли 1919 йилгача ёпиб қўйилган. Русияда очарчилик бошланган пайтда Самара шаҳридан 70га яқин оила шу ерга кўчиб келтирилган ва улар то 1974 йилга қадар муқаддас бинода истиқомат қилганлар. Улардан сўнг бу ерда «Ташигрушка» — Тошкент ўйинчоқлар тайёрлаш фабрикасининг филиали иш бошлаган. 1981 йил 24 ноябрда мадраса Тошкент шаҳар ёдгорликларни сақлаш жамияти ихтиёрига берилиб, таъмирлаш ишларидан сўнг у ер Ўзбекистон маданият ёдгорликлари Тарғибот уйига айлантирилди.

Ўша суронли йилларда Русия амалдорлари ва олимларининг аксарияти тарихимизни атайин камситар ва ёдгорликларимизни асраб қолиш учун етарли маблағ билан таъминлашни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Негаки, обидаларга бой бўлган кўҳна Турон маданияти ва тарихи Русия маданияти ва тарихидан аллақачон олдин вужудга келганлигини улар тушуниб етган эдилар.

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ, МАДАНИЙ ва санъат ёдгорликларини талон-тарож этиш жараёни археологик қазишмаларда ўз аксини топди. 1867 йилда Туркистонга Император археология комиссияси топшириғи билан шарқшунос П. И. Лерх юборилди. У ўлкани археологик жиҳатдан ўрганиб қандай жойларда қазишмалар олиб бориш кераклиги масаласини ишлаб чиқиши лозим эди. Ўтмиш обидаларини излаш, уларни тарихан илмий қийматини белгилаш мақсадида 1859 йилда ташкил этилган Русия Император Археология Комиссияси Туркистонда жуда қадим замонлардан қолган осори-атиқалар мўл эканлигини ҳисобга олиб, ўлкадаги қазишма ишларини кенг йўлга қўйишни мўлжаллаган ва шу мақсадда малакали олимларни бу ишга сафарбар қилишга киришган эди.

1883 йил октябрда Туркистон генерал-губернаторига Императорлик Археология Комиссияси хат йўллайди. Унда қазув ишлари олиб борилаётган ерлардаги топилмаларнинг ҳаммасини Петербургга жўнатиш талаб этилган. Шу муносабат билан чор Русияси офицери, генерал-губернаторнинг алоҳида топшириқлар бўйича амалдори В. В. Крестовский деган кимса шу йили Афросиёбдаги археологик экспедицияга раҳбарликни ўз қўлига олади. У аслида ҳеч қандай археологик маълумотга эга эмас эди. Лекин шундай бўлишига қарамай, империя манфаати учун жуда бой маълумот тўплаган.

Ушбу Комиссия 1890 йил 5 декабрда Туркистон генерал-губернаторлигига 1261 сонли мактуб юборади. Унда **Афросиёбда маҳаллий аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан қазув ишлари олиб борилаётгани, топилган ашёлар сотиб юборилаётгани айтилиб ўтилади. Комиссияга 1895 йил 21 июлда Ўлка генерал-губернатори томонидан хат юборилиб, унда Афросиёбдан топилган баъзи ноёб осори-атиқалар чет элларга сотиб юборилганлиги айтилади. Масалан, капитан БАРШЕВСКИЙ ўзидаги археологик коллекцияни Фарангистон фуқароларидан бирига сотиб юборган эди.**

Ўлкамизда ишлаган археолог олим Н. И. Веселовскийнинг 1895 йил 24 ноябрдаги бир хатини ҳам келтириб ўтиш жоиздир: **«Мен Самарқанд губернатори томонидан Санкт-Петербургга Императорлик Археология Комиссиясига жўнатиладиган тугунларни очдириб кўрдим. Қадимий ашёларни кўриш чоғида шу нарса маълум бўлдики, улар асосан эътиборга моликсиз калла суякларидан иборат экан. Уларни бемалол ахлатга ташлаш мумкин. Битта кўза бор, аммо ишланиши қўпол. Уни Самарқандда қолдириш ва биз очишни мўлжаллаётган Археологик музейга топириш мумкин. Кумуш танга ва кумуш қадаҳчаларни жўнатса бўлади».**

Н. И. Веселовский 1884 йили Афросиёб шаҳристонида ва шу жойнинг энг диққатга сазовор туманларида, шунингдек, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида, Зарафшон воҳасида, Бухоро ва бошқа жойларда қазишмалар олиб борди. У ишнинг муваффақияти маҳаллий аҳоли билан яхши муносабатда бўлишга боғлиқлигини яхши тушунган ҳолда маҳаллий ўлкашуносларнинг хизматидан ғоят унумли фойдаланди. Веселовский Тошкентлик Акром Асқаров, самарқандлик Мирза Абдулла Бухорий, Мирза Саид Махсум каби ўлкашунос олимларга таянниб иш кўрди. Ўз юрти ватанпарварлари, ўтмиш ёдгорликларининг ташвишли мухлислари бўлган бу ўзбек зиёлилари билан ҳамкорлик давомида профессор Веселовский аҳоли кайфиятини билиш ҳақида ҳам кўплаб изланувчанлик характеридаги маълумотларни ола билди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай эътироф қилган эди: **«Тарихий вазифани унутмадим. Мени шундай савол қизиқтирди: Ўрта Осиёдаги истилоларимиз маҳаллий аҳоли онгида қандай таассурот уйғотди? Ўшанда улуғ воқеага улар қандоқ қарашган? Эндиликда-чи? Туркистонликлар биз билан бўлган яқиндаги курашда нималарни ўйлашди, ўзлари ва биз ҳақимизда қандай фикрга келишди? Улар келгинди истилочилардан нималарни кутишди ва нималардан хавотирланишди? Фикримча, руслар томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олинишидек воқеа адабиётда у ёки бу тарзда акс этмасдан иложи йўқ. Курашнинг барча томонларини тўлиқ гавдалантириш учун ўзга тараф, хусусан озор чекканлар додини ҳам тинглаш зарур. Акс ҳолда расмий хабарлар ва воқеалар иштирокчилари ҳикоялари билан қаноатланса чекланиб қоламиз ва маҳаллий аҳоли, унинг қарашлари ҳамда фаолияти ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қиламиз».**

Касби-кори савдогар бўлган Акром Асқаровни ўзига ҳамроҳ қилиб олган Веселовский ундаги фазилатларга тан берган: «Тошкентлик Акром Асқаров ўз фаолияти ва ишбилармонлиги билан, — деб ёзган эди Веселовский, — юртдошлари орасида кескин ажралиб туради. Амалдорлар билан ҳам, зиёлилар тоифасидаги руслар билан ҳам доимий мулоқотда бўлган Асқаров рус қўмиссиятининг ўз халқи учун фойдасини тушунган ҳолда, унинг энг самимий тарафдорларидан бирига айланган. Ўз юртдошларига таъсир кўрсатиши ва зийраклиги билан ҳозироқ кўп фойда келтирди... Асқаровнинг қадимги ёдгорликларга муносабатида ҳам рус таъсири намоёндир. У ҳар бир ёдгорлик моддий қийматдан ташқари яна ҳеч қандай пул билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган тарихий аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда тасодифий топилмаларни тўпловчи ва уларга нодонларча муносабатда бўлувчиларнинг рақибига айланди. У ҳеч қандай мукофотни кўзламай Тошкент Археология музейига ўзи ва бошқалар номидан кўплаб қадимги ёдгорликларни топширди. Бу соҳада ҳам унинг чинакам фидойилиги кўринди».

Веселовскийнинг яқин ёрдамчисига айланган Акром полвон профессор таъбирича, тангашунослик-нумизматика соҳасида ҳам ўз касбининг устаси бўлган. Веселовский фикрича, у тангаларни тўплаш соҳасида юқори малака ҳосил қилганки, натижада «уларнинг зарб этилган вақтини деярли аниқ белгилаган». Н. А. Маев эса шундай ёзган: «Темирйўл ва Ўрта Осиё бўйича илмий ишлар павильонлари орасида Акром Асқаровнинг унча каттa бўлмаган павильони жойлашди... Павильон ичкарисида рус Туркистонида камдан-кам учрайдиган илғор кишилар орасида обрў қозонган Акром Асқаров саноати маҳсулотларидан намуналар ўрин олган... Ниҳоят, бу ерда бой нумизматика ва археологик коллекцияни ҳам кўриш мумкин. Акром Асқаров Ўрта Осиё қадимги ёдгорликлари ва эски тангаларни кўпдан бери иштиёқ билан тўплаб келади. Унинг коллекциялари бу ердаги ҳаёт билан бу ўлканинг бир пайтлар жуда жўшқин кечган ҳаёти билан қизиқувчиларнинг ҳаммасига маълумдир». Н. И. Веселовский тавсиясига кўра Русия Император Археология жамиятининг кумуш медали билан тақдирланган ва сиртдан Париж археология жамияти аъзоси қилиб сайланган. **Акром Асқаровнинг бу коллекциялари (14 минг мис, кумуш ва олтин тангалар ҳамда 200 санъат осори-атиқалари) Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан Петербургга, Император Археология Комиссияси ихтиёрига жўнатилгани ҳам диққатга сазовордир».**

ВЕСЕЛОВСКИЙ ИККИНЧИ ГИЛЬДИЯ САВДОГАРИ, маҳаллий ипак, жун ҳамда ип-газлама буюмлари фабрикаси хўжайини — Самарқандлик Мирза Абдулла Бухорий хизматларидан ҳам унумли фойдаланган. Тижорат аҳли намоёндаси Мирза Абдулла ўз замонасининг тараққийпарвар кишиларидан бўлиб, она юрт тарихининг ишқибози, ҳаваскор ўлкашунос ва йирик тангашунос бўлган. У 1878 йилда Тошкентда кўргазма ташкил этишда қатнашиб, унга хонатлас, турли рангдаги аёллар бош кийими ва ҳар хил рўмоллардан иборат коллекция тақдим қилган. У савдогар Муҳаммад Шокир билан бирга «Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани» учун олтиннишон билан тақдирланган. Мирза Абдулла Улуғбек Расадхонаси жойлашган майдон ҳақида баъзи ҳужжатларга дуч келган ва уларни В. Л. Вяткинга маълум қилган. Самарқанд вилояти бошқармаси амалдори ўлкашунос В. Л. Вяткин олиб борган қазишмалар натижалари ғоят катта илмий кашфиётга олиб келди. У 1908-1909 йилларда Обираҳмат ариғи яқинидаги Пойирасад тепалигида қазишма олиб борди. Натижада Ўрта Осиё халқларининг жаҳон аҳамиятига молик ажойиб маданият ёдгорлиги Улуғбек расадхонаси қолдиқлари кашф қилинди. Ана шу катта ишда Вяткин таъкидлаганидек, Абу Саид Махсумнинг ҳиссаси катта бўлди. **1909 йил 11 февралда Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистика (тилшунослик) ва элшунослик жиҳатдан ўрганиш ўрис қўмитаси В. Л. Вяткиннинг Самарқандда археология ишлари бўйича энг фаол ёрдамчи сифатида Абу Саидни 100 сўм пул мукофоти билан тақдирлаган эди.**

Н. И. Веселовский қазишмалар мобайнида Туркистон халқлари кайфиятини ўрганиш асосида шундай хулосага келган: **«Биз маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Буйсундирилган оснёликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо, булардан ҳам юксак бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмонлар ҳолини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқ. Бизнинг ҳукмронлигимизда эса улар шундай ҳолга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён қиладн».**

1934 йилнинг охирида Санкт-Петербург Эрмитажининг хоналаридан бирига қўйилган бронза қадоқ тош машҳур шарқшунос олим М. М. Дьяконовни ўзига тортади. Тош сиртида арабий битиклар бор эди. М. М. Дьяконов тошнинг музейга келиш тарихи ва ундаги битикларни ўқиш мақсадида архив ҳужжатлари билан танишади ва уни Н. И. Веселовский 1893 йили Бухоро хонлигининг Чорбўта қишлоғидан келтирганлигини исботлайди. Олим қадоқ тош сиртидаги ёзувларни ҳам ўқийди, унда «Амир Исмоил қадоқ тоши» дейилган эди.

Бухоро ҳукмдори Исмоил Сомоний даврига алоқадор ушбу тош ўлчов бирлиги яратишда Ўрта Осиё халқлари ҳам биринчилар қаторида турганлигидан далолат беради.

Эрмитажда кўҳна Турон ёдгорлиги ҳисобланган бронзадан ясалган қаламдон ҳам мавжуд. Уни нақкош тахнишон (кумуш мис симлари чандиқлаш) услубида нозик нақшлар билан ишлаб, сиртига арабий ҳарфларда: «Қаламдон 1148 йили уста Умар Юсуф ўғли Усмон ал Ҳожи учун ишлади» деб битилган. Эрмитажга топширади. Бу бадиий буюмлар обдаста (офтоба) ва дастшўй (қўл-бет ювгандa ювинди сув оқиб тушадиган маъдан идиш) олиб келинган. Бу буюмларнинг Эрмитажга келиб қолиш тарихини уста Лутфулла Фозилов шундай изоҳлайди: «XIX асрнинг 80-90-йилларида ўрис рассоми Н. И. Каразин Қўқонда турғун бўлиб, ижод қилган. Уста Сиддиқ ўзи зарблаган обдаста ва дастшўйни Каразинга совға қилади. Рассом эса ўз навбатида уларни Эрмитажга топширади. Бу бадиий буюмлар сиртида маймун, этик кийиб, камон отаётган мушук ва бошқа жонзот қиёфасига ўхшатиб ишланган афсонавий образларни кўриб таажжубланилади. Сабаби шуки, ислом динида тасвирий санъатда одам ва бошқа жонли мавжудот қиёфасини яратиш тақиқланган ва унинг ўрнига ўсимликсимон «ислими» ва геометрик «гирих» нақшлари зарб қилинган. Бу нақшлар шундай зўр маҳорат ва дид билан ясатилганки, бу устанинг моҳирлигини билдиради.

Дастшўй ҳошиясида хаттотлик ёзуви бўлиб, унда бу буюмни қўқонлик уста Сиддиқ зарб этгани битилган. Уста Сиддиқ қўқонлик машҳур наққошлар сулоласининг асосчиси Отаулла Муҳаммадражабнинг ўғли эди. Сулоладан 20-га яқин уста зарбчилар етишиб чиққан. Уларнинг ичида ҳатто қобилиятли аёллар ҳам бўлиб, улар бадиий буюмларни уйнинг ичида ҳеч кимга кўрсатмай зарб қилганлар. Юқорида айтиб ўтилган Лутфулла Фозилов шу авлоднинг сўнгги вакили эди.

Ўзбекистон халқ ноиби Карим Баҳриевнинг Эрмитажга олиб кетилган осори-атиқалар ҳақидаги қуйидаги фикрлари асослидир: «Москвада қўйиб юрган пайтларимда Санкт-Петербургга тез-тез бориб турардим. Бу сайру саёҳатларнинг энг завқлиси Давлат Эрмитажига ташриф эди. Албатта, ўша пайтларда маданиятимиз фожиасини бутун даҳшати билан тасаввур этган эмасдик. Фақат ҳаёлимиздан: «Мана шу амир тахтини нега Бухорога бориб томоша қилмаймиз? Нега Ўрта Осиё халқлари маданияти ва санъати тарихи музейига айланган Эрмитажнинг Шарқ бўлими Ўзбекистонда эмас, бу совуқ ўлкада?..» — каби фикрлар кечарди, холос.

Эрмитажнинг бойиш тарихига бу йил 230 йил тўлди. Генерал Кауфман 1873 йилда ўрис Жуғрофия жамиятига тақдим этган Хева хонларининг хазинаси — ўзи бир музей. Мен бу хазинадаги бир тўғноғични соатлаб томоша қилган эдим. XIX аср бошида ясалган бу тўғноғич узунлиги 11,6 см. бўлиб, тиллодан ҳалланган, кумушдан ясалган, олтин гардишли ҳақиқи бор, шодасига дур ва садаф тақилган эди»...

1898 йили Русия Фанлар Академияси академик В. В. Радлов ташаббуси билан Туркистонга илмий экспедиция жўнатди. Худди шу Радлов ташаббуси билан Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш бўйича халқаро ассоциация ташкил этилди.

1903—1904 йилларда Пампелли ва Шмидт раҳбарлигидаги Америқонинг Карноги институти экспедицияси туркман вилоятидаги Анов қишлоғидаги қўрғонларда қазишмалар олиб борди. **Туркистонга «илмий сафар» қилган Шарль Уйфальви бошчилигидаги экспедиция** археология Комиссиясига махсус нома битди. «Менинг кўп йиллардан бери қадимги нодир нарсалар тўплаш билан шуғулланишим комиссияга сир эмас, — деб ёзган Бухорий, — ҳар қалай, умумий манфаат ва Русия илм-фанини кўзлаб, ҳамда улусимиздан... бошқалар ҳам бу қадимги нарсалар хусусида алоҳида тушунчага эга бўлсинлар учун Туркистон ўлкасида бу иш билан ҳаммадан кўпроқ мен шуғулланганимни унутмасликларинг учун ёдгорлик қолдиришга ҳаракат қиламан».

Н. И. Веселовский ўзи олиб борган қазишма ишларида Шайбонихон мадрасаси мударриси Мирза Абу Саид Махсумдан ҳам унумли фойдаланган. Унинг фикрича Мирза Абу Саид маҳаллий аҳоли орасида «мусулмон адабиётининг энг билимдон кишиларидан бири» бўлган. Моҳир хаттот, араб ёзувининг зукко билимдони Абу Саид Самарқанднинг тарихий-меъморий ёдгорликлари, Гўри Амир, Шоҳизинда мақбаралари ва бошқа иншоотларда сақланиб қолган, ўқиш қийин бўлган ёзувлардан ажойиб равишда нусхалар кўчирган.

Н. И. Веселовский шу тариқа кенг жамоатчилик ёрдамида, зукко маҳаллий ўлкашуносларнинг воситасида самарали қазишмалар олиб борган. Аммо, унинг натижалари фанга маълум бўлмади. **Туркистондан олиб кетилган улкан археологик осори-атиқалар Петербургда қолиб кетди. Унинг тавсифи ҳам, ҳисобот ва чизмалари ҳам эълон қилинмади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Веселовскийга қараганда анча тор ва қисқа муддат қазишма қилган В. Л. Вяткин ишлари 50 пуд почта жўнатмасини ташкил қилган.** Абу Саид Махсум машҳур Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топишда ўрис археологи В. Л. Вяткинга холисона катта хизмат кўрсатган. У Қурбонжон Додхо (1811-1907) илтимосига кўра унинг сандиғида сақланаётган Қўқон хонлари архивини тартибга солиш вақтида

Самарқанддаги қоплама кошин намуналаридан етти қутини «ўмариб» кетди.

Савдогарчилик нуқтаи назаридан ўтказилган ўзбошимча «қазишмалар»нинг жонли гувоҳи профессор М. Е. Массон ўз хотираларида шундай ёзган: «Инқилобдан аввалги Туркистондаги «осори-атиқалар бозори» асосан четга, хусусан чет элга ишлар эди. Айрим чет эл нумизматик фирмалари бу ерда аҳолидан тангаларни сотиб олиш билан шуғулланадиган махсус комиссионерларни ёллаган эдилар. Кўҳна қўлёзмалар, археологик, нумизматик буюмлар кўплаб миқдорда ҳар йили Ғарбий Оврупога олиб кетилар эди». Массон

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ўз эсдаликларида ўз маблағи ҳисобига мустақил равишда қазишмалар олиб борган ва нодир осори-атиқалардан бой коллекция тўплаган ҳарбий муҳандис полковник Б. Н. Кастальский фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилган.

Қазишмалар воситасида катта коллекциялар тўплаганлар орасида полковник Кастальскийдан ташқари Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Д. С. Галкин ва бошқа каттакичик амалдорлар ҳам бўлган. Ўз ҳолича уюштирилган ва илмий асосдан йироқ бундай қазишмалар натижасида чет эллар мулкига айланган, ҳамда фан учун беиз йўқолган осори-атиқалар миқдори ҳанузгача аниқланмаган.

МАЪЛУМКИ, ШАРҚДА, ХУСУСАН КЎҲНА ТУРОНДА масжид, мадраса, хонақоҳ ва қабрлар устига мармар китоба (лавҳа) ўрнатиш кенг расм бўлган. Амир Темур қабрига кираверишда ҳам шундай китоба бўлган эди. 1905 йили мақбара пештоқидаги ёзувли лавҳа ўғирланиб, 1906 йили Константинопол (ҳозирги Истанбул) шаҳрида туркиялик бир устаси фаранг савдогарга арзимаган пулга сотиб юборилган. Савдогар уни Берлиндаги Фридрих-Музеумининг директори Т. Бодега 10.000 франкка пуллаган. Бу воқеадан хабар топган Туркистон маъмурлари Русия ҳукуматига мурожаат этиб, у нодир санъат намунасини Олмониядан олиб беришни илтимос қилган. Икки ўртада рўй берган анча-мунча дипломатик борди-келдилардан сўнг, «Русиянинг талаби билан» Олмония ҳукумати уни қайтаришга мажбур бўлди. Бунинг эвазига 6.000 марка тўланган. Лекин, **Турон юртининг миллий бойлиги ўз юртига эмас, Санкт-Петербургга олиб кетилди. Ҳозир у Эрмитажда араб ҳусни хати билан «Жаҳонгир Амир ликсимон нафис нақшлар жилвасида оқ рангда араб ҳусни хати билан «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, худо уни раҳмат қилсин ва абадий жаннатда бўлсин», — дейилган.**

Эрмитажга олиб кетилган ёдгорликларнинг санаб саноғига етиш қийин. Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи хоналаридан бирига катта харсанг тош қўйилган бўлиб, бу оддий тош эмас эди. Унинг сиртига битилган ёзувларни ўқиш билан, унинг нодир тарихий ёдгорлик эканлигига ишонч ҳосил қилинган. Тош Олтин Чуку тоғидан (Қозоғистоннинг Қорасакпай шаҳарчасига яқин) келтирилган. Ундаги араб алифбосида эски ўзбек, яъни чиғатой тилида туширилган ёзувда бундай дейилади: «Турон султони Темурбек баҳор ойида (1391 йилнинг апрелида — М. М.) икки юз минг аскари билан Тўхтамишга қарши юришда шу ерга келиб, тошдан қўрғон кўтартирди. Тангрига маъқул бўлса ҳақлиқ қилур, умматлар эса эса олур деб тошга ёздирдим».

Мазкур битик тарихий манба сифатида Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши чиққанлигини баён қилиши билан тилшуносларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан қарийб 601 йил олдин ўзбек тилининг талаффузи ва хаттотлик — тоштарошлик санъати юксак бўлганлигини ушбу ёдгорликдан билса ҳам бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавий масжиди (ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида) учун улкан қозон ва шамдонлар қуйишни сарой рихтагарларига буюрган. (1864 йил 12 июнда полковник Верёвкин Туркистон шаҳрини босиб олиб, Амир Темур Кўрагон Хожа Аҳмад Яссавий хотирасини улуғлаб қурдирган буюк саждагоҳ — Шайх мақбарасини тўпга туттирган — М. М.) Исфаҳонлик Иззаиддин ибн Тожиддин жаҳонгир амрига биноан 1397 йили бешта шамдон ясайди. 1905 йили Санкт-Петербург шаҳрида Эрон санъати ва археологиясига бағишланган III жаҳон конгресси чақиришлиги муносабати билан Эрмитажда кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Туркистондан келтирилган тилла ва нуқра симлар тахнишон ёки симкорлик услуби билан парчинланган шамдон асоси қўйилади, лекин шамдоннинг ўзи эса у ерда йўқ эди. Кўргазмани кўргани келганлар бундан таажжубланадилар. Фарангистон олимлари бу асоснинг устига ўрнатилган шамдон Парижда Лувр музейида сақланаётганлигини айтишган эди. Демак, Аҳмад Яссавий масжиди учун ишланган шамдон Фарангистонда бўлса, унинг асоси Эрмитажда. Хўш, бу шамдон қандай қилиб Фарангистонга келиб қолган? Манбаларда айтилишича, XX аср бошида ғарбий Оврупода нодир асарларни йиғувчилар ва ҳар хил фирибгарлар ўз агентлари ёрдамида ўзбек халқининг баъзи ноёб санъат асарларини ҳам турли йўллар билан ўғирлай бошладилар. Бир номаълум киши 1905 йили Аҳмад Яссавий масжидининг даҳма томонга қараган дарчасидан тушиб, шамдонни ўғирлаган. Лекин, шамдоннинг асоси оғир бўлганлиги учун уни олиб кетолмайди. Шамдоннинг тарихи ана шундай. Улкан қозон эса сўнгги йилларда ўз жойига қайтарилди.

ЭРМИТАЖГА АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ ШИПИДАГИ олтиндан ясалган юлдузсимон шаклда ишланган қандиллар, қурол-аслаҳалар ҳам олиб кетилди.

Амир Темур идорасининг ҳозир Истанбулдаги «Юлдуз» кутубхонасида сақланаётган турли ҳужжатлари орасида жанг манзараси тасвирланган бир расм бор. Унда Самарқанд қалъа деворини мудофаа қилаётган жангчиларга ёш йигитнинг қўмондонлик қилаётгани (унинг тепасида майда ҳарфлар билан «Халил Султон» деб ёзилган) тасвирланган. Амир Темурнинг набираси Халил Султонни жанг майдонида тасвирловчи бу расм шаҳзода ҳокимиятни қўлга олган даврда, яъни 1405—1409 йилларда ишланган.

Худди шунингдек, Сайрам масжиди устунининг тошдан ясалган таг қисми Эрмитажга олиб кетилди.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Муталлиб СОДИҚОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.10
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12